

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ
ВАЗИРЛИГИ

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ФАКУЛЬТЕТИ

«ОЗИҚ-ОВҚАТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ»

КАФЕДРАСИ

МАЖИДОВ.Қ.Х.

“ ЎСИМЛИК МОЙЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНОЛОГИЯСИ ”
ФАНИДАН ЎҚУВ – УСЛУБИЙ МАЖМУАСИ

Билим соҳаси:	300000	– Ишлаб чиқариш. Техник соҳа
Таълим соҳаси:	320000	– Ишлаб чиқариш технологияси
Таълим йўналиши:	5321000	–Озиқ-овқат технологиялари махсулотлари бўйича) (Ёғ-мой

Фаннинг ўқув-услубий мажмуаси Олий ва ўрта таълим вазирлигининг 2018 йил 25-август 355-сонли буйруғининг 2-иловаси билан рўйхати тасдиқланган фан дастури асосида ишлаб чиқилган.(B-5321000-4.02.)

Тузувчи: **Мажидов.Қ.Х** - Гулистон давлат университети “Озиқ-овқат технологиялари” кафедраси профессори

Тақризчи: **Саттаров.Қ.Қ.** - Гулистон давлат университети “Озиқ-Овқат технологиялари” кафедраси мудири.

ЎУМ ГулДУ Ўқув – методик Кенгашининг 2019 йил “15” июнь
“ 10 ” – сонли мажлисида тасдиқланган.

МУНДАРИЖА

Ўсимлик мойлари ишлаб чиқариш технологияси фанидан силлабус.....
Назарий материаллар (маъruzалар курси).....
Амалий ишларини бажариш бўйича услугбий қўрсатма.....
Мустақил таълим бўйича материаллар.....
Глоссарий.....
Информацион-услубий таъминот.....
Иловалар:
Фан дастури.....
Ишчи фан дастури.....
Тарқатма материаллар.....
Тестлар.....
Ишчи фан дастурига мувоғик баҳолаш мезонларини қўллаш бўйича услугбий қўрсатмалар.....
Тақдимотлар ва мултимедиа воситалари (электрон шаклда).....
Ўкув-услубий мажмуанинг электрон шакли.....

1.«Ўсимлик мойларини ишлаб чиқариш технологияси»

Фанининг 2019/2020 ўқув йили учун мўлжалланган

СИЛЛАБУСИ

Фанинг қисқача тавсифи				
ОТМНИНГ НОМИ ВА ЖОЙЛАШГАН МАНЗИЛИ:	Гулистан Давлат университети		Гулистан шахри 4-мавзе, университет	
Кафедра:	Озиқ-овқат технологиялари кафедраси		“Ишлаб чиқариш технологиялари” факультети таркибида	
Таълим соҳаси ва йўналиши:	5321000 – “Озиқ –овқат технологияси”	Ишлаб чиқариш технологиялари		
Фанни олиб борадиган ўқитувчи тўғрисида маълумот:	т.ф.д. проф. Мажидов. Қаҳрамон Халимович	e-mail:	doktor-sattarov@mail.uz	
Дарс вақти ва жойи:	240-аудиатория	Курснинг давомийлиги	05.09.2019-16.01.2020	
Индивидуал дарслик асосида ишлаш вақти:	Душанба,жума кунлари 14дан 16 гача			
Фанга ажратилган соатлар	Аудиатория соатлари			Мустақил таълим:
	Маъруза:	32	Лаборатория	28
	Амалий			36
Фанинг бошқа фанлар билан боғликлиги:	<p>“Олий математика”, “Аналитик кимё”, ”Физколлоид кимё”, Озиқ овқат кимёси, Микробиология, Асосий технологик жараён ва курилмалар, Чизмагеометрия, Умумий озиқ овқат технологияси,</p> <p>“Ёғ мой хом ашёлар кимёси”, “Ёғ мой технологиясининг назарий асослари.”.</p>			
Фанинг мазмуни				
Фанинг долзарбилиги ва қисқача мазмуни:	<p>Фанинг ўқитишидан максад- ёг-мой корхоналарига келаётган мойли уруғларни қабул қилиш, сақлаш, тозалаш, чақиши, сепаратлаш, янчиш, қовуриш, пресслаш, экстракциялаш, олинган мойларни бирламчи тозалаш технологияси ва уларга оид технологик схемалар, ёг мойларнинг сифат кўрсаткичларини, шунингдек ишлаб чиқаришида қўлланиладиган ускуналарнинг турлари ва ишлаш тартибларини асосларини ўргатишидан иборат.</p> <p>Фанинг вазифаси–талабаларга ўсимлик мойларини ишлаб чиқарши технологиясидаги илм фан, техника ютуклари, хозрги вақтда тармокнинг муҳим</p>			

	<i>вазифалари кайта ишилшини турлари, сифат күрсөткічларини яхшилаш, меңгерләри хакидағы назарий билімларни амалда табдик эта оладиган ва муаммоларини ўргатышидан иборат. Хом-ашёларини сифат күрсөткічларини аниклаш, технологик усқуналарнинг самарадорлигини ўрганиши масалаларини ўрганиши вазифалари күзда тутилган.</i>
Талабалар учун талаблар	<ul style="list-style-type: none"> - ўқитувчига ва күсдошларига нисбатан хурмат билан мұносабатда бўлиши; - университет ички тартиб интизом қоидаларига риоя қилиши; - уяли телефонни дарс давомида ўчириши; - берилган уй вазифаси ва мустақил иши топшириқларини ўз вақтида ва сифатли бажарishi; - кўчирмачилик қатъиян ман этилади; - дарсларга қатнашиш мажбурий ҳисобланади дарс қолдирган холатда қолдирилган дарслар қайта ўзлаштирилиши шарт; - дарсларга олдиндан тайёрланиб келиши ва фаол иштирок этиши; - талаба ўқитувчидан сўнг дарс хонасига машгулотга киритилмайди; - талаба рейтинг балидан норози бўлса эълон қилинган вақтдан бошлаб 1кун монбайнидаappeляция комиссиясига мурожжат қилиши мумкин;
Электрон почта орқали мұносабатлар тартиби	Профессор-ўқитувчи ва талаба ўртасидаги алоқа электрон почта орқали хам амалга ошириши мумкин телефон орқали баҳо масаласи мүхокама қилинмайди, баҳолаш фақатгина университет худудида ажратилган хоналарда ва дарс давомида амалга оширилади. Электрон почтани очиш вақти соат 15-20 гача

«Ўсимлик мойлари ишлаб чиқариш технологияси» фанидан маъruzалар матнлари бакалавриятуранинг «Ё ва мойлар технологияси» йўналиши ўқув режасига асосан 64 ўқув соати ҳажмида 21 та маъruzани ўз ичига олади.

Маърузалар матнларида ёғ-мой корхоналарига келаётган мойли уруғларни қабул қилиш, сақлаш, тозалаш, чақиш, сепаратлаш, янчиш, қовуриш, пресслаш, экстракциялаш, олинган мойларни бирламчи тозалаш технологияси ва уларга оид технологик схемалар баёнлари келтирилган.

Тузувчи: проф. Мажидов.Қ.Х.

**ПРЕСЛАШ УСУЛИ БИЛАН ЎСИМЛИК МОЙЛАРИНИ ОЛИШ
ТЕХНОЛОГИЯСИ.**

1-МАЪРУЗА КИРИШ.ФАННИНГ ТАРИХИ ВА РИВОЖЛАНИШ КОНСЕПЦИЯСИ.

Режа: Рейтинг тизими ҳақида. «Ўсимлик мойлари ишлаб чиқариш технологияси» (ЎМИЧТ) фанинг мақсад ва вазифалари. Фаннинг ҳалқ хўжалигидаги аҳамияти ва тутган ўрни, ривожланиши. Ўсимлик мойларининг чиқитсиз ишлатиш масалалари. Мамлакатда пахта ва бошқа ўсимлик мойларини ишлаб чиқариш технологиясининг истиқболи. Ёғ-мой саноатининг пайдо бўлиши ва ривожланиш тарихи. ЎМИЧ техника ва технологиясининг ривожланиши. Ўсимлик мойларини олишнинг асосий усуслари ва технологик схемалари. Технологик жараён. Технологик схема. Асосий, тайёрлов, ёрдамчи ва қўшимча жараёнлар.

Рейтинг тизими ва унинг бажарилиши.

Фаннинг мақсади, вазифалари ва таркиби.

Фаннинг мақсади – ўсимлик дунёсидан олинадиган мойли уруғлардан преслаш ва экстракциялаш йўллари билан турли хил ўсимлик мойлари олишнинг технологиясини ўргатишдан иборатdir.

Фаннинг вазифалари – юқорида қайд қилинган мақсадга эришиш учун мойли уруғларнинг сифат кўрсатгичлари, уларни корхонада қабул қилиб олиш, сақлаш, тозалаш, преслаш жараёнига тайёрлаш, экстракциялаб мой олиш усусларини ўргатиб бу жараёнларга оид бўлган барча технологик параметрлар, ҳисоб-китоб ишларини тўғри олиб бориш масалаларини тушунтириб беради. Шу билан биргаликда технологик жараёнларнинг бузилиши содир бўлган ҳолларда уларни қайси йўллар билан бартараф қилиш, технологик параметрларни нормал ҳолатга келтириш йўл-йўриқларини ҳам белгилиб беради.

«Ўсимлик мойлари ишлаб чиқариш технологияси» ни ўрганиш, мойли хомашёларни қайта ишлашнинг рационал технологиясини ва бу ўз навбатида мойнинг чикишини кўпайтириш, шрот ёки кунжараларни олиш билан бир каторда улардаги биологик, актив, фойдали компонентларнинг жуда кам микдорда йуқолишини таъминлаш имконини беради. Бу технология мойли уруғларнинг физиологик-биокимёвий хусусиятлари, уларни қайта ишлаш йўллари, турли факторларнинг уруғ компонентларига ва уларни қайта ишлаш маҳсулотларига таъсири туғрисида чуқур билимга эга бўлгандағина ва технологик жараёнларни тўғри бошқара билгандағина амалга оширилиши мумкин.

Ёғ-мой саноати республика озик-овкат саноатининг етакчи тармокларидан бири. Ўзбекистонда кадимдан ўсимлик мойи қунжут, зигир, индов, маҳсар уруғи, пахта чигити, полиз экинлари уруғларидан мойжузвозларда олинган. Ўзбекистонда пахта чигитидан мой олувчи дастлабки завод 1884 йили Куконда курилган. 1913 йили 30 та кичик мой заводларда 57 минг т пахта мойи ишлаб чиқарилган. Республикада ҳозир

йиллик куввати 3,5 млн. т мойли ўсимлик уруғларини қайта ишлайдиган 19 та йирик ва бир неча кичик корхоналар ишлаб турибди. Саноатнинг бу тармогида пахта, соя ва бошқа ўсимлик мойлари олиниб, улар тўғридан-тўғри истемолдан ташқари, озик-овкат саноати тармокларида ишлатиладиган ёғлар, маргарин маҳсулотлари, майонез, кирсовун, атирсовун, пальмитин, олеин олишда, техника максадлари учун бошқа турли маҳсулотлар ишлаб чикиришда ишлатилади. Ўсимлик мойлари ишлаб чикиришда Республикаизда йилига ўртacha 2,1 млн. тоннадан кўпроқ пахта чигити, индов, зигир, маҳсар уруғлари, шунингдек импорт буйича олинадиган соя уруғи қайта ишланади. Республика ёғ-мой саноати озик-овкат саноати умумий маҳсулоти ҳажмининг 40% га якинини беради. Тармок корхоналарида ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар, хусусан пахта мойи, шрот экспортга чиқарилади. Косон, Гулистон ёғ экстракция заводлари (бир кунда 1200 т чигитни қайта ишлайди), Фаргона ёғ-мой комбинати (куввати кунига 840 т чигит), Кукон ёғ-мой комбинати (куввати кунига 810 т чигит), Каттакургон ёғ-мой комбинати (куввати кунига 950 т чигит), Янгийўл ёғ-мой комбинати (800 т), Денов ёғ-экстракция заводи (800 т), Урганч ёғ-мой комбинати (800 т) тармоқдаги энг йирик корхоналардир.

Тошкент ёғ-мой комбинатида маргарин маҳсулотлари (йиллик куввати 52,4 минг т) ва майонез (йиллик куввати 2 минг т), ишлаб чиқарилади. Тармоқдаги 10 корхона — Фаргона, Янгийул, Андижон, Урганч, Каттакургон ва бошқаларда кирсовун (ялпи йиллик умумий куввати 103,7 минг т) ишлаб чиқарилади. Фаргона ёғ-мой комбинатида йилига 16,7 минг т турли кичик улчамдаги (25,40,100 граммли) атирсовунлар ишлаб чиқарадиган линия курилмоқда, глецерин (йиллик куввати 2 минг т) ишлаб чикириш ўзлаштирилди. Тармок корхоналарида технологик жараёнларни автоматлаштириш, хорижий фирмалар ускуналари билан жихозлаш ишлари давом эттирилмоқда. Корхоналарни техникавий жихатдан қайта жихозлашда Крупп, СКЕТ (Германия), «Альфа-Лаваль» (Швеция), «Жонсон» (Англия), «Карвер», «Краун» (АКШ), «Маццони», «Боллиста», (Италия), Польша, Украина, Россия ва бошқа фирмалар билан ҳамкорлик яхши самара бермокда.

Ёғ-мой саноатининг пайдо бўлиши ва ривожланиши тарихи.

Мойли ўсимликларни маданийлаштириш ва улардан мой олиш одамзот жамиятигининг қадим давриларга тўғри келади. Бу даврда табиат етиштириб бераётган ҳайвонат олами ва ўсимлик дунёси одамларини истемол таъминотини қониктира олмай қолди. Бундай хол одам ва табиат ўртасидаги ўзаро зиддиятларни кучайтириб юборади. Зиддиятларни ҳал қилиш ишлаб чиқариш хўжаликларини пайдо бўлишида катта иқтисодий бурилиш ясалишига сабаб бўлди. Жамоалар озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш маҳсадида мойли экинларни ҳам ўзлаштира бошлишди.

Миср пирамidalари ва мозорларини қазиш пайтларида сопол идишларда ёғли маҳсулотлар, хусусан пальма мойлари ва уларнинг парчалиниш маҳсули пальмитин кислотаси топилган. Тарихчиларнинг гувохлик беришларича Нил дарёсининг воҳасида қадимги мисликлар эрамиздан 2 минг йил олдинроқ поясидан тола ва уруғидан мой олиш учун

зифир ўсимлигини экиб етиштирилган. Миср папурусларида, эрамизгача бўлган 259 йилга мансуб аниқ ёзувларда, пресслаш йўли билан зифир, кунжут, канакунжут уруғларидан мой олинганлиги тўғрисида маълумотлар берилган. Пресслаш йўли билан Грецияда ўсимлик мойлари олинганлиги тўғрисида Геродот (эрамиздан аввал V - аср) нинг ёзувларида ҳам эслатиб ўтилган.

Қадим замонлардан бери Россия ва Ўрта Осиё мойли ўсимлик ҳом ашёсини етиштириш бўйича Европа ва Осиёда биринчи ўрини эгаллаб келган. Тола – Мойли уруғлар-зифир ва каноп ва пахта чигити (Ўрта Осиё худудлари учун) асосий маҳсулот ҳисобланган. Қадимги Рус ва Ўрта Осиёда XIV асрдан бошлаб тола ва озуқа мойи олиш учун зифирчилик кенг тарқалган.

Зифир билан бир қаторда Россияда каноп уруғи ҳам тола, ҳам мой олиш учун етиштирила бошланган.

XVIII аср охирларида Россияда хантал уруғи етиштириш тез ривожлана бошланади. Аммо юқори сифатли ўсимлик мойлари билан ахолини таъминлаш кунгабоқар уруғи ўзлаштирилгандан сўнг ҳал бўлди.

Кунгабоқар Европага Жанубий Америка ва Мексикадан келтирилган. У XVI аср бошларида Испанияда ўзлаштирилган, кейинчалик Шарқда тарқала бошланган. Россияда кунгабоқар XVIII асрда пайдо бўлган ва узоқ муддат декоратив ўсимлик сифатида маданийлаштирилган.

Мой олиш учун кунгабоқарни Россияда етиштириш 1829 йилга тўғри келади. Айнан Воронеж губерниясида уни мой олиш учун эка бошлашган.

XIX-аср охирларида жин машиналар кулланилиши пахтачиликни, тукимачилик саноати учун хомашё базасини ва пахта мойи олишни янада ривожланишига олиб келди. 1913 йилда чигит хосилининг йигини 174 минг тетди.

Биринчи мой заводлари 1883-84 йиллари Куконда, кейин 1893 й. Каттакургонда, 1922 й. Янгийул шаҳрида ва 1930 й. Фаргонада 24 гидропрессли завод курилди. 1936 йилда экстракция методи билан чигитни қайта ишлайдиган цех Каттакургонда ишга туширилди.

Ўсимлик мойлари ишлаб чиқариш техникаси ва технологиясининг ривожланиши.

Узоқ қадим замонларда мой ишлаб чиқариш учун тошдан ясалган мойжувозлар ишлатилган уларнинг ўзгартирилган ва қулайлаштирилган намуналари ҳозирги кунда ҳам Республикамиз худудларида ишлатиб келинмоқда.

Рим давлат арбоби ва ёзувчиси Катон (эрамиздан аввал III-II асрлар) ер тўғрисидаги фалсафий ёзувларида зайдун мойи олиш учун ишлатиладиган пресс ва зайдун мевасининг юмшоқ қобигини ажратувчи “транст” жихози тўғрисида эслатиб ўтган. Транстда ажратилган ва майдалангандан зайдун мевасининг юмшоқ қисми ричагли прессда сиқилиб, зайдун мойи ажратиб олинган. Ричагли пресснинг иккита плитаси бўлиб, бири станинага маҳкам, иккинчиси эса шарнир ёрдамида бириктирилган. Босим плиталарига ричаг ёрдамида берилиб, унинг бир учига юк осиб қўйилган. Ричагли прессларнинг

кейинги аналогларида, ричагни сиқиши учун, винтли узатмаларидан фойдаланилган.

Тахминан 1600 йиллар атрофида Европада понали пресслар пайдо булди., улар мустахкамроқ бўлгани сабабли ричагли ва винтли прессларни урнини ола бошлади. Бу пресснинг ишчи органи икки жуфт верикал жойлашган чуюн плиталардан иборат бўлиб, улар тугри бурчакли дубдан ясалган тоғорага киритилган. Ташки плиталар пресснинг корпуси деворларига харакатланмайдиган килиб мустахкамланган, ички плиталари эса горизантал йўёналишда харакатланиши мумкин. Махсулот копларда плитлар орасига жойлаштирилади ва қарама-карши жойлашган поналар харакати ёрдамида сикиласди.

Тугри понани кокиши билан орқа поналар тортилиб, плита ва материалга таъсир этувчи босим ҳосил килинади. Мой плиталар тешикчаларидан окиб чикади. Мой окиши тугагандан сунг пресс бушатилади. «Мойжувоз» термини ҳам айни шу билан bogланган бўлса керак. 1750 йилда жуфт валли (жўвали) станоклар ва 1975 йилда гидравлик пресслар Англияда кашф этилди ва кулланила бошлади. 1832 йилга келиб ёпик типдаги преслар пайдо булди, улар 1880 йилдан кейин кенг кулланила бошлади. Америкада 1880 й. кўп каватли гидравлик пресслардан фойдалана бошладилар.

Гидравлик прессларнинг барча турлари кўпгина камчиликларга эга эди, улардан асосийси - пресслар даврий равишда ишларди. Бундан ташқариулар жуда кўп микдорда пресс мовути сарфлашни талаб этарди, кўп мой кунжарада кетарди, мураккаб гидравлик босим системаси курилмаларини талаб этарди. Буларнинг ҳаммаси тухтовсиз ишлайдиган пресслар ишлаб чикишдаги изланишларга унадади.

Катор конструкциялар орасида Бессемер пресси шу туркум пресслари орасида биринчилардандир. Шнекли ишчи механизми тухтовсиз харакат киладиган пресслар биринчи бўлибXX-аср бошларида Андерсон томонидан кашф этилган. Европада Германияда чиқариладиган шнекли пресслар кенг таркалганди. Хозирги даврда «SKET» (Германия) фирмаси турли хил янги типдаги пресслар чиқармокда.

Шнекли тухтовсиз харакат киладиган прессларнинг катта ютуклари билан бирга, бу ускуналар ҳам камчиликларга эга: асосан кунжара таркибида кўп микдорда мой колиб кетади.

Бу мой олишнинг янги ва пухта усуllibарини излашни талаб этарди. Натижада мойни енгил учувчан органик эритувчилар ёрдамида ишлаб чиқариш, яъни экстракция усули кашф этилди ва биринчи марта 1856 йилда Францияда Дисс томонидан саноат масштабида кулланилди. Органик эритувчи сифатида углерод сульфиддан фойдаланилди. Аммо аппаратуранинг содда ва колоклиги, системада керакли герметикликнинг йуклиги ва ишлаб чиқариш режимининг яхши йулга куйилмаганлиги, бу усулини кенг таркамаслигига олиб келди.

Бензин билан экстракциялаш усулига биринчи патент 1867 й. Германияда олинди, 1879-82 йилларда тиндириш усули билан ишлайдиган курилмаларга патентлар олинди.

Экстракция курилмаларининг кейинги ривожланиши, катор экстракция аппаратларини (6-8 та) кетма-кет улаб батарея ҳосил килиб, экстракция материалини кетма-кет мойсизлантиришга асосланган, батареяли экстракция системаси пайдо булишига олиб келди. Гейлнинг экстракция курилмаси шу курилмаларнинг типик вакиидир.

XX-аср бошларида «Кебер» фирмасининг батареяли экстракция курилмалари пайдо булди ва саноатда кенг таркалди, улар баъзи Европа мамлакатларида хозирги вактгача ишлаб келмоқда.

Республикамизда биринчи экстракция цехи Каттақўрғонда 1936 йилда ишга тушурилган бўлса, XX асрнинг ўрталарида ва иккинчи яримда кўпгина экстракция курилмали цех ва заводлар пайдо бўлди. Жумладан Янгийўл, Фарғона, Кўқон, Андижон, Асака, Наманган, Учқурғон, Қарши, Денау, Бухоро, Когон ёғ-мой корхоналарида Гильдебрандт системасидаги (НД-1250, НД-1250 М) экстракторлари, Тошкент ва Урганчда лентали экстракторлар, Гулистан ва косонда бир ярусли “Экстехник” экстракторлари Когон ва Андижонда икки ярусли “Экстехник” экстракторлари ўрнатилди ва ишлатилмоқда.

Ўсимлик мойларини олишнинг асосий усуллари ва технологик схемалари.

Дунё амалиётида ўсимлик мойлари олишнинг асосий иккита усули бўлиб, улар бир биридан тупдан фарқ қиласди. Булар, мойни механик сиқиб олиш **пресслаш** усули деб номланади ва мойни енгил учувчи органик эритувчи ёрдамида эритиб оли, ёки **экстракция** усулидир. Бу иккла усуллар алоҳида-алоҳида мустақил равишда ёки биргаликда аниқ тартибда ишлатилиши мумкин. Охирги йул ишлатилганда бу усулни **форпресслаш-экстракциялаш** дейилади. Кайси бир усул ишлатилишидан катъий назар хар бир усул аниқ технологик схема буйича олиб борилади.

Технологик схема деб, бир-бири билан мантикий жихатдан узвий bogланган технологик жараёнларнинг зарурий тартибда бажариладиган йигиндисига айтилади.

Технологик операциялар бажарилаётганда ишлов берилаётган маҳсулот турли ташқи таъсирлар остида бўлади. Буларга механик, иссиқлик, намлик, эритувчи ва кимёвий реагентларнинг ўз ўрнида таъсири киради.

У ёки бу технологик операцияларни бажаришдаги жараёнларни шартли равищда асосиё ва ёндош жараёнларга ажратиш мумкин. Шу нарсани такидлаш лозимки, кўпчилик ҳолларда ёндош жараёнлар операциянинг умумий йўналиши ва яқуний эфектига кучли таъсир кўрсатади. Масалан, мойни сиқиб олишда механик ва гидродинамик (мойнинг оқиб чиқиши) жараёнлар асосий ҳисобланиб, улар механик энергияни ишқаланиш кучи ҳисобига иссиқлик энергиясига айлантирувчи ёндош жарайннинг содир бўлишига туртки бўлади. Ёндош иссиқлик ажралиш жараёни кунжарадаги оқсил моддаларнинг денатурацияси, мойнинг оксидланиши каби кимёвий жараёнларини ва намликнинг диффузион буғланишини кучайтириб юборади.

Мойли уруғларни қобигини мағизидан ажратиб қайта ишлаш технологик схемаларида бажариладиган жараёнлар тайёрлов, асосий,

ёрдамчи ва қўшимча операциялардан ташкил топади. Асосий операцияларга мойли уруғларни майдалаш (янчиш), ковуриш, пресслаш ва экстракция йули билан мой олиш киради. Тайёрлов операцияларига мойли уруғларни кабул килиш, куритиш, сақлаш, ифлосликлардан тозалаш ва уст қобигини мағиздан ажратиш киради. Ёрдамчи операцияларга эса шрот таркибидан эритувчини хайдаш мойни мисцелладан ажратиб олиш, эритувчини буғларини регенерация ва рекўперация килиш киради. Кушимча операцияларга эса форпресс ёки экстракция қора мойларини бирламчи тозалаш, фосфатид концентратини олиш ва оқсил моддаларини ажратиш киради.

Асосий, тайёрлов, ёрдамчи ва кушимча операцияларнинг узвий боғликлиги технологик схемани ташкил килади.

Чет эл ҳамда МДХ мамлакатларда ўсимлик мойлари олиш учун куйидаги технологик схемалар кулланилади:

- Пресслаш методи билан тугалланадиган схемалар: а) шнекли пресслар ёрдамида бир марта пресслаш усули; б) шнекли пресслар ёрдамида икки марта пресслаш усули; в) шнекли пресслар ёрдамида уч марта пресслаш усули.

- Экстракция методи билан туганланадиган схемалар: а) икки марта пресслаш ва охирида экстракциялаш; б) бир марта пресслаш ва охирида экстракциялаш; в) тугридан-тугри экстракциялаш. Иккала схема буйича (б) усуслари энг кўп таркалган булиб, 2-б усули эса “форпресслаш-экстракциялаш” схемаси деб номланади. Республикамизда ишлаб чиқарилаётган ўсимлик мойларининг 85 % дан ошиғи шу схема асосида олинади.

«Таянч» сўз ва иборалар

Пахта чигити, кунгабоқар уруғи, махсар уруғи, индов уруғи, гидравлик пресс, шнекли пресс, мойжувоз (маслобойка), технологик схема, асосий операциялар, технологик жараён, “форпресслаш-экстракциялаш” схемаси.

Такрорлаш учун саволлар

- Ёғ-мой саноатининг Республика озиқ-овқат саноатида тутган ўрни.
- Республикамизда фаолият кўрсатаётган ёғ-мой корхоналари.
- Республикамизда ёғ-мой корхоналари учун ишлатилаётган мойли хомашёлар турлари.
- Ёғ-мой саноатининг пайдо бўлиши ва ривожланиши.
- Ўсимлик мойлари олишнинг асосий усуслари.

2-МАЪРУЗА

МОЙЛИ УРУҒЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ВА САҚЛАШ

Режа: Уруђларни қабул қилиб олиш. Уруђларнинг сифат кўрсатгичларини аниқлаш учун уруђ партияларидан

бош намуна олиш. Урућ партияси сертификати. Сертификат маълумотларини текшириш. Урућ партиясининг навини аниқлаш. Урућларни қабул қилиш ва омборхонага жойлаштириш учун ишлатиладиган транспорт воситалари. Мойли урућларни сақлаш. Мойли урућларнинг физик хусусиятлари: сочилувчанлик, ўз-ўзидан хилларга ажралиши, ъсоваклик, зичлик, ҳажмий масса, сорбцион хусусиятлари, иссиқлик ва ҳарорат ўтказувчанлик, намлик турлари. Мойли урућларнинг ҳаётийлиги. Мойли урућларнинг нафас олиши. Мойли урућларни сақлаш тартиблари. Урућларнинг етилиш даври. Урућлардаги микрофлоранинг ҳаёти, фаолияти ва уларнинг сақлаш жараёнига таъсири. Урућларда ўз-ўзидан қизиш жараёнининг пайдо бўлиши ва ривожланишига турли факторларнинг таъсири. Мойли урућларни сақлашнинг асосий йўллари. Элеватор типидаги механизациялашган омборлар.

Мойли урућларни қабул қилиш

Ёғ-мой саноатида қайта ишланаётган барча мойли урућлар заводларга туғридан-туғри ширкат ва жамоа хўжаликларидан олиб келинади. Фақатгина пахта чигити бундан мустаснодир. Чигит мой заводларига пахта тозалаш заводларидан етказиб берилади. Умуман олганда мойли урућлар автомобиль, темир йул ва сув транспорти ёрдамида ташилади. Келтирилган хар бир алоҳида миқдор урућлар ўзининг маҳсус сифат белгиларига эга. Булар: намлик, ифлослик, мойлик, ҳамда пахта чигити учун эса, қобиқ устидаги калта момик миқдори (пух, подпушка) билан белгиланади.

Келтирилган хар бир партиядан хомашёнинг хар еридан турли чуқурликда анализ учун бир қанча миқдорда ҳом ашё ажратиб олинади. Намуна учун олинган ҳом ашёнинг яrimиси копқоғи зич ёпиладиган металл идишларда ёки целофан қопчаларда бир ой муддатда сақлаб турилади.

Олинган лаборатория натижалари қабул қилингануруғнинг сифат ва навини белгилайди. Мободо лаборатория анализ натижалари уруғнинг сертификатидаги кўрсаткичдан фарқли бўлса, хомашё юборувчи ва қабул қилувчи ташкилот ўртасида бу фарқ ўзаро келишув йули билан бир хulosага келинади. Мободо иккала томон бир фикрга келишаолмаса, бу масала арбитраж ёрдамида хал қилинади.

Заводга етиб келган ҳом ашё маҳсус торозилар (автомобил, темирйул торозилари) ёрдамида тортилади сўнгра, хомашё механизациялаштирилган мосламалар ёрдамида завод омборларига жойлаштирилади. Бу жараёнлар учун маҳсус автомобиль агадаргичлар, вакуум-бўшатгичлар, виброкўприклар, баъзан эса ўз-ўзидан бушайдиган вагонлар ишлатилади. Маҳсулотни эса транспорт воситалари ёрдамида омборхонанинг керакли қисмига йўналтириш учун заводда ишлатиладиган узатувчи воситалардан

фойдаланилади. Буларга шнеклар, редлерлар, тарнспорт ленталари, ўзиюрар мосламалар, нориялар, пневмотранспорт ва бошқалар киради.

Мойли уруғларни сақлаш

Мойли уруғларни сақлаш ўсимлик мойи олиш жараёнидан асосий холлардан бири хисобланади. Чунки туғри ташкил қилинган сақлаш шароитлари уруғдаги асосий модда мой, оқсил ва бошқа фойдали маҳсулотларини деярлик камаймасдан сақланиб қолишига сабаб бўлади. Сақлаш шароитига кўйилаётган талабларга жавоб бермаган тақдирда намлик, иссиқлик, микроорганизмлар ва баъзи бир кемиравчи жониворлар таъсирида, биринчи галда асосий модда-липидларнинг парчаланиш жараёни кучаяди. Бундай ҳом ашёдан олинган мой эса сифат жихатидан паст, ранги юкори, кислота сони катта, оксидланган моддалар миқдорининг қўплиги билан характерланади. Шунинг учун келтирилган ҳом ашёнинг турига қараб, уни сақлаш шароитлари, омборхонанинг эса техник жихозланиши нормал бўлиши керак. Келтирилган ҳом ашёнинг сифати энг аввало экиш учун ишлатилган уруғлик сифатига боғлиқ ва шу билан биргаликда уруғликнинг ўсишдаги вегетацион шароитига, етилган хосилнинг йиғиб олиш шароитига, ҳамда мой заводига етиб келгунча колхоз ва совхозларда сақланган шароитларга боғлиқ. Маълумки ҳом ашё таркибида асосий маҳсулотдан ташқари ёввойи ўсимликлар уруғлари, асосий ўсимликларнинг барги, гул барги, пояси, ҳамда атроф мухитдан аралашиб қолган органи, минерал ва металл ифлосликлар билан аралашган холда бўлади. Шу билан биргаликда асосий ҳом ашё ва унга кўшилиб келган аралашмалар намликлари турлича бўлади, яъни органиқ ва минерал ифлосликларнинг намлиги ўта юкори бўлса, асосий ҳом ашё намлиги эса пастрок бўлади. Бунинг устига ҳом ашё таркибидаги микроорганизмлар ва кемиравчиларнинг миқдори акс таъсир қилиб, унинг сифатини буза бошлайди.

Хулоса қилиб айтганда, асосий кўрсаткичлар меъёрда эмасдалигини назарда тутсак, мойли уруғларни сақлашдаги жараёнлар анча мураккаблиги намоён бўлади. Сақлаш жараёнида юкори кўрсатгичли факторлар (намлик, ифлолик) таъсирида уруғнинг сифат жихатидан бўзилиши оддий кўринишда ўз-ўзидан қизиб кетиш ходисаси билан белгиланади. Албатта уруғларни сақлаш пайтида ўз-ўзидан қизиб кетиш даражасигача қолдириш мумкин эмас. Чунки бу ходиса аввал кичик бир ҳажмда юз берса, бир оз вактдан сўнг бутун бир уруғ тўплами ҳажмида ёйилиб кетиши мумкин. Бу холда уруғ хўжалиги моддий жихатдан катта талофат кўради ва бунинг устига, қизиш натижасида ёниб кетган уруғ кумирдек қаттиқ қатлам ҳосил қилиб, нихоятда катта куч ва маблағ хисобига омбордан ташиб чиқаришга туғри келади. Шу ходиса рўй бермаслиги учун уруғ сақлаш хўжаликларида доимий назорат олиб бориш лозим. Бу назорат уруғ тўпламининг турли жойидан, хар хил чуқурликда ҳарорат ва намликни доимий равишда аниқлаш йули билан бажарилади.

Мойли уруғларни физик хусусиятлари

Мойли уруғлар сақланиш даврида уларнинг қўйидаги физик хоссалари хисобга олинади: тукилувчанлик (сочилувчанлик-сыпучесть); ўз-ўзидан хилларга ажралиб қолиш (самосортирование); ғоваклик (скважистость); зичлик (плотность); сорбцион хусусиятлар; иссиқлик ва ҳарорат ўтказувчанлик.

Тукилувчанлик. Мойли уруғларнинг тукилувчанлиги уларнинг табиий қиялик бурчаги қийматига боғлик. Тукилувчан моддаларнинг табиий қиялик бурчаги уларнинг горизонтал текисликка нисбатан маҳсулотнинг сирт юзаси ўртасида ҳосил қилинган бурчагига айтилади.

Табиий қиялик бурчаги маҳсулот турига қараб турлича бўлади. Маҳсулот қанча сочилювчан ва сирти силлик бўлса, табиий қиялик бурчаги шунча кичик бўлади. Ушбу хусусият мойли уруғлар жойланганда уларга қараб омборхоналарнинг тури ва шакли танлаб олинади. Баъзи бир уруғлар учун табиий қиялик бурчаги қўйидагича:

Писта уруғи	31-45 ⁰
Канакунжут	34-46 ⁰
Соя	25-32 ⁰
Зифир	27-34 ⁰
Пахта чигити	42-45 ⁰

Маҳсулотнинг бу хусусияти ўз йўлида шу маҳсулотнинг шаклига, ўлчамига, намлигига ва сиртнинг нотекислигига боғлик. Умуман олганда табиий қиялик бурчаги маҳсулотнинг ички ишқаланиш коэффициентига боғлик бўлиб, коэффициент қанча катта бўлса, табиий қияли бурчаги ҳам шунча катта бўлади. Ёғ-мой ишлаб чикариш технологиясида тукилувчанлик баъзи бир уринларда кул келади. Бу эса маҳсулотни бир аппаратдан бошқасига узатиш пайтида транспорт воситасиз тугридан-тугри окувчи трубалардан фойдаланиш имконини беради.

Ўз-ўзидан хилларга ажралиш. Бу хусусият уруғларнинг ўлчами ва зичлигига қараб турли хилларга ажралиб қолишига сабаб бўлади. Уруғларни сақлаш ва қайта ишлашда бу ходиса акс таъсир этади. Чунки кўп холларда хилларга ажратиб колган маҳсулотнинг лаборатория анализлари бир хил кўрсатгичлар буйича турлича қийматга эга бўлади. Масалан, бир уруғ уюми учун хар хил намлик, хар хил мойлилик, турли зичлиликлар чиқади. Шу туфайли хом шёнинг ушбу хусусиятни эътиборга олиб, лаборатория намуналарини олаётган пайтда имкон борича маҳсулотнинг ҳамма юзасидан, турли чукурлиқдан намуна олиниш мухим бўлади.

Ғоваклик. Хомашёнинг ғоваклиги деб маҳсулот заррачалари орасидаги ҳаво ҳажмининг шу маҳсулотнинг умумий ҳажмига нисбатига айтилади. Ғоваклик маҳсулотнинг намлиги, заррачаларнинг шакли ва ўлчамлари, уларнинг сирт тузилиши ва бундан келиб чиқадиган ишқаланиш ва бошқа факторларга боғлик. Шунинг учун қўпчилик мойли уруғлар учун ғоваклик кенг кўламда ўзгариб туради. Масалан, каноп уруғи учун ғоваклик 35-45%, кунгабоқар учун эса 60-80% гача етиши мумкин. Бир хил шароитда бир турдаги уруғлар учун ўлчами каттароқ бўлган

урұғларнинг ғоваклиги катта ва у уюм остига қараб аста-секин камаяди, чунки, юкори қисм маҳсулот оғирлиги таъсирида пастки қатламда ғоваклик камаяди.

Уруғ массасининг зичлиги. Каттиқ заррачалар хажмининг уруғ массасининг умумий хажмиға нисбати уруғ массасининг зичлиги дейилади.

Сорбцион сифим. Тукилувчан моддаларнинг сорбцион хусусиятлари уларнинг сорбцион сифими билан белгиланади. Сорбцион хажм деб уруғ массасининг атроф мухитидан газ ёки бүг холидаги моддани қанча миқдорда сорбциялаш ва десорбциялаш кобилиятига айтилади. Бу туркүмдә мойли уруғлар учун сув буғларини атрофдан ютиб олиш ва чиқариб юбориш хусусияти (гигроскопичность) мухим ахамиятга эга. Гигроскопиклик атроф ҳаводаги сув буғларнинг парциал босимига боғлиқ бўлади. Аниқ бир шароитда мойли уруғлар атроф мухитдан ютиб олган ва ўзидан чиқариб юбараётган сув миқдори тенглашиб, маҳсулотнинг намлиги мўътадил бўлиб қолади. Бу намликни **мувозанатли намлик** деб аталади. (равновесная влажность).

Шу нарса характерлики, ҳавонинг нисбий намлиги 100 % ёки = 1.0 га тенг бўлганда, мувозанат намлик энг юкори бўладива аксинча ҳавонинг нисбий намлиги 0 % = 0.0 бўлганда мувозанат намлик энг кам бўлади. Сорбция ва десорбция изотермалари мойли уруғлар учун бир-бирига мос келмайди ва бу фарқ **сорбцион гистерезис** деб номланади. Бундай фарқ уруғларнинг кўп компонентли маҳсулот эканлигидан юзага келади. Бир турдаги минерал ва органик моддалар учун сорбция ва десорбция чизиклари бир-бирига мос келади. Сорбцион гистерезис туфайли мойли уруғлар хаттоқи бир ёки бир неча ой сақлангандан кейин ҳам ўз намлигини барча заррачалар учун тенг килолмайди, бу эса илгари айтилгандек, маҳсулотнинг хақиқий намлигини аниқлашда қийинчилик тугдиради. Намлик эса уруғнинг сақланиш давомида ҳавонинг нисбий намлигига қараб, ўзгариб туради ва шу билан биргаликда намлик ута юкори бўлган қисмдан пастрок намлик бўлган қисмга кучиб утади. Буни намликнинг миграцияси, яъни силжиши дейилади. Бундан ташқарибир туплам маҳсулотнинг ўртача намлиги унинг хақиқий намлигини курсатмайди. Ўртача намликнинг ўзгармай туриши эса намликнинг кобик ва мағиздаги турлича миқдорига bogлиkdir. Масалан, чигит массасининг намлиги 10% бўладиган бўлса Вс=10%, мағизининг намлиги Вя=8-8,5%, қобигининг намлиги Вo=12-12,5% бўлиши мумкин. Бу фарқ уруғ қобиғида асосан сувга ўч моддалар клетчатка, целлюлоза бўлганлигидан, мағизида эса сувни қайтарувчи мойли моддалар кўплигидандир. Шунинг учун мувозанат намлик ва хақиқий намлик уруғларни канака шароитларда сақланишини олдиндан белгилаб беради, яни аниқланган намлик миқдорига қараб сақланаётган уруғ ўз-ўзидан секин аста қурийдими ёки юкори намлик таъсирида ўз-ўзидан кизиб кетадими, шу аниқланилади. Уруғ массасидаги ҳарорат даражаси ҳам унинг сақланишида ўзига яраша таъсир курсатади, яни ҳарорат юкорирок бўлган жойдан, иссиқлик таъсирида, намлик ҳарорат камроқ бўлган тамонга силжийди. Юкорида изох қилинган ўзгаришлар уруғни сақлаш жараёнида намлик асосий

роль уйнашини курамиз. Шу туфайли уруғлар учун критик намлик тушунчаси ҳам киритилган, бу намлик шундай даражага эгаки, агарда маҳсулотнинг намлиги киритик намлигига teng ёки ундан ошса хом ашё таркибида сезиларли даражада интенсив оксидланиш жараёнлари, хом ашёнинг интенсив нафас олиши, баъзи холларда ўз-ўзидан кизиш ходисаси руй беради. Бу акс ўзгариш хомашё таркибидаги асосий ёғли моддаларни парчаланишига ва келажакда олинадиган маҳсулотни камайишига, сифатини пасайишига олиб келади.

Киритик намлик деб, шартли равишда, ҳавонинг нисбий намлиги 75% бўлгандаги мувозанат намликка тенг бўлган миқдор олинади. Хулоса килиб айтганда, уруғнинг узоқ сақланиши учун унинг хақиқий намлиги киритик намлигидан канчалик паст бўлса, шунчалик яхши. Чунки намлик паст бўлса барча акс таъсир этувчи жараёнлар секинлашади ёки тартиб жихатдан тухтайди. Мойли уруғларнинг киритик намлигини куйдаги тенглама билан аниқлаш мумкин.

$$B_{kp}=14,5(100-M)/100, \%$$

бу ерда: 14,5 — мойли уруғларнинг гел қисмининг киритик намлиги (мойини ҳисобга олмагандан);

M – уруғ мойлилиги, % ҳисобида.

Уруғнинг мойлиги қанча катта бўлса унинг киритик намлик нуқтаси шунча кичик бўлади.

Иссиқлик ва ҳарорат ўтказувчанлик. Мойли уруғлар массаси катлами ғоваклиги туфайли, кўп миқдорда ҳаво катлами бўлгани учун уларнинг иссиқлик ва ҳарорат ўтказувчанлиги ниҳоятда пастдир. Бир тамондан бу жуда ҳам яхши, чунки бир марта совутилган ёки куритилган хомашёни сақлашда иссиқлик ва ҳарорат ўтказувчанлиги паст бўлганлиги туфайли хом ашё ўзок муддат ўз ҳароратини ва намлигини бирдай ушлаб туради. Иккинчи тамондан, бу ёмон, чунки, маҳсулот таркибининг бир қисмида юкори намлик туфайли ўз-ўзидан кизиб кетиш ходисаси юз берса бу жараённи сезиш қийин. Қизиётган қисмдан иссиқлик ёки юкори ҳарорат атрофга ниҳоятда секин таркалади ва натижада хомашёнинг ўз-ўзидан кизиб кетиш ходисаси авж олиб кетади. Ўз-ўзидан кизиб кетиш ходисасининг олдини олиш учун хомашёнинг ҳаммасини омборхонанинг бир булагидан бошқа қисмига транспорт воситалари ёрдамида шопириб қучирилади ёки омборхона маҳсус актив вентилляция мосламаси ёрдамида ҳаво окими билан совутилади.

Мойли уруғларнинг хаётийлик хусусиятлари

Барча мойли уруғлар ўзларининг ҳолатлари буйича ҳаётийлик ва ҳаётийсизлик хусусиятларига эга. Ушбу ҳолатларни ҳаётийлик – биоз ва ҳаётийсизлик – анабиоз дейилади. Ёғлар технологияси нуқтаи назаридан биоз ҳолати урганилмайди, чунки бу ҳолатда уруғ етарли даражада намлика яъни критик намликтан юкорирок бўлган намликка эга бўлиб, ундаги ҳамма

хаётій ривожланиш ҳолатлари яққол намоён бўлиб туради. Бундай уруғларни умуман сақлаш мумкин эмас, аксинча улар ўсиш ва қайтадан ҳосил бериш учун тайёр ҳолатда бўлади. Анабиоз ҳолати эса технологик нуқтаи назаридан аҳамиятли, чунки бу ҳолатда уруғнинг намлиги нихоятда паст ва уругни куйи ҳароратда сақлаганда у жуда ўзок муддат ўзгаришсиз сақланади. Саноат микёсида тўлтқанабиоз ҳолатини ҳосил килиш жуда қийин. Уруғларнинг тўлтқанабиоз ҳолати баъзан табиатда учраб туради. Бунга бир неча асрлар давомида сақланиб колган донли уруғларнинг топилиши мисол була олади. Саноатда сақланаётган мойли уруғлар кўп холларда ярим анабиоз ҳолда сақланади. Бу ҳолатда уруғнинг оксидланиш даражаси ва нафас олиши, намлиги нисбатан паст бўлгани учун, жуда суст бўладиёки бутун сақлаш даврида керакли бўлган ёғли моддалар сифат ва миқдор жихатдан кам ўзгаради. Анабиоз ва биоз ҳолатлар ўртасидаги ўртача ҳолат мезабиоз дейилади. Бу ҳолатда бўлган уруғлар тезлик билан бир галда ишланиши лозим, чунки бу ҳолатда уруғнинг намлиги критик намликга якин ёки тенг бўлғанлиги туфайли хомашё таркибида оксидланиш-парчаланиш, нафас олиш, микроорганизмлар таъсирида бузилиш ёки чириш авж олади. Мезабиоз ҳолатидан ярим анабиоз ҳолатига утиш учун хомашёни тезликда куритиш ва ҳар хил аралашмалар ва микроорганизмлардан тозалаш керак. Бу ҳолда иссиқ ҳаво ёрдамида актив вентилляция усули ҳам фойда беради.

Мойли уруғларнинг нафас олиши

Маълумки мойли уруғлар тирик организмлар қаторига кириб, сақланиш пайтида ҳам уларда турли биокимёвий жараёнлар давом этиб туради. Шулардан бири уруғларнинг нафас олишидир. Агарда ўсимликлар ўз вегетацион даврида атроф мухитдан CO_2 ни ютиб, O_2 чиқарса, омборхоналарда сақланаётган уруғлар ўзидан CO_2 ажратиб чикаради. Уруғлардаги бу ҳолатдаги газ алмашинуви аэроб нафас олиш дейилади. Агарда сақланаётган мухитда ҳаво булмаса, ёки ҳаводаги O_2 миқдори уруғлар тамонидан ютилиб тугалланган бўлса, бу ҳолда ҳам уруғларнинг нафас олиши давом этади. Факат бу ҳолатда нафас олиш хом ашёнинг ички ресурсларидан фойдаланиш йули билан ҳосил бўлади, яъни намлик ва мухит ҳароратининг таъсири остида уруғ ядроси ичидаги парчаланиш жараёнлари кетиши мумкин ва бу жараёнда ажралиб чикаётган газлар хом ашёнинг ўзи билан ютилади, бошқачарок килиб айтганда кислородсиз нафас олиш содир бўлади, бу эса анаэроб нафас олиш дейилади.

Технология нуқтаи назаридан аэроб нафас олиш хом ашё таркибидаги керакли ёғли моддаларни оксидланишига ва бунинг натижасида турли моддаларнинг парчаланишига ва аксинча, керакли моддаларнинг миқдорини камайишига олиб келади. Бундан шундай хулоса чиқадики, имконият бўлса, мойли уруғлар ҳавосиз жойда сақланиши лозим. Анаэроб нафас олиш ҳолида аэроб нафас олишга каргандага маҳсулотнинг бузилиши ёки оксидланиши бир мунча кам бўлади. Демак, бу ҳол учун омборхоналар герметик ясалган булиб, хомашё омборхонага тулдирилган сунг ичкаридаги ҳаво суриб олинган бўлиши керак. Куриниб турибидики иккала ҳолда ҳам герметик омборхоналар

курилиши лозим бўлса, бу иқтисодий жиҳатдан жуда қимматга тушади. Шунинг учун энг яхши йул, сақланаётган хом ашёнинг намлигини имконият борича паст ушламок керак.

Мойли уруғларнинг етилиш даври

Ёғ-мой саноатига етказиб келинаётган хом ашё ўсимликнинг ҳосил терим муддати келганда йигилади. Йифим-терим вақти уруғнинг физиологик етилган давридан анчагина олдин келади. Чунки, ўсимлик ҳосилини йифиб олиш муддати келган бўлса ҳам, йифиб олинган ҳосил-мойли уруғлардан мулжалланган миқдорда пресслаш йўли ёки экстракциялаш усули билан сифатли мой олиш мумкин эмас. Бу нарса уруғ таркибидаги моддалар, шу жумладан, липидларнинг ферментлар системаси актив ҳолатдан тўлиқ тинчланиш ҳолатига келмаганлигидан деб тушинилади, яъни липидлар таркибидаги ферментлар системаси актив ҳолида триглицеридларни таркибидан ажратиб олиш анча қийинчиликлар туғдиради. Фермент системаси ҳамда триглицеридларнинг ўзаро қайта этирификациялаш жараёнлари, хом ашё яхши сақланган пайтда, бир ярим-икки ой давом этади. Бу давр ичida мойли уруғлар физиологик етилиш даврини утайди ва бундай хом ашёдан пресслаш ёки экстракциялаш усули билан мой олиш анча енгиллашади. Физиологик етилиш даврини қисқартириш учун келтирилган хом ашёни ифлосликлардан тозалаш, ҳам илиқ ҳаво ёрдамида қуритиш (актив винтиляция) лозим. Мойли уруғларнинг етилиш даврида униш ва ўсиш энергияси ортади; уруғлар физиологик етилганда намлик пасаяди ва муозанатлашади, ҳаётийлик жараёнларнинг активлиги камаяди, нафас олиш интенсивлиги пасаяди.

Уруғлардаги микрофлоранинг ҳаёти

Сақланаётган мойли уруғларнинг сифатига хом ашё билан келиб қолган микроорганизмларнинг таъсири бўлади. Хом ашё таркибидаги микроорганизмлар булар турли бактериялар ва замбуруғлардир. Буларнинг хом ашёга таъсири айниқса юқори намлиқда катта бўлиб, сиртдан караганда сезилмайди, аслида эса бактерия ва замбуруғлар уруғнинг қобиғидан ички мағизига утиб тезлик билан мағиздаги оқсил ва мойли моддаларни бузиб ташлайди. Бузулиш асосан мөгорлаш кўринишида намоён бўлади. Бактерия ва замбуруғлар билан заарланган хом ашёни нихоятда тезлик билан қуритишга йуналтириш лозим, акс ҳолда кўп миқдорда ва аксарият ҳолларда бутунлай липидлар парчаланиб кетиши мумкин. Бактериялар билан заарланган хом ашёнинг биринчи белгиси, хом ашё доначаларининг устки ялтирок қисми ва силлиқлиги йуқолиши билан белгиланилади. Агар заарланиш давом этса, хом ашё доначаларининг шакли сақланиб қолган ҳолда уларнинг механиқ каттиклиги йуқолиб, озгина куч таъсирида эзилиб кетади. Тўлтқзыарланган хом ашё эса унга тегиш билан кулсимон моддага айланади. Микроорганизмлар билан биргаликда хом ашёга акс таъсир этувчи, майда кемиравчи жониворлар ҳам киради.

Мойли уруғлар микроорганизмлар учун яхши озуқавий мұйит ҳисобланади. Намлиги юқори, ифлос аралашмалари қўп бўлган хом ашёда микроорганизмлар ва майда заразкунандалар тез ривожланади ҳамда кўпаяди. Айниқса моғор забруғлари катта хавф туғдиради. Моғор замбруғлари уруғ қобигидаги клечаткани гидролизлаб, уруғ қобигин бузади ва бошқа микроорганизмлар, зааркунандалар учун мағизга ўтиш учун йўл очиб беради. Уруғларни сақлаш учун омборхоналарга жойлаштиришдан олдин микрофлоралар билан заарланган уруғлар албатта тозаланиши ва лозим топилган пайтда, қуритилиши керак.

Уруғларни сақлаётганда ўз-ўзидан қизиб кетиши

Мойли уруғлар сақланаётган пайтда физиологик ва биокимёвий жараёнларнинг интенсификацияланиши натижасида уруғ массасида ўз-ўзидан қизиш содир бўлиши мумкин. Барча тирик компонентлар: асосий уруғ массаси, ёввойи бегона ўсимликлар уруғлари, микроорганизмлар, зааркунандалар нафас олганда иссиқлик ва намлик чиқаради. Уруғ массасининг ёмон иссиқлик ўтказувчанлиги туфайли иссиқлик ва намлик бир жойда йигила бошлайди. Айниқса моғор замбуруғларнинг роли катта, вахоланки бошқа зааркунандаларнинг кенг ривожланилиши ҳам ўз-ўзидан қизиб кетиш ҳодисасига олиб келади.

Ўз-ўзидан қизиб кетиш уяли, юзали, остки, вертикал-пластли бўлади. Одатда, ўз-ўзидан қизиш кичик участкада бошланиб, бу ерда кандайдир сабабларга кўра намлик ошган ёки ифлос аралашмалар миқдори қўп бўлган бўлади. Агар чора кўрилмаса, кичик жойдагидан ўз-ўзидан қизиш кенгайиб кетади.

Уруғларнинг ўз-ўзидан қизиши шартли равища тўрт босқичга бўлинади. Аввал уруғларнинг ҳарорати ортади, уларнинг ранги ўзгара бошлайди, сунг сочиувчанлик йўқолиб, моғорсимон ёки ачимсиқ хид пайда бўлади, кейин мойнинг кислота сони ошиб кетади. ўз-ўзидан қизишнинг охирида ҳарорат кескин қўтарилиб, $65-75^{\circ}\text{C}$ дан ошиб кетади ва қизиш ҳатто чигит массасининг ёниб кетишига олиб келади.

Мойли уруғларнинг ўз-ўзидан қизиб кетиши йўл қўйиб бўлмайдиган ҳодисадир. Ўз-ўзидан қизиб кетиш ҳодисасининг олдини олиш учун мойли уруғлар тозаланган ва намлиги критик намлигидан кам бўлган ҳолда омборхоналарга жойлаштирилиши лозим. Лекин ўз-ўзидан ҳодисаси қуруқ ва тозаланган уруғларда ҳам рўй бериб қолиши мумкин. Бу хол ташқи ҳаво таъсир остида сақланаётган уруғларнинг намлиги ва ҳарорати ошиши ҳисобига рўй беради. Шунинг учун сақланаётган уруғларнинг ҳарорати ва намлиги системали равища назоратда бўлиши керак. Фавқулодда ўз-ўзидан қизиш жараёни бошланиб қолгудай бўлса, тезлик билан чора-тадбир қабул қилиш керак. Амалда бундай чора-тадбирлар корхоналарнинг имкониятларидан келиб чиққан ҳолда уруғларни омборхонанинг бир бўлимидан бошқасига кўчириш, актив вентиляциялаш, уруғларни тозалаш манилардан ўтказиш ёки қуритиш операцияларни қўллаш билан бажарилади.

Барча технологик операциялар уруғлар ҳарорати ва намлигини камайтиришга, ифлослигини тушуришга йўналтирилган бўлиши керак.

Мойли уруғларни сақлаш тадбирлари

Асосан куйидаги сақлаш тадбирлари ишлатилади:

- 1) қуруқ холда сақлаш;
- 2) совитилган холда сақлаш;
- 3) ҳавосиз жойда сақлаш.

Сақлашнинг ёрдамчи тадбирларига куйидагилар киради:

- а) аралашма ва ифлосликлардан тозалаш;
- б) актив вентиляциялаш;
- в) кимёвий консервациялаш ва бошқалар.

Куруқ холда сақлаш. Мойли уруғларни бу ҳолда сақлаш жуда кенг тарқалган бўлиб энг арzon ва осон усуладир. Маълумки, қуруқ холда сақланаётган хом ашё намлиги критик намлиқдан имконият борича паст бўлиши лозим. Паст намлик билан сақланаётган хом ашё таркибида оксидланиш жараёни суст, нафас олиш ниҳоятда секин, микроорганизмларнинг таъсири жуда кам бўлади, чунки паст намлиқда сақланаётган хом ашё ярим анабиоз холда бўлади.

Совитилган ҳолатда саэқлаш. Мойли уруғларнинг кам иссиқлик ва ҳарорат ўтказувчанлигини ҳисобга олиб, уларни сақлашдан олдин бир маротаба совитиб олинса, бу ҳолат ўзок муддат сақланиб туриши мумкин. Албатта, совитилган хом ашё таркибида барча акс таъсир этувчи жараёнлар суст кетади, лекин бу усулда сақлаш учун омборхоналар деярлик герметик бўлиши ва маҳсус совутиш мосламалари билан жихозланган бўлиши лозим. Бу эса албатта жуда қиммат туради.

Ҳавосиз жойда сақлаш. Юқорида ўрганилган маълумотлардан маълумки хом ашё ҳавосиз жойда сақланса унда факатгина анаэроб нафас олиш жараёни бўлади. Бу эса ўз йўлида хом ашёни нисбатан ўзокроқ вақт сақлаш имконини беради. Лекин ҳавосиз жойда сақлаш учун омборхона ниҳоят герметик бўлиши шарт. Бундай омборхоналар қуриш ниҳоятда катта маблағ талаб қиласди.

Актив вентиляциялаш. Харакатсиз уруғ массаси орқали мажбурий ҳаво оқимини ўтказиш (аэрациялаш) актив вентили

Турли мойли уруғларнинг сақланиш хусусиятлари.

Барча турдаги мойли уруғлар учун ишлатилаётган омборхоналар қуруқ бўлиши керак, пол ери ости сувларидан изоляцияланган бўлиши, деворлар оқланган ёки краскаланган бўлиши лозим. Том ёмғир ва қор сувларини ўтказмаслиги, эшиклар зич ёпилиши керак. Омборхона уруғ ташланишидан олдин барча чиқиндилардан, хар хил кемиравчилардан тозаланиши ва мумкин бўлган перепаратлар билан дизенфекция қилиниши керак. Асосий талаб шундан иборатки, омборхона тоза, қуруқ ва яхши вентиляцияланадиган бўлиши лозим. Сақлашнинг асосий усуллари йирик

ўлчамли уруғлар учун тўкиб сақланиш, майда ўлчамли уруғлар учун эса қопларда, махсус контенерларда ёки силосларда бажарилади.

1. Канакунжут (келешивина) сақланиши. Бу уругнинг намлиги 6% гача бўлганда омборхонага тўкилиб уругнинг қалинлиги 5м гача бўлган қалинликда сақланиши мумкин. Агар намлиги 6%дан юқори бўлса, унда сақланаётган уругнинг қалинлиги 3м гача камайтирилиши керак. Мобода, канакунжут уруғи қоп ёки кантинерларда сақланса, уларни тўкиладиган уруғ билан аралаштираслик керак.

2. Коноп, индов - бу уруғлар ўлчамлари майда бўлишига қарамасдан намлиги 8% гача бўлганда тўкиш йўли билан сақлаш мумкин. Намлиги юқори бўлганда ўзоқ сақламасдан қайта ишлаш лозим.

3. Горчица уруғи – бу уруғ сақланишидан олдин имкон борича тўла тозаланиши лозим, акс холда тез бўзилади. Сақланаётган горчица уругининг намлиги 8% дан ошмаслиги керак.

4. Соя уруғи- таркибида 50% гача оқсил модда бўлганлиги сабабли у нихоятда гигроскопик ҳусусиятга эга. Шунинг учун соя уруғи сақлаш жараёнида тез бўзилади. Ўзоқ муддатга сақланаётган уруғ намлиги 11% дан ошмаслиги керак.


5. Кунгабоқар уруғи- мойлилиги юқори бўлганлиги сабабли қретик намлиги анча паст, шунинг учун ўзоқ муддатга мўлжаллаб сақланаётган кунгабоқар уруғи намлиги 6-7 %дан ошмаслиги керак. Кунгабоқар ва соя уруғлари силос типидаги ер омборхоналарида сақланиши лозим.

6. Пахта чигити (ўрта толали)- устида 4.5% дан ошиқ бўлмаган линт қоплами бўлганлиги туфайли бу уругнинг оқувчанлиги жуда паст, шунинг учун пахта чигити поли текис ёки қия бўлган усти ёпиқ омборларда сақланади. Ўзоқ муддатга (2-ойдан ошиқ) мўлжаллаб сақланаётган чигит намлиги 1-3 навлар учун 9% дан ошиқ бўлмаслиги керак. Намлиги 9% дан ошиқ бўлган ва 4-нав чигитлари биринчи галда сақланмасдан ишлатилиши лозим. Омборхоналарнинг ҳажми етишмаган холларда ўрта толали пахта чигити очиқ майдончаларда ҳам пирамида формасида сақланиши мумкин.


Ингичка толали пахта чигити устидаги линт қавати 4.5% дан кам бўлиб, асосан ёпиқ поли қия бўлган омборхоналарда сақланади.

Омборхоналарнинг турлари.

1. элеваторли ёки селосли омборхоналар металл конструкциядан ёки темир бетон конструкциядан иборат бўлиб цилиндрик формада, баландлиги 24 ёки 30 м , диаметри 6м ёки 12м бўлади. Цилиндрлар орасидаги бўшлиқ «юлдўзча» лар ҳам хомашё сақланиши учун ишлатилиши мумкин. Бу типдаги омборхоналар кенг кўламда таркалган бўлиб, оқувчанлиги яхши бўлган уруғлар учун ишлатилади.



2. Механизациялаштирилган омборхоналар. Бу типдаги омборхоналарнинг поли қия қурилган бўлиб, уруғнинг пастки галлореяга транспорт воситасига ўзатиш учун қулайлик яратади. Бундай омборхоналарнинг эни 8-32 метргача, баландлиги 15 м гача, ўзунлиги турлича бўлади.
3. Чайла типидаги омборхоналар (склады). Бу омборхоналарнинг поли текис бўлиб, турли хилдаги уруғлар ва шу жумладан пахта чигити сақланиши мумкин.



«Таянч» сўз ва иборалар:

- | | |
|---|--|
| 1. Омбор
2. Хом ашё
3. Тўқилувчанлик
4. Фовваклик
5. Зичлик | 6. Температура ўтказувчанлик
7. Анабиоз, биоз
8. Критик намлик |
|---|--|

Такрорлаш учун саволлар.

1. Мойли уруғларни қабул қилиш
2. Мойли уруғларни сақлаш
3. Мойли уруғларни физик хусусиятлар
4. Мойли улуғларнинг хаётийлик хусуиятлари
5. Мойли уруғларнинг нафас олиши.
6. Мойли уруғларнинг етилиш даври.
7. Микрофлоранинг ва микроорганизмларнинг таъсири
8. Мойли уруғларни сақланиш тартиби.
9. Омборхоналарнинг турлари

3. МАЪРУЗА.

МОЙЛИ УРУҒЛАР ТОЗАЛАШ ВА НАМЛИГИ БЎЙИЧА КОНДИЦИЯЛАШ.

Режа: Мойли уруғлардаги чиқиндилар ва уларнинг тавсифи, чиқиндилар нинг мойли уруғларини ва қайта ишлашда салбий тасири. Мойли уруғлар асосий турларининг физик хоссалари. Уруғларни ўлчами билан фарқ қилувчи чиқиндилардан тозалаш. Уруғларни аэродинамик хоссалари билан фарқ қилувчи чиқиндилардан тозалаш. Мойли уруғларни чиқиндилардан комбинацияли усулда тозалаш. Мойли уруғларни сепараторларда тозалаш, технологик жараён самарадорлигига таъсир қилувчи омиллар. Уруғларни метал (ферромагнит) чиқиндилардан тозалаш. Уруғларни қуритиш уларни кондициялашнинг асосий тури. Боғланган ва боғланмаган сув тушинчалари ва боғланган сувнинг хоссалари. Қуритиш жараёning мойли уруғлар тури компонентларга тасири. Мойли уруғларни қуритишнинг асосий усуллари, ташқи ва иситилган хаво билан қуритиш.

Мойли уруғлар хар хил аралашмалар бор. Улар қуйидагиларга бўлинади.

1. Ифлос аралашмалар (минерал ва органик)
2. Мойли аралашмалар
3. Металл аралашмалар

Минерал аралашмаларга тупроқ, күм, тош ва ҳоказолар киради. Органик аралашмаларни барг, хазон, уруғ пўчоғи, пояси ташкил қиласди. Аниқкора рангли бўзилган мағизли лат еган уруғлар, ҳамма бошқа ёввойи ўсувчи ва маданий ўсимликларнинг уруғлари, мағизсиз пуч уруғлар (кунгабоқар, клещевина ва бошқалар).

Мойли аралашмалар: Бутунлай ёки қисман майдаланиб кетган асосии маданий ўсимлик уруғлари, заараркунандалар томонидан емирилган, урилган, эзилган, ўз-ўзидан қизиб кетиши натижасида бўзилган, моғорлаган, куйиши натижасида мағиз ранги ўзгарган (сариқ рангдан тўқ жигар рангача), пишмаган, (ривожланмаган, мўзлаган, қирқилганда яшил рангли уруғ палласи бўлган (соя) уруғлар.

Уруғларнинг процентларда ифодаланган тозалик даражаси қўйидаги формула бўйича аниқланиши мумкин.

$$X = 100 - (A + B / 2)$$

Бу ерда: А – ифлос аралашмалар миқдори, %

Б – мойли аралашмалар миқдори, %

Тозалик даражасига кўра мойли уруғлар уч категорияга бўлинади: тоза, ўртча тозаликдаги ва ифлосланган. Уруғлар тозаланмасдан сақланган холларда, улардаги аралашмалар омборхоналарнинг фойдали ҳажмининг кўп қисми ишғол қиласди, бу уруғликларни сақлашни қимматлаштиради. Тозаланмаган уруғликлар бир жойдан бошқа жойга ўзатилганда жуда кўп чанг чиқади ва меҳнат шароитлари ёмонлашади.

Минерал аралашмалар туфайли уруғларда замбуруғ ва моғор микроорганизмлари тарқалади, уруғларнинг ўз-ўзидан қизиб кетиши содир бўлади. Уруғликлар қуритилганда аралашмалар қуритгичларда тиқилиб қолиб ёнгинга олиб келиши мумкин.

Умуман, уруғларнинг ифлосланиши маҳсулотнинг сифатини пасайтиради, мойнинг йўқолишини ошарида, ускуналарнинг синиш ва ейилишини кўпайтиради, ишлаб чиқариш самародлиги пасаяди, антисанитар меҳнат шароитлари вужудга келади.

Минерал аралашмалар ускуналарнинг ейилишини тезлаштиради, кунжарарадаги ,шротдаги оқсил миқдорини камайтиради, кулнинг миқдорини оширади, шротдаги мой миқдорини камайишига олиб келади, мойни таъмини бўзади ва унинг тахирланишига олиб келади.

Органик аралашмалар қобиқ хужайраси (клетчатка) – кунжара ва шротнинг озуқа сифатини ёмонлаштиради, мойнинг йўқолишини оширади.

Мойли аралашмалар тайёр маҳсулотнинг сифатини ёмонлаштиради. Бу аралашмаларнинг кўп миқдорда бўлиши, мойни истеъмол қилиб бўймаслик даражасигача олиб келади, чунки мойнинг кислота сони кўпайиб кетади.

Металл аралашмалар – машиналарнинг емиришини ва синишини оширади, кунжара ва шротнинг озука сифатини ёмонлаштиради.

Хомашё таркибидаги ифлос аралашмаларни, мойли аралашмалар ва металл аралашмаларни мажбурий тартибда имкон борича тўлиқ ажратиб олиш керак, чунки аралашмалар биринчи навбатда хомашёни қайта ишлаш учун ишлатилаётган аппаратларнинг айланувчи ва ишқаланувчи қисмларини интенсив равиша емиради, баъзи бир холларда машинанинг тез бўзилишига ёки синишига олиб келади.

Иккинчидан аралашманинг миқдори кўп ёки камлигига қараб ишлатилаётган машиналарнинг махсулдорлигини камайтиради, яъни машинанинг бир қисм қуввати фақат кераксиз чиқинди бўлган аралашма учун сарф бўлади. Бунинг натижасида, умуман цех ёки заводнинг махсулдорлиги сезарли даражада сусаяди.

Учинчидан асосий аралашманинг қайси тури бўлмасин, у ўзинингш хиди, таъми ва баъзи бир майда эрийдиган моддаларни олинаётган мойга кунжара ёки шротга бериб бу маҳсулотларнинг сифатини бўзади, яъни мойда бегона хид ёки таъм пайдо бўлади, унинг кислотали даражаси ошади, ранги бир мунча қораяди. Кунджара ва шротдан эса хид ва таъмнинг бўзилиши билан бирга уларнинг озука сифати пасайиб, таркибида минерал ва металл аралашмаларнинг миқдори нормадагидан анчагина ортиб кетади. Ушбу сарбий таъсирлар бўлмаслиги учун мойли уруғлар қайта ишланишдан олдин икки даврда тозалаш процессидан ўтади.

Биринчи хомашёни саклашдан олдин тозалаш (сырьевая очистка).

Иккинчи қайта ишлашдан олдин тозалаш ёки саноат учун тозалаш.


Хомашёни тозалаш усуллари ва принциплари қуйидагича:

1. Хомашёни аралашмадан уларнинг форма ва размерлари турлилигига асосланган элакли юзаларда тозалаш усули;
2. Хомашёни аралашмалардан уларнинг аэродинамик хусусиятларининг фарқлилигига асосланиб тозалаш усули.
3. Уруғлик ва аралашмаларнинг металли магнитик хусусиятларига асосланиб ажратиш усули;
4. Мойли уруғларни аралашмалардан механиқ таъсир ёки ишқалаш йўли билан ажратиш (бу усул қуруқ ҳолатда ювиш – сухая мойка).
5. Мойли уруғларни аралашмалардан сув ёки бирон бир эритма ёрдамида ювабиб ажратиш.

$$\sigma_k = 7.2-7.5 \text{ м/сек}$$


$$\delta_{kp} = 20-25 \text{ м/сек}$$
 металл

$$V_{kp} = 2-3.5 \text{ м/сек}$$



1. Мойли уруғларни аралашмалардан уларнинг ўлчамига қараб тозалаш.


Бу усул билан хомашё тозаланганда асосан турли қўринишдаги элакли сиртлардан фойдаланилади. Элакли сиртлар текис айланма формада, кўп қиррали барабанли формада бўлиши мумкин.



Қайси тур ишлатилишидан қатъий назар бир элакли сиртдан иккита фракция, яъни элак устидан тушувчи фракция ва элак орасида ўтувчи фракция (проход) ҳосил бўлади.



Элакли сиртларда бир ёки бир неча бор маҳсулот тозаланишдан қатъий назар асосий

маҳсулот ўртача ўлчамга teng бўлган аралашмалар маҳсулот таркибида қолаверади. Бу қолдиқ аралашма тозаланган хомашёнинг қолдиқ ифлослигини деб аталади. Шу туфайли хомашёни тозалашда фақатгина элакли сиртлар ишлатилмай бир вақтнинг ўзида ёки кетма-кет аэродинамик сепараторлар ва электромагнит сепараторлар ҳам ишлатилади. Хомашёни элакли сиртлар ёрдамида унумли тозалаш учун хомашё таркибидаги компонентларнинг ўртача ўзунликларини ёки ўртача диаметрини билиш лозим. Лаборатория доирасидан ёки маҳсус справочникларда маҳсулотнинг ва унинг ичидаги аралашмаларни размерларини ўзгаришини кўрсатувчи вариацион эгри чизиқлар графиги бўлади. Бу графикларга қараб, маҳсулотни аралашмадан тўлиқ ажратиш учун керак бўлган элак диаметрларини аниқланади.



Мисол: чигит 4.2-6.8 мм – 1000 та чигит
 $= 2.6 \text{ мм} / 10 \text{ класс} = 0.26 \text{ мм}$

- 1) $4.2 - 4.46 \text{ мм} = 4$
- 2) $4.461 - 4.72 \text{ мм} = 15$



1 – холда. Элакнинг вариацион эгри чизиқлари бир-бири билан кесилмайди. Бу холда агар элакнинг размерлари d, d, d ва d га тенг қилиб олинса, маҳсулот аралашмадан деярли тўлиқ ажратилади.


2 – холда. Элакнинг размерлари d, d, d, d ларга тенг бўлганда асосий аралашмаларни тўлиқ ажратилмайди, яъни маҳсулотнинг бир қисми майда

аралашмалар ичидан яна бир бошқа қисми йирик аралашмалар ичиде қолади, шу билан бирга аралашманинг ҳам бир қисми ҳам түсатдан маҳсулот таркибида қолади.

3 – холда. Элакнинг хеч бир размери d, d, d, d маҳсулотни аралашмадан ажратишга имкон бермайди.

Хомашёдан аралашмаларни ажратиш учун металлик штампланган элаклар ҳамда туқилган элаклар ишлатилади.

Металлик элакларнинг тешиклар формаси доиро шаклида ёки чўзиқроқ шаклида бўлиши мумкин. Доира шаклидаги тешикдан хомашё ўзининг кенглиги бўйича ўтади. Ўзунчоқ шаклдаги тешиклардан қалинлиги бўйича ўтади.




Доира шаклидаги тешиклари элаклар саноатда кенг кўлланилади ва умуман олгандан металли штампланган элаклар ўзининг чидамлилиги билан ўзоқ муддатда фойдаланиш имконини беради, лекин металл элакларнинг фойдали юза коэффициентлари унчалик катта эмас ва 50-60 % атрофига $K = 0.5-0.6$.

Фойдали юзали коэффициенти деб, элак юзасидаги барча тешикларнинг сатхини элакнинг умумий сатхи нисбатига айтилади.

$$nS=\Pi r^2=\Pi d^2/4$$

$$Sg=LB$$

$$d$$




$$K \text{ фой.юза коэф.} = n \text{ Sотвер /Sg}$$

Доира шаклидаги элакларнинг ўлчамилари 0.8-4.0 мм гача бўлади. Ўзунчоқ формадаги тешикларнинг размерлари эса $v = 0.5-1.0$ мм, $1 = 10-50$ мм .

Тўқилган элаклар эса темир, мис, капрон, нейтрон ёки оддий иплардан тўқилган бўлиши мумкин. Тешикларнинг формаси эса бу холда квадрат бўлади ва тўқилган элакларнинг афвзаллиги уларнинг фойдали юза коэффициенти $K = 0.5-0.85$, ўлчамлари эса 0.6-0.9 мм.


Аммо тўқилган элакларнинг механиқ чидамлилиги паст ва тез ўзилиб кетганлиги сабабли саноатда кам ишлатилади, ундан ташқари қаттиқ элангаётган маҳсулот таъсирида тўқилган ипларнинг силжиши туфайли тешикларнинг ўлчамлари турлича бўлиб қолади. Саноатда ишлатилаётган барча турдаги элакли юзалар 4 хил турда характерланади:

1) Махсулот харакати йўналиши бўйича олд ва орқа томонга йўналган харакат.




маҳсулот йўналишида элак харакати

2) маҳсулот харакати йўналишига кўндаланг равишда олд ва орқа томонга бўлган элакнинг харакати.




элак

3) Элакнинг айланма бўйлаб харакати бундан маҳсулот эса спирал йўналишида бўлади.



4) Элакнинг вертикал йўналишда юқори частотали тебранма харакати




Кўрилган турдаги элак харакатидан энг қўп (1) ва (4) холатлари ишлатилиади. Қайси турдаги элак ишлатилишидан қатъий назар маҳсулотнинг йўналиши элакнинг бир томонидан иккинчи томонига силжиши билан бориши учун элакларнинг горизонтал текисликка нисбатан қиялиги $8-14^{\circ}$ да олинади.

2. Мойли уруғларни аралашмалардан уларнинг аэродинамик хусусиятларига қараб тозалаш.

Маълумки, элакли сиртларда уруғ таркибидаги аралашмани тўлиқ ажратиш мумкин эмас, шу туфайли иккала усулни ҳам қўллаш лозим бўлади.

Бу усулни қўллашнинг боиси шундаки, қаттиқ заррачалар ўзларини ҳаво оқимида турлича тута билар экан, яъни бирон бир ҳаво йўналтирилаётган труба ичидаги бир дона қаттиқ заррача бўлса, уч хил ҳолатни кўришимиз мумкин.



Q- заррача оғирлиги
F-куч
1) $Q > P$ 2) $Q < P$ 3) $Q = p$



Ҳаво оқими

1)-ҳолатда заррача массаси Q ҳаво оқимининг (оғир) босимидан катта бўлгани учун заррача пастга тушади.

2)- Ҳолатда эса заррача ҳаво оқими билан олиб кетилади.

3)- Ҳолатда эса заррача оғирлиги ҳамда унга таъсир қилувчи куч P га тенг бўлгани учун заррача ҳаво оқимида муаллақ туриб қолади. Технологик нуқтаи назардан 3-ҳолат аҳамият касб этиб, бу кучнинг қийматини Ньютон формуласи билан аниқлаш мумкин:

$$P = K * F - V^2 * \gamma/g$$

P- ҳавонинг оқимини заррача таъсир кучи

K- заррачанинг ҳаво оқимига қаршилик кўрсатиш коэффиценти

F- заррачанинг ҳаво оқимига нисбатан проекцион юзаси

V- Ҳаво оқими тезлиги

γ - Ҳаво зичлиги (солиштирма оғирлиги)

g- Эркин тушиш тезланиши

Ушбу тенгламани ўзгартириш натижасида ҳаво тезлигини топиш мумкин

$$V = \sqrt{\frac{P \cdot g}{K \cdot F \cdot \gamma}}$$

Ушбу тенгламадан аниқ бир газ ёки ҳаво учун -ўзгармас қийматга эга, F эса доимо ўзгарувчан қийматга эга, шу туфайли юза ўзгариш таъсири остида коэффицент K ҳам ўзгариб боради.

Агарда $P=Q$ деб олсак, ва $\frac{K \cdot F \cdot \gamma}{P} = K_{II}$ десак, у холда

$$V = \sqrt{\frac{g}{K_{II}}}$$

Бўлади.

Бу ерда Кп- (коэффицент парус) учувчанлик ифодасини билдиради, ҳамда бу йўл билан аниқланган ҳаво оқимининг тезлиги заррачанинг киритик тезлигига teng деб хисобланади.

$$V_{kp} = \sqrt{\frac{g}{K_{II}}} = V$$

Заррачанинг критик тезлиги деб шундай ҳаво оқимининг тезлигига айтиладики, бу вақтда заррача ҳаво оқимидан тушиб ҳам кетмайди, яни заррача ҳаво оқимида бир хил тебраниш ҳолатида бўлиб айланиб туради. Ифодаланган фикрлар турли зичликка эга бўлган моддаларни ҳаво оқимида ўзларини қандай тута билишини кўрсатади ва заррачаларнинг бу хусусиятлари уларнинг аэродинамик хусусиятлари деб тушинилади, яъни бирон бир тезликка эга бўлган ҳаво оқими критик тезлиги катта бўлган заррачаларни учириб кетаолмайди. Критик тезлиги кичик бўлган заррачаларни осонликча учириб кетади, қаттиқ моддаларнинг бу аэродинамик хусусиятларидан фойдаланиб, мой саноатида ишлатилаётган ҳаво сепараторини қўллайди.

Буларга: ЗСМ; КДП; ПОП; ЧСП; УСМ лар киради.

Ҳаво оқими ёрдамида ишловчи сепараторлар 2 га бўлинади:

- 1) Бир хил миқдорда ҳаво оқимини ишлатувчи сепараторлар
- 2) Турли миқдорда ҳаво оқимини ишлатувчи сепараторлар;

- 1- ишчи камера
- 2- вентиллятор
- 3- чўқтирувчи камера

Кўрилган иккала схема бўйича; биринчи схема бўйича ишловчи сепараторлар кам ҳаво сарф қилиб, атроф муҳитни ифлосламайди, Лекин чўқтирувчи камерадан чиқиб кетаётган ҳаво оқимидан бир қисм чанг қолганлиги сабабли у хомашёнинг янги порциялари билан контактда бўлади. Бу мосламани тозалаш эфектини пасайтиради. Иккинчи схемада ишловчи сепараторлар эса кўп микдорда ҳаво сарфлаб тозалаш эфекти юқори бўлади, лекин ҳаво оқими таркибидаги қолдиқ чанг эса атроф муҳитни ифлослайди, шунга қарамай иккинчи схема бўйича ишловчи сепараторлар саноатда кенг тарқалган.

Ёғли уруғларни аралашмалардан уларнинг магнит хусусиятларига қараб ва сув ёки эритмада ювиб тозалаш усули.

Маълумки, Ёғли уруғлар ва уларнинг таркибидаги минерал ҳамда органиқ бирикмалар ва баъзи бир рангли металлар қолдиқлари магнит майдонда қутубларга тортилмайди. Шунинг учун хомашё таркибидаги магнит майдон таъсир қилувчи аралашмаларни доимий магнит, электромагнит ёки электро-магнит сепараторлари ёрдамида ажратиб олинади. Доимий магнит ишлатилган пайтда бир неча такасимон магнит бирлаштирилиб, маҳсулот ўтаётган лента ёки нов, атрофига қўйилади. Факат доимий магнит қуввати кам бўлгани учун ва магнит қуввати секин-аста камайиб борганлиги учун хозирги пайтда кўпроқ доимий электр оқими ёрдамида ҳосил қилинувчи электромагнит ишлатилади. Электромагнит харакатдаги маъсулотнинг тепа томонига осиб қуйилади. Маҳсулотдаги металл аралашмалари тортиб олинади. Бу хусусда айниқса электромагнитларга нисбатан электромагнит сепараторлари кўпроқ эфект

беради. Саноатда ишлатилаётган электромагнит сепараторлари асосан күйидагича:

- 1 – бошқарилувчи барабан
- 2 – бошқарилувчи барабан
- 3 – электромагнит
- 4 – чексиз лента
- 5 – қабул қилувчи лоток
- 6 – йиғувчи ящик


Саноатда энг кўп тарқалган электромагнит сепараторлари:

ДЛС	СКЕТ – ГДР да
СЭ	МДХ да

- 4 – принцип

Юқорида изоҳланган учала усул билан баъзи бир аралашмаларни ажратиб бўлмаган холда маҳсулотни «қуруқ» холда ювиш усули қўлланилади. Маълумки, кўз пайтида йиғилган ёғли уруғлар устига лой ёки лой билан

аралаш баъзи бир ифлосликлар уруғ устига қаттиқ ёпишиб қолган холда бўлиши мумкин. Бундай пайтда хомашёни қарама-қарши ёки паралел йўналишда харакатланаётган ленталар ёки щёткалар орасидан ўтказиш мумкин. Лента ёки щёткаларнинг ишқаланиш натижасида уруғлар юзасидан ёпишиб қолган ифлослик ажратиб олинади, яъни хомашёни «қуруқ» ювиш содир бўлади.



Терочная машина.

Бу усул хомашёни тозалашга қўл келмаса, у холда хомашё устида қотиб қолган ифлосликни сув ёки бирон эритма ёрдамида ювиб ташланади.

«Таянч» сўз ва иборалар

1. тазалаш –мойли уруғларни ёт жинслардан ажратиб олиш.
2. Ифлос аралашма – минерал ва органиқ аралашмалар
3. Мойли аралашма – мойли хом ашё уриғидан ташқари мойли уруғлар
4. Метал аралашма – магнитга ёпишиш хусусиятига эга бўлган аралашмалар.
5. Критик тозалик – ҳаво оқимида заррачанинг муаллақ ҳолатда туриши.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Мойли уруғларни тозалаш усуллари.
2. Мойли уруғларни тозалашнинг зарурлиги.

3. Уруғларни тозалашда ишлатиладиган ускуналар.
4. Уруғларни тозалашда ишлатиладиган элаклар шакли ва харорати.

МОЙЛИ УРУҒЛАРНИ НАМЛИК БҮЙИЧА КОНДИЦИЯЛАШ.

Ўсимлик ёғлари олинаётган уруғлар ўз таркибида аник бир миқдорда намлиги бўлади. Профессор Ребендергнинг классификацияси бўйича қаттиқ органик моддалар таркибида сув 3 хил турда тоғланган холда бўлади.

1)

Химиявий ёки стехометрик боғланган сув бу турдаги боғланган сув маҳсулот билан кимёвий боғ орқали боғланган бўлади ва сувни маҳсулот таркибидан сиқиб, ёки буғлатиб

чиқариш нихоятда катта иссиқлик энергияси талаб қилади. Саноат доирасида қуритилаётган хомашёдан бундай турдаги сувни оддий қуритиш йўли билан учириш мумкин эмас, ёғли уруғлар таркибида кимёвий боғланган сув нихоятда кам бўлиб, фақат маҳсулотнинг таркибидаги минерал моддалар билан бириккан бўлади.

Масалан: $\text{Ca SO}_4 \cdot 5\text{H}_2\text{O}$; $\text{CuSO}_4 \cdot \text{H}_2\text{O}$

2) Физик- кмиёвий боғланган сув; бу турдаги сув қаттиқ маҳсулот таркибида адсорбцияланган холда, осмотик равища ютилган ҳолатда, ҳамда структурали сув ҳолатида бўлади. Бу учала турдаги боғланган сувлардан қуритиш даврида энг осон структурали, кейинчалик осмотик ютилган ва қийинроқ адсорбцияланган сув учиб чиқади.

3) Механиқ боғланган сув; бу турдаги сув асосан хомашё таркибидаги макро ва микро капилярлар ичидаги сувдан иборат. Бу капиляр ичидаги сув капиляр – куч таъсирида ушлаб турилади. Бундан ташқари механиқ боғланган сув маҳсулотни пишириш учун сарф бўлган ҳам ташкил топади. Қуритиш пайтида бир галда маҳсулотни пишириш учун сарф бўлагн сув учиб кетади, кейинчалик эса капиляр боғланган сув учади, умуман олганда механиқ боғланган сувни учириш учун ҳам иссиқлик энергия сарфланади. Юқоридаги сувнинг боғланиш турларига қараб, саноатда бир неча турдаги қуритиш усуллари ишлатилади. Энг кенг тарқалган қуритиш методалридан бири бу конвектив қуритиш усулидир. Бу усулда маҳсулот асосан, иситилган қуритувчи газ ёки ёқилган газ ёрдамида олиб борилади. Конвектив қуритиш хомашёни қуритувчи агент билан бевосита таъсир остидан олиб борилади.

Мойли уруғларни қуритишнинг асосий турлари ва усуллари.

1. Хомашёни қабул қилишдаги қуритиш усули (сырьевая очистка). Бу усулнинг асосий мақсади қабул қилинган хомашёнинг намлигини сақлаш учун керак бўлган оптимал намлигача туширишидан иборатdir, яъни қуритилгандан сўнг хомашёнинг намлиги уни критик намлигидан паст бўлиш керак.
2. Уруғликни қайта ишлашдан олдин саноат миқёсида қуритишнинг усули (производственная сушка), бу усулнинг қулланишдан мақсад хомашёнинг намлигини бўлажак технологик жараёнларга керак бўлган намликкача етказиб олишдан иборат. Масалан: кунгабоқар уруғи учун унинг намлиги қуйидагича:

Қуруқ ҳолати – 8 % гача

Ўртacha қуруқ ҳолати – 8-10 %

Нам ҳолати – 10-13 %

Ўта нам ёки хом ҳолати – 13 % дан иборат.

Соя уруғи учун:

Қуруқ ҳолат – 12 %

Ўртacha қуруқ ҳолати – 12-14 %

Нам ҳолати – 14-16 %

Ўта нам ҳолати – 16 % дан иборат

Пахта чигити учун:

1-3 навлар – 8.5-10.5 %

4 нав – 10.5-12.5 %

Ушбу кўрсатилган намлик ҳолатлари уруғлик тозалангандан сўнг чақиш ва қобиқ мағиздан ажратиш ҳамда мағизнинг тегирмонларда янчиш жараёнида хисобга олинади. Юқорида қайд қилинган жараёнлар кунгабоқар ва соя учун қуруқ ёки ўртacha қуруқ ҳолатда олиб борилади. Чигит учун эса кўрсатилган намлик катталиклар чегараловчи катталик хисобланади.

Қуритишнинг асосий турлари қуйидагича:

1) Конвектив қуритишнинг тури:

Бу турда ёғли уруғлар асосан, қиздирилган ҳаво ёки табийи газ ёнишидан ҳосил бўлган иссиқ газ ёрдамида олиб борилади. Қайси турдаги иситилган газ бўлишидан қатъий назар уларни қуритиш агентлар деб номланади.

Конвектив қуритишнинг тури саноатда кенг таркалган ва энг қулай усул хисобланади.

2) Кондуктив қуритишни тури:

Бунда ёғли уруғларнинг қуритиш асосан қиздирилган юзалар билан бевосита тўқнашув натижасида иссиқлик алмашинув йўли билан олиб борилади, яъни қуритувчи агент ўз иссиқлигини қуритувчи печ деворларига беради ва девор билан контактда бўлган ёғли уруғлар ундан иссиқлик олиш хисобига қурийди. Бу турдаги қуритиш усули мой-ёғ саноатида кам тарқалган.

3) Контакт йўли билан қуритиш усули:

ёки сорбцион қуритиш.

Бу турдаги қуритувчи агент сифатида турли адсорбент ёки адсорбентлар ишлатилади. Мисол: концентранган H_2SO_4 қиздирилган поташ, K_2CO_3 , $CaCl_2$, $MgSO_4$ бу усул асосан экспериментда лабораторияда ишлатилади.

4) Радиацион қуритиш тури:

Бу турдаги қуритувчи агент сифатида қуёшнинг радиацион нурлари ёки бирон бир радиация манбаидан фойдаланилади.

5) Юқори частотали ток таъсирида қуритиш тури.

Охирги иккала турдаги қуритишни асосан илмий тадқиқотларда ишлатилади. Юқорида кўрсатилган турлардан ташқари вакуум шароитда қуритиш ҳамда комбинацион турлари мавжуд. Маълумки, босим паст бўлган жойда суюқликларнинг қайнаши ёки учувчанлиги осонлашади. Шу туфайли вакуум ёрдамида қуритиш бирон бир бошқа қайд қилинган усуллар билан биргаликда олиб борилади. Шунингдек, иккала ёки кўпроқ турдаги усулларни қуллаш-комбинацион қуритиш усулинин ташкил қиласи.

Конвектив қуриши усули маҳсус печларда олиб борилиб, қуритилаётган хомашёнинг ҳолати турлари турли ҳолатда бўлиши мумкин:

- А) харакатланаётган маълум қалинликда материал ҳолатида.
- Б) харакатланаётган маълум бир қалинликда материал ҳолати.
- В) муаллақ ярим муаллақ ёки псевдо қайнаш ҳолатида.

Қайси бир ҳолатда бўлишидан катъий назар қутириш эфектига куйидаги параметрлар таъсир қиласи.

Куриувчи агентнинг температураси, унинг юқорида қўрсатилган ҳолатлари. Конвектив қуриши турига, қуритилаётган маҳсулотнинг қалинлиги, харакатланаётган маҳсулотнинг ҳолати 100-200 мм қуриши муддати масалан: пахтали қуриши агрегатларидан 40-60 минут қутивчи агентнинг температураси 180°C гача ва маҳсулотнинг қизиш даражаси $60-70^{\circ}\text{C}$ бўлади. Ушбу усулда қуриши барабанли печларида олиб борилса, маҳсулотнинг ҳолати ярим муаллоқ холда бўлиб, қуриши даври 15-20 минутни, қуриувчи агентнинг температураси $200-300^{\circ}\text{C}$ ни ва маҳсулотнинг қиздирилиш даражаси $60-65^{\circ}\text{C}$ гача бўлади.

Қуриши жараёни контактли-конвектив усули билан олиб борилса, маҳсулотнинг ҳолати муаллоқ ёки псевдо қайнаш ҳолатида бўлса, қуриши муддати бир неча секунд давомида бўлиб, қуриувчи агентнинг температураси бундан $350-700^{\circ}\text{C}$ гача бўлиши мумкин.

Маҳсулотнинг қизиш даражси эса деярли сезилмайди ёки қуритишгacha бўлган ҳолатидан бир неча градус юқори бўлиши мумкин. Холоса қилибайтганда қуриувчи агентнинг температураси қанча катта бўлса ва қуритилаётган маҳсулотнинг ҳолати псевдо қайнаш ҳолатига яқин бўлса, қуритилиш муддати шунча қисқа ва маҳсулотнинг қиздилиши даражаси шунча паст бўлади. Асосан, қайси бир ёғли уруғнинг қуритилишидан катъий назар асосий вазифа маҳсулотнинг намлигини керакли миқдоргача камайтириш ва шу билан бирга унинг сифатини йўқотмасликдан иборатdir. Бунинг учун қуриувчи агентнинг температураси чегараланмаган даражаси юқори бўлмаслиги керак ёки қуритилаётган маҳсулотнинг иссиқ мухитда

бўялиш вақти имконият борича қисқа бўлиши лозим. Акс холда ўзок муддати юқори температура таъсирида хомашё таркибидағи зарурий ёғли моддаларнинг қизиши натижасида оксидланиши ва келгусида олинадиган ёғнинг сорти бўзилади. Шу туфайли қуритиш печларидан чиққан маҳсулотни қайта ишлашдан олдин албатта совитиш лозим. Совитилган маҳсулотнинг температураси атроф-мухит температурасидан 5°C дан ошик бўлмаслиги керак.

Пахта чигитни намлаш.

Барча ёғли уруғлардан фарқли улароқ пахта чигити қайта ишлашдан олдин намланади, чунки пахта чигити мой заводларига даладан эмас, балки пахта тозалаш заводидан келтирилади ва чигитнинг намлиги кўпчилик холларда унинг критик намлигидан паст бўлади, яъни сакланаётган чигитларнинг намлиги 6-8 % атрофида бўлади. Шу туфайли чигит тозалангандан сўнг уни намлиги технологик жараёнлар учун мос ҳолатгача етказилади. Намланган чигитларнинг намлиги уларнинг мағиз намлигига қараб белгиланади.

Бу намлик қўйидагича бўлади:

1-3 навлар учун 8.5-9.5 %

4 навлар учун 9.5-10.5 дир.

Ушбу ҳолатдаги намланган чигитни чақиши, чақилган маҳсулотдан қобиғини ажратиш, ҳамда ажратилган мағизни янчиш учун оптималь намлик деб хисобланади. Чигитларни намлаш учун маҳсус ВНИИЖ намлаш ёки охирги пайтларда намлагич камералар ишлатилади. Чигитни намлаш учун тоза сув ва технологик буғ аралашмасидан фойдаланилади ВНИИЖ намлагичи ёрдамида намлаш 50-60 минут давомида ўтказилиб, кўпроқ миқдорда буғ ёрдамида намлаб иситилади, лекин кўрсатилган вақтда чигитнинг умумий намлиги миқдор жихатидан технологик жараён талабларга мос келганда, аслида сув мағизнинг ички қатламларига бир текис етиб

бораолмайди. Шунинг учун бу турдаги намлигич ўқув қўлланмаларда мақталган бўлишига қарамай, деярли барча заводларда ишлатилмай кўйилган. Намлагич камераларида эса чигитнинг сақлаб турилиш муддати камида 6-8 соат бўлади. Баъзи холларда эса бу муддат 12-16 соат давом этади. Бу вакт ичида чигитнинг сиртига берилган сув магнитнинг барча ҳажми бўйича тенг тарқалади. Албатта бунинг учун хар бир чигит намловчи цехларда камида Зта намлагич камераси бўлиши керак. Бу холда битта камерадан намланган чигит саноатга ўзатилаётган бўлса, иккита камерадан юқорида кўрсатилган вақт ичида чигит ушлаб турилади. Учинчи камера эса маҳсулот билан тўлдириш жараёни билан банд бўлади.

Пахта чигитини УСМ агрегатларида тозалаш ва намлагич камераларда намлашнинг технологик схемаси.

Ажратгичлар (сепаратор)нинг уруғларни тозалаш қобилияти қўйидаги бир нечта омилларга боғлиқ:

1. Уруғларни ажратгичларга берадётганда бир хил қалинликда бир текисда бериш керак. Уруғ қалинлиги элак устида 12-15 мм гача бўлиш керак. Агар бу қалинлик кетса ажраткични тозалаш қобилияти пасайиб кетади.
2. Элак тешикларини ўлчами.

Ажраткичдаги элаклар уруғнинг тури, ўлчами, шаклига қараб танланади.

Чигит учун: бурат ва МХС да 3-4 мм, 16-18 мм бўлади.

Пневматда элак тешиклари овал шаклида бўлиб эни 3-4 мм ўзунлиги 12-15 мм;

УСМ да тешик ўлчами 1.0-1.5 мм бўлади.

Ёғли уруғлар тури	Элак тешигини ўлчами, d мм			
	Қабул қилувчи	Эловчи	Тўкиб ажратувчи	
Кунгабоқар	15-16	12-10-8	6-5-5	3-3-3
Ловия	14-15	10-9-8	6-5-5	4-3-3
Индев (РАПС)	7-8	4-3,5-3	2,5-2-2	1-0,7-0,7
Зифир	15-18	12-12-10	8-7-6,5	5-5-4

3. Элакни қиялиги.

-қабул қилувчи элакни қиялиги 6^0 бўлиши керак

-тўкиб ажратувчи 11^0

-эловчи 11^0-14^0

-пневмат учун 12^0

-УСМ 8^0

4.Юза қисмини ҳолати.

Элак таранг тортилган бўлиши керак, паст-баланд жойи бўлмаслиги керак, агар бўлса тўғрилаш керак, чунки у ерларда чиқиндилар ушланиб қолади.

5.Уруғларни ифлослик даражаси ва намлиги:

Қанчалик уруғлар ифлос бўлса тозалаш шунчалик паст бўлади.

Намлик 10-11 % дан кўп бўлса ҳам тозалаш қобилияти пасайиб кетади.

6.Ҳаво оқимининг ўзатиш тезлиги ҳам шундай бўлиш керакки, енгил чиқиндиларни учирив, уруғни олиб чиқиб кетмаслиги керак.

“Таянч” сўз ва иборалар.

1. Намлик – уруғ таркибидаги сув миқдори
2. Куритиш – уруғ таркибидаги намликни камайтириш
3. Намлаш – қуруқ уруғларни керакли миқдоргача намлигини ошириш.
4. Тозалаш – уруғни ёт жинслардан тозалаш.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Проф. Ребендергнинг класификацияси бўйича қаттиқ органиқ моддалар таркибида сувнинг жойланиши.
2. Мойли уруғларни қуритишнинг асосий турлари ва усуллари.
3. Пахта чигитини намлаш.
4. Пахта чигитини УСМ агрегатларида тозалаш.

4.МАРУЗАЛАР.

ЁҒЛИ УРУҒЛАРНИ ҶАҚИШ ВА ҚОБИГИНИ МАҒЗИДАН АЖРАТИШ.

Мағиздан қобиғни ажратиш зарурлиги.

Технологик нуқтаи назардан ёғли уруғлар икки қисмдан: мағиз ва қобиқдан иборат. Баъзи ёғли уруғлар масалан, пахта чигити, каноп, канакунжут ва шунга ўхшашлар фақатгина уруғлик устида қобиғи бўлади, баъзи бир мойли уруғлар масалан, писта, ер ёнғоқ, соя ва шу каби уруғ устидаги қобиқдан ташқари мағиз устида юпқа уруғ пардасига ҳам эга бўлади. Қайси турдаги уруғлик бўлишидан қатъий назар барча мойли уруғларнинг устки қобиғи лўзга атан лади, фақат пахта чигитнинг қобиғи эса шелуха деб номланади. Қобиғ ва мағиздаги таркибий моддалар миқдори

турличадир. Уруғлар қобиғида асосан, клетчатка ёки целлюлоза қўп бўлиб, улар билан бир қаторда, аммо камроқ миқдорда юқори молекулали углеводородлар, мумли моддалар, янада озроқ миқдорда оқсил ва сув бўлади. Мағизда эса асосий керак бўлган моддалар ёғлар, оқсиллар, фосфатидлар, витаминалар ва кўпчилик ёғ билан эргашиб юрувчи бошқа моддалар турди. Қобиғда мойнинг миқдори жуда кам бўлиб, бу мойлилик ботаниқ мойлилик дейилади. Масалан, пахта чигити қобиғининг ботаниқ мойлилиги 0.5-0.6 %, писта уругиниг ботаниқ мойлилиги 2-3 % атрофида бўлади. Вахоланки, юқорида кўрсатилган уруғларнинг мағизлари мойлилиги пахта чигити мағизи учун 34-38%, писта уруғи мағзи учун 60-65% ни ташкил қиласди. Бу рақамлардан кўриниб турубдикি ҳар қандай мойли уруғнинг мойи асосан мағизда бўлиб, қобиғда эса ниҳоятда кам. Агарда мойли уруғлар қобиғи ажратилмай қайта ишланса, бу ҳолда олинаётган ўсимлик мойи таркибида қобиқ таркибида бўлган юқори малекулали углеводлар, мум моддалар кўпаяди. Бу ҳол олинаётган ўсимлик мойини сифатини бўзилишига ва айнан кислота сони ошишига, рангининг юқорилаб кетишига ҳамда мойнинг лойиқаланишига олиб келади. Улардан ташқари қобиқ ажратилмаган ҳолда уруғлик қайта ишланса, технологик жараёнда қўлланилаётган машиналарнинг бир қисм маҳсулдорлиги мойи ниҳоятда кам бўлган қобиқни янчиш, пресслаш, экстракция қилиш ва бошқа жараёнлар учун сарфланади. Умуман олганда бутун бир цехнинг маҳсулдорлиги сусаяди. Юқорида изохланган фикрларни назарда тутиб имконият борича махсimal равишда қобиғини мағиздан ажратиш кераклиги эътиборга сазовордир, лекин баъзи бир мойли уруғларнинг қобиғини ажратиш анча мушкул ёки технологик нуқтаи назардан мумкик эмасдир. Буларга индов (рапс), каноп уруғи, кунжут, кунори ва ўсимлик уруғлари киради. Аммо кунгабоқар, пахта, ер ёнғоқ, канакунжут ва шунга ўхшаш ўсимлик уруғлари киради. Аммо кунгабоқар пахта чигити, ер ёнғоқ, канакунжут ва шунга ўхшаш уруғларни қайта ишлаш жараёнида албатта, қобиғини мағзидан ажратиш йўли билан олиб борилади. Мой олиш технологиясида бу жараён бажариш учун уруғларни чақиш ёки

кесиш йўли билан бажарилади.Ҳосил бўлган маҳсулотни тўла чақилган ва кесилган бўлса рушанка (чақилма) деб аталади. Тўла чақилмаган мойли уруғларни эса недорушка деб аталади. Бу икки турдаги маҳсулотнинг бир биридан фарқ уларпнинг таркибидаги чақилма қолган бутун уруғлар миқдори билан белгиланади. Кунгабоқар уруғи учун тўлиқ чақилган маҳсулотга қуийдагича талаб қўйилади, қисман чақилмаган ва чақилган уруғлар миқдори 25% дан ошиб кетмаслиги лозим. Оқшоқ миқдори 15% дан кўп эмас ва ниҳоятда майдалангандан мағиз миқдори мойли чанг деб аталиб, унинг миқдори 15% дан ошмаслиги керак.

Пахта чигитидан олинган чакилган маҳсулотлар биринчи чақилишдан сўнг бутун чигитларни сони 30% дан ошиқ бўлмаслиги керак, иккинчи чақилишдан сўнг эса 0.8% дан ошмаслиги керак.

Ингичка толали пахта чигити эса қайта ишланганда бир мартаба чақилади ва ҳосил бўлган маҳсулотдан чақилмай қолган бутун чигитларнинг миқдори 20-25 % миқдорида бўлиши мумкин.

Мойли уруғларнинг хусусиятлари ва уларни чақиш методлари

Ёғли уруғларнинг хусусиятлари уларнинг механиқ қаттиқлиги, эластиклиги ва пластлиги билан белгиланади. Уруғларнинг механиқ қаттиқлиги деб, шундай кучга айтиладики қайсики, бу куч таъсирида ёғли уруғ чақилиши ёки синиши лозим. Уруғларнинг эластиклиги ёки пластиклиги эса қобиқнинг биологик ва марфалогик тўзилишига боғлиқ. Масалан; кунгабоқар уруғининг қобиқ толачалари уруғнинг ўзунлиги бўйича йўналган бўлиб, қобиққа ўта эластик хусусият беради. Чигитни оладиган бўлсак, унинг қобиқ толачалари бетартиб ва чамбарчас боғланганлиги учун қобиқ ўзига хос эластикликка эга ва унинг механиқ қаттиқлиги ниҳоятда юқоридир. Уруғнинг эластик ва пластиклиги унинг намлигига ҳам бир миқдорда боғлиқдир. Нам ошиши билан уруғ қобиғининг эластиклиги камайиб, пластиклик хусусияти ортади. Шунинг учун мойли уруғнинг хусусиятини ҳисобга олиб, уларни чақиша турли методлар қўлланилади.Кунгабоқар уруғи ўта мўрт бўлгани

учун бу турдаги уруғлар учун уруш методлари билан чақилади. Махсус чақувчи аппарат (бичерушка) ёрдамида чақилганда чақилаётган уруғликка бетартиб равища бир неча марта машина куракчалари уруш йўли билан чақилади. Бошқа турдаги марказдан қочма куч асосида ишлайдиган чақувчи машина ёрдамида уруғга фақат бир марта катта тезликдаги уруш йўли билин чақилади. Пахта чигитига келсак, унинг қобиғи жуда қаттиқ бўлганлиги учун уруш усули қўл келмайди. Бу холда кесиш ёки кесиш ёки қисман эзиш йўли билан чигит чақилади. Мевали ўсимликлар доналари эса маълумки ниҳоятда қаттиқ улар учун эса катта босим остида сиқиши ёки тўқмоқли чақувчи машиналар ёрдамида уриш усули билан чақилади. Пахта чигити учун асосий чақиш машиналари ўрта толали пахта чигити учун дискли чақиш машинаси, Ингичка толали пахта чигити учун эса валикли ёки пичноқли чақиш машиналари ишлатилади. Уруғларнинг эластиклигига намлик таъсир кўрсатганлиги туфайли чақилаётган уруғларнинг намлиги чақиш жараёни учун оптимал бўлиши лозим. Оптимал намлик намлик кунгабоқар уруғи учун 6-8 % ни, пахта чигити учун эса 9-11% ни ташкил қиласди. Агарда чигит учун намликни ядро бўйича олинса 1-3 навлар учун 8.5-9.5 %, 4-нав учун 9.5.-10.5 % бўлиши керак. Агарда пахта чигитининг намлиги кўрсатилган миқдордан кам бўлса, эластилик ошиши хисобига чақилиш осонлашади, лекин тчақилган маҳсулот таркибида мойли чангнинг миқдори ошиб кетиб ажратиб олинаётган шелуха билан мўлжалдагидан ошикроқ мой йўқотади. Агарда намлик юқори бўлса, чигитнинг платиклиги ошиб, чақиш жараёни ёмон кетади ва чақилмай эзилиб қолган чигит эса шелуха таркибига ўтиб, унинг мойлилигини ошириб юборади. Демак, бу холда бир қисм мой йўқолади.

Чақилган маҳсулотни сепарация қилиш.

Маълумки чақилган маҳсулот таркибида озгина бутун уруғлар, йирик ва майда қобиқ ёки шелуха бутун ва оқшоқ мағиз, ҳамда ниҳоятда майдаланиб кетган мағиз- мойли чанг бор.

Шартли равища мойли чанг деб, 1 мм элакдан ўтган мағизнинг майда фракцияси тушинилади. Демак, чақилган маҳсулот бир неча турдаги

кампонентлардан иборат бўлганлиги сабабли, энди асосий мақсад маҳсулотдан тўлиқ равишда мағизни ажратиб олинади. Бу мақсадда қўйдаги принциплардан фойдаланилади; 1) маҳсулот компонентларининг турли размерларига эга бўлганлиги сабабли уларни турли катталикдаги элакларда элаш усули. 2) маҳсулот компонентларининг аэродинамик хусусиятларига асосланиб, уларни ҳаво сепараторларида ажратиш усули. Пахта чигитидан ташқари деярли боқа барча ёғли уруғлар учун бу иккала принцип комбинацион холда ишлатиладива ишлатиладиган машинанинг номи аспирацион вейка (ҳаво оқимида шопириш усули билан ишлайдиган машина) M1C-50, M2C-50, P1-MCT билан белгиланади.

Пахта чигитига келсак, бу уруғ учун асосан, чақилган маҳсулотни элакли машиналар ёрдамида мағиз ва қобикқа ажратилади ва элакли тебранувчи машинадир. Пахта чигити учун қулайдир. Ингичка толали пахта чигити учун эса, мағиздан қобикни ажратиш учун қисман аэродинамик шароитда ишловчи машина пурифайер ишлатилади.

Ўрта толали пахта чигитини чақиш ва сепарация қилишнинг технологик схемаси.

- Бутун чигит
- Чала чақилган маҳсулот
- Тўла чақилган маҳсулот
- Шелуха

Мағиз

- 2-12-тақсимловчи шнеклар
- 3-13-бирламчи ва иккинчи дискали чақиши машиналари
- 4-14-бирламчи ва иккиламчи икки элакли тэбрангич машиналар
- 5-15-6-16-йиғувчи ва тақсимловчи шнек
- 7-17-бирламчи ва иккиламчи биттер сепараторлар
- 8-қисман чақилган маҳсулот йиғувчи шнек
- 9-19 –мағиз йиғувчи шнеклар
- 18- шелуха шнеги

«Таянч» сўз ва иборалар.

- 1. Чақиши- уруғнинг қобиқ қисмини бўзиш.
- 2. Қобиқ- уруғнинг қаттиқ ҳимоя қисми.
- 3. Механиқ қаттиқлик-бу қобиқни синдириш учун кетган кучга тенг миқдор.
- 4. Мағиз-уруғ қобиғи ичидаги ёғ ва унга эргашиб юрувчи моддаларга бой қисм.
- 5. Чақилма- қобиқ ва мағиз аралашмаси.
- 6. Сепарациялаш- Қобиқ ва мағизни бир-биридан ажратиш.

Такрорлаш учун саволлар.

- 1. Уруғларни чақишдан мақсад.
- 2. Чақиши жараёнида уруғ намлигини роли.
- 3. Уруғларни чақиши усуллари.
- 4. Чақилмани сепарация қилиши.
- 5. Паҳта чигитини чақиши ва сепарация қилишнинг технологик схемаси.
- 6. Чақиши учун зарур бўлган технологик параметрлар.

5-МАЪРУЗА.

МОЙЛИ УРУГЛАРНИ ВА УЛАРНИНГ МАҒЗИНИ ЯНЧИШ.


Мойли маҳсулотларни майдалаш сабаблари.

Профессор Голдовский назарияси бўйича (1930-1960) мойли маҳсулот таркибидаги мой нихоятда кичик ультрамикроскопик капилярлар ичida жойлашган деб хисоблаган. Капилярни қобиғи маҳсулотнинг механиқ мустаҳкамлигидан бир неча марта устун келади. Кейинчалик 1960-1970 йиллар мабойнида бу назарияга қарши Леонтьевский назарияси пайдо бўлиб, мойли маҳсулотларнинг тўзилишини электрон микраскоп ёрдамида текшириш натижасида мой ультрамикраскопик капилярларда эмас, балки шар формуласидан глобула ёки сферасомаларда йиғилиши таъкидланган. Глобула ёки сферасомаларни қобиқлари ҳам ўта мустаҳкам бўлиб, оддий механиқ куч таъсири ёрдамида уларни бўзиб ташлаш ёки ўзиш нихоятда қийинлиги аникланган. 1970 йилларнинг ўрталаридан бошлаб проф. Шербаков ва

ўқувчилари тамонидан мойли маҳсулотларнинг ички тўзилиши янада мукаммалроқ ўрганилган ва электрон микраскоп ёрдамида 60-80 минг маротаба катталаштирилиб кўрилганда ҳақиқатдан ҳам маҳсулот қисмларидағи ёғ шар формадаги сферосомаларда эканлиги тасдиқланган. Шу билан биргаликда сферасома ва глобулалар атрофида ниҳоятда кўп миқдорда ёриқчалар борлиги аниқланган. Бунга сабаб мойли маҳсулотлар етилаётган, йиғиб олинаётган, ёки сакланнаётган пайтда намлик миқдорининг ўзгариб туриши туфайли сув буғларининг учиши таъсирида ушбу тирқичлар пайдо бўлди деган фикрга келинди. Умуман назариялар бир-бирига қарши бўлмай, аксинча бир-бирини тўлдиришга Шербаков томонидан аниқ эксприментал далиллар асосида тушинтириб берган. Шунинг учун мойли маҳсулотларни сиқиши ёки экстракция йўли билан қайта ишлашдан олдин, албатта янчилиши лозимлиги зарурй техник жараёнлардан бири деб ҳисобланди. Чунки мойли маҳсулотни янчмасдан тўғридан –тўғри қозонларда қовуриш ёки пишириш билан мойини сиқиб олиш ниҳоятда катта куч талаб этади. Ваҳоланки замонавий пресслаш машиналари анча юқори босим билан ишласада глобулалар ёки капилярлар қобигини тўла-тўқис ўзушга кучи етмайди. Шунинг учун асосий мойцли уруғларни ва уларнинг мағизини янчишдан мақсад мой йиғилган қобиқларни ўзиб ташлаш ёйинки маҳсулотнинг ички структурасини бўзишдан иборат. Фақат шу холдагина маҳсулотда тўлароқ ва кўп миқдорда мой сиқиб ёки экстракция қилиб олиш мумкин. Мойли уруғларнинг қобигини ажратиш мумкин. Мойли уруғларнинг қобигини ажратиш мумкин бўлган холда уларнинг мағзи янчилади, акс холда қобиги ажралмайдиган мойли уруғлар эса тўғридан тўғри янчилаверади.

Саноатда янчиш учн асосан эзиш ва кесиш усулларидан фойдаланилади. Бу усулларни қўллаш кенг миқёсда тарқалган беш валикли янчиш машиналари ва энг охирги пайтда эса СКЕТ фирмасининг янчиш аппаратлари ФБ-600 ишлатилади. Агард а янчиш машиналарининг валиклари айланиш тезлиги бир хил бўлса, У вақда маҳсулотга фақат эзувчи кучлар таъсир қиласи. Агар тезлик бир хил бўлиб, валикларнинг сиртларида ингичка

ариқчалар бўлса, бир вақтнинг ўзида маҳсулотга эзувчи ҳамда кесувчи кучлар таъсир қиласи. Агар шу шароитда валикларнинг айланиш тезлиги турлича бўлса, бу вақтда маҳсулотга бир вақтнинг ўзида эзувчи, кесувчи ва ишқаланувчи кучлар таъсир қиласи.



Янчиш машиналаридан олинаётган маҳсулотнинг номини (мятка) эзилган маҳсулот ёки янчилма дейилади.

Маҳсулотнинг ички структурасининг бўзулганлик даражасини элаш усули билан аниқланилади. Элаш усулига биноан ҳосил бўлган талқондан 50 ёки 100гр олинниб 10 минут давомида эланилади ва элақдан ўткан қисми олинган навесткага нисбатан % хисобида хисобланади.

Кўпчилик мойли уруғлар учун элақдан ўткан қисми 60% дан кам бўлмаслиги керак. Агарда янчувчи машиналардан сўнг баргсимон (лепесток) маҳсулот ҳосил бўлса, ички структуранинг бўзилиш даражаси баргчанинг қалинлиги билан белгиланади, унинг қалинлиги 0.3-0.6мм атрофида бўлиши керак. Пахта маҳсулотига келсақ, чигит мағзини олинган талқоннинг таркибида шелухали янчилгунча 1-3 сортлар учун 10% дан ошиқ бўлмаслиги, 4-сорт учун 15% дан ошиқ бўлмаслиги лозим, чунки мағиз таркибида шелуха қанча кўп бўлса, янчилиш эффиқти шунча паст бўлади, лекин янчилгандан сўнг маҳсулотни пиширишдан олдин унга бир оз миқдорда қўшимча шелуха қўшилади ва унинг миқдори 1-3 навлвр учун 15% гача, 4-навлвр учун 17-18% га етказилади. Янчилган мағиз таркибида бунча миқдор шелуха бўлиши, маҳсулотга ғовваклик бериб, пишириш жараёнининг сув ва бугнинг маҳсулоти бир текисда тарқалишига ва унинг нормал пишишига ёрдам беради.

«Таянч» сўз ва иборалар.

1. Янчиш- маҳсулот ички структурасини бўзиш.
2. Янчилма- янчиш машиналаридан олинган маҳсулот.
3. BC-5 – Беш валли янчиш машинаси.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Мойли уруғларда мойнинг жойлашиши хақида назариялар.
2. Мағизни янчишдан мақсад.
3. Янчиш машиналари турлари.
4. Янчиш жараёнида мағизга таъсир қилувчи кучлар.
5. Маҳсулот ички структурасининг бўзулганлик даражасини қандай аниқланилади.
6. Янчилмага шелуха қўшишдан мақсад.

6-МАЪРУЗА.

ҚОВУРМА (МЕЗГА) ТАЙЁРЛАШ.

Мой янчилмани (мятка) устки қисмида юпқа қобиқ, пўстлоқ ҳолида бўлади. Мой бу ерда молекулаларнинг ўзаро таъсир кучи ҳисобига ушланиб туради. Шу кучларни таъсирини пасайтириш учун янчилмани намланади, ундан мақсад шуки янчилмадан энг кўп ёғ олишдир.

Янчилмани намлаш ҳам иссиқлик билан қайта ишлаганда янчилмани ва ундаги ёғ моддаларини физик кимёвий хоссаси ўзгаради натижада тах миқдорда ёғ олинади.

Намлаш ва иссиқлик билан қайта ишлаш жараёни муҳим агрегат ускуналарда амалга оширилади, намловчи шнек, қосқонли қозонлардир. Шу жараёндан кейинги маҳсулот қовурма деб аталади.

Ишлаб чиқаришда қуйидагича ифодаланади.

Намли ва қуруқ қовуриш.

1. 2 босқичда олиб борилади. 1-чи босқичда янчилма намланиб пар ёрдамида қиздирилади. 2-чи босқичда намланган янчилма қуритилади, яъни шундай шароит яратилиш керакки, уни намлиги ва харорати технология бўйича оптимал бўлиши керак.

Қовуришни 1-босқичи намловчи шнекда амалга оширилади.

Агар янчилмани намлаш жараёнида хохламаган холда кимёвий ва биокимёвий жараён кетса, у холда қуруқ қовуриш талаб қилинади.

Янчилмани намлаш ва иссиқлик билан қайта ишлаш жараёни хар хил ёғли уруғлар нави учун хар хил шароитда олиб борилади.

Ундан ташқари бир хил янчилмани қайта ишланаётганда, уни қайси мақсадда дастлабки пресслаб мой олиш, тугал пресслаб мой олиш, экстракциялаш ёғ олишига қараб хар хил шароитда қовурилади.

Маълумки, мойли маҳсулот таркибида мой заррачалари 2 ҳолатда ушлаб турилади:

1.Заррача устидаги юпқа мой қавати бу қисм мойни эркин мой деб атаемиз.2.Ҳолатдаги мой эса, парчаланмаган ёки янчилмаган ички хўжайралар ичидаги ёки қисман янчилган хўжайралар ичидаги мой бўлиб, бу турдаги мойни боғланган мой дейилади.

Иккала турдаги мой қисмлари заррачанинг хоҳ устки қаватида хоҳ ички қаватида бўлишдан қатъий назар ёғ молекулалари ва қаттиқ заррача юзаси ўртасида ўзаро молекуляр тортиш кучлари доимо намойиш бўлади. Бунинг устига парчаланмаган хўжайралар ичидаги мой эса кўшимча равища капиляр кучлари ёрдамида янада қаттиқроқ ушлаб туради. Шу туфайли ҳосил қилинган янчилмадан тўғридан-тўғри пресслаш усули билан мойни ажратиб олиш нихоятда мушкулдир. Шунинг учун қаттиқ заррача ва мой молекулалари ўртасидаги тортишиш кучини камайтириш учун маҳсулотни пресслашдан олдин сув ва иссиқлик ёрдамида қовурилади ва ҳосил бўлган маҳсулотни мезга яъни қовурма деб атаемиз. Ушбу жараённи эса қовуриш жараёни деб атаб, уни ўз таркибида 2 даврга ажратамиз:

1-даврга янчилмани сув билан намлаш ва буғ билан буғлатиш (влаготепловая обработка).

2-давр түғридан-түғри қовуришдан иборат бўлиб, 1-даврда намлиги юқори бўлган маҳсулотни технологик пар ёрдамида иситишни яъни қовуришни давом эттириш ва маҳсулотнинг намлигини камайтиришдан иборатdir.

Қовуриш жараёнининг иккала даврида мойли маҳсулот ҳолатида қўйидаги ўзгаришлар юз беради:

1. Маҳсулотга қўшилаётган сув таъсири остида маҳсулотнинг сувни яхши кўрувчи гел қисми сувни шиддат билан ютиб, ўзи эса сувнинг миқдорига қараб шишади.

2. Гел қисмининг сув таъсирида аввало бўкиши кейинчалик шишига сув билан аралаштириб берилаётган буғнинг таъсири ижобий бўлиб, бўкиш ва шишини тезлаштиради.


3. Маҳсулотнинг гел қисми ишиши натижасида маҳсулот таркибидаги ультро микроскопик капилярлар ҳамда глобулалар нихоятда торайиб ўз ҳажмидаги мой миқдорини заррача юзасига юзасига сиқиб чиқаради.

4. Кўшилаётган сув ва буғнинг бир қисми қаттиқ заррача ва мой қатлами орасига ўтиб, гидрат яъни сув қобиғини пайдо қиласди. Бу эса ўз навбатида заррача ва мой молекулалари ўртасидаги ўзаро молекуляр тортишиши кучини нихоятда камайтиради. Маҳсулот мана шу ҳолатда ўзининг эластиклик хусусиятини анча йўқотиб кўпроқ пластик хусусиятга эга бўлиб қолади. Бундай маҳсулотда мой молекулалари кам куч билан ушлаб турилишига қарамай маҳсулотнинг пластиклиги туфайли пресслаш усули билан лозим бўлган миқдордаги ёғни сиқиб олиб бўлмайди.

5. Маҳсулотда энди қайта эластик хусусият бериш учун унинг намлигини қайтадан камайтириш лозим. Бунинг учун маҳсулотга сув бериш тўхтатилиб, технологик буғ билан иситиш яъни қовуриш давом эттирилади.

Бу ҳолатда маҳсулотнинг иссиқлик даражаси ошиши хисобига ундаги ортиқча намлиқ маълум оптимал даражага туширилади.


6. Маҳсулот намлигини камайтираётган бир пайтда маҳсулотнинг тўлиқ қатлами орасидан ўтиб, худди маҳсулот ўз буғидан қовурилгандай ҳолатга тушади. Бу жараённи ўз буғидан қовурилиш дейилади. Ўз буғидан қовурилиши маҳсулотга керакли ғоваклик ва бунинг таъсири остида зарур эластикликни беради. Бундай маҳсулот эса пресслаш усули билан мой олишга тайёр бўлиб, ҳосил бўлган маҳсулотни қовурма дейилади.



Эркин мой лъатлам

Намлиги 9% Н=9%


I - давр



Сув лъобићи

Ишилган холати

I давр




II давр

Лъовириш жараёни

Юқорида ифода этилган фикрлар мойли махсулотнинг агрегат ҳолатини ўзгаришибина қолмай, қовуриш жараёнида анчагина мураккаб биохимик жараёнлар ҳам содир бўлади. Маълумки, барча мойли уруғлар таркибида

биологик актив фермент липаза мавжуддир. Бу фермент мұтадил ва бир оз иссиқ ҳолатда каталитик хусусиятга эга бўлиб, триглицеридларни парчалашга олиб келади. Липазанинг ўта актив ҳолати 60-65⁰ С гача намоён бўлиб, ундан юқори температурада ўз активлигини йўқота бошлайди 80-85⁰ С га етганда липазаларнинг активлик хусусияти практик жихатда йўқолади, чункимаълум бўлишига липазалар оқсил моддалар турига кириб, юқори температурада денатурацияга учрайди.



Липазалардан ташқари хар бир мойлик уруғликка хос бўлган шундай модда ва ферментлар борки, улар намлаш ва буғлаш жараёнида ўз активлигини ошириб, маҳсулотга акс таъсири қилувчитахир, аччиқ, кам ёки ўта захарли моддалар ҳосил қилиш мумкин. Масалан, рапс ва горчица уруғларида тиоглюкозидлар бўлиб, улар биологик актив ферментлар мирозиназа, тиоглюкозидаза ва бошқалар таъсирида ўта тахир аллил горчичниклик ёки кротонил горчичники мойлар ҳосил қиласди. Шунинг учун бу уруғларнинг янчилмасини қовуриш пайтида 1-даврда сув бермасдан фақатгина иситиш йўли билан кифояланилади ва 2-даврнинг бошида эса фермент система активлиги сусайгандан қовуриш тўғридан-тўғри 2-даврдан бошланади. Бу услубни эса қуруқ дейилади, лекин кўпчилик холларда бошқа мойлик уруғлар учун қовуриш услуби қўлланилганда пресслаш йўли билан мўлжаллангандаги (пресслаш йўли) миқдорда мой олиш мумкин бўлмаган ва замонавий технология учун (мисол) барча холларда хўл қовуриш услуби ишлайди.

Қовурмани тайёрлаш жараёнини назарий асосини проф. Голдовский А.М. яратган. У шундай назария яратдикى, намлик ва иссиқликни таъсирида жараёнда бўлаётган физик-кимёвий ўзгаришларни тушунтириб беради.

Қовурмани тайёрлаш жараёнида сувни таъсири.

А.М.Голдовский бу процессни назарий жихатдан тушунтириб, янчилмадан ёғ олишда сувнинг механиқ таъсирини қуидагича ифодалайди.

Янчилмага сув кўшилганда унинг гель қисми бўкади ва бир қанча ўзгаришлар содир бўлади; гель қисмининг пластик ҳолати йўқолади, янчилма моддаларининг қисмлари бир-бирига ёпишиб, майда заррачалар ҳосил қиласди. Янчилмадаги ёғнинг ҳолати ўзгаради ва таркибидаги моддаларда биокимёвий ўзгаришлар юз беради. Сув каналчалар орасидаги ёғни сиқиб чиқаради.

Шундай қилиб, мезгани намлаш жараёнида мезгадаги сув қисми бўкади. Намлаганда бўкиш кучи таъсирида хўжайралар элеоплазмасидан ёғни сиқиб чиқаради. Ёғ томчилари бора-бора катталашади, гель қисми юзасидаги заррачалар билан боғлиқлиги кучсизланади.

Гель қисмини бўкиши билан ҳамда ёғ билан тўлган капилярлар сиқилади, ҳажми тораяди, натижада ёғ сиқиб чиқа бошлайди.

Намлашда заррачалар катталашади, янчилмани солиштирма сатхи эса кичраяди ва ёғ томчилари бир-бири билан кўшилиб оқиб чиқади.

К.Е.Леонтьевский кўрсатдикى, писта янчилмасининг намлиги 3.5 % дан 10.9 % гача ошса, унинг солиштирма сатхи 6.25 дан 1.5 м/г гача қисқарап экан.

Демак, ёғ олишда фақат сув ва иссиқлик эмас, балки масса солиштирма сатхининг қисқариши ҳам асосий роль ўйнар экан.

Иссиқлик таъсири.

Янчилма қиздирилганда ундаги ёғ харорати кўтарилади, бу ёғни хароратини тезлаштиради. Бу эса ёпишқоқлигини камайтиришга олиб келади.

Бироқ, харорат $50\text{-}60^{\circ}\text{C}$ бўлгунча ёпишқоқлик бир мунча пасаяди, кейин эса бу пасайиш секинлашади. Шундай қилиб, иссиқликни таъсири шуки, янчилмани гель қисми билан ёғни боғлиқлигини камайтиради, ёғни енгил (осон) ажралиб, оқиб чиқишини таъминлайди.

Аммо, қиздириш жараёнида оксидланувчи моддалар миқдори ошади. Шунинг учун, хароратни 105°C дан оширмаслик, мезга ва ёғни ҳаводаги кислород билан реакцияга киришини олдини олиш маъқулроқ хисобланади.

Қиздирилганда оқсил моддалари денатурацияга учрайди, намлик ҳам катта таъсир кўрсатади.

Бугни таъсири.

Буғ иссиқлик ҳамда нам ташувчи хисобланади. Бунда аввол буғ сувга айланади, бир хилда янчилмага тақсимланади. Кейин бугни хароратига янчилмаси харорати тенглашганда буғ сувга айланмасдан янчилмани қурита бошлайди ва қиздиради. Қасқонли қозон юзасидан кўра буғ янчилмаси тез ва бир текисда, бир хилда қиздиради.

Умумий олганда сув ва иссиқликка қараганда буғни фойдаси катта.

Янчилмани намлаш ва қиздириш жараёнидаги биокимёвий ўзгаришлар.

Қовуриш жараёнида харорат ва намликни ошиши билан ферментларни активлиги усади, маълум бир хароратга ва намликка эришилганда бу активлик энг юқори кўрсаткичка етади, кейин эса пасаяди ва нихоят бу активлик йўқолишгача етади.

Оқсил моддаларини денатурацияга учрашига олиб келувчи шароит, ферментларни активлигини пасайтиради, йўқотади.

Бир вақтда янчилмани намлаб ва уни интенсив равишда қисқа вақт ичида қиздириб харорати $80\text{-}85^{\circ}\text{C}$ бўлганда ферментларни активлигини пасайтиришга эришиш мумкин. Бу қовуришдан олдин буғлатгич

(проп.увл.)шнекларда олиб борилади. Хар хил ёғли уруғлар оиласи ўзига хос ферментларга эга, шунинг учун уларга «оптимал» шароит (ажратилган) белгиланган.

Сув билан бирикмайдиган фосфатидлар писта янчилмасини қайта ишлашда харорати 20^0 С дан 70^0 С гача бўлганда ҳосил бўлади.

Агар активликни пасайтиришни қисқа вақтда ва интенсив равища олиб борилса, бундай фосфатидлар (яни фосфалипазалар активлиги йўқотилса) ҳосил бўлиши камаяди.

Чигит янчилмасини қовуриш жараёнида энг муҳим жараён госсипол ўзгаришdir. «Натив» ҳолида госсипол ўта захарлидир. Ёғда, ёғли кунжара (жмыҳ) ва кунжара (шрот) да шу госсипол бўлса, буларни сифати ёмонлашади. Ундан ташқари госсипол ёғни рангини тўқлаштиради, тозалаш жараёнида асосий роль ўйнайди.

Қовуриш вақтида кислород, намлик, иссиқлик таъсирида госсипол эркин аминокислоталар, оқсил моддалар ва фосфатидлар билан реакцияга киришади.

Хозирги вақтда олимларимиз томонидан госсиполни ёғга тамоман ўtkазиш ёки уни янчилмани гель қисми билан тоғлаш технологиялари ишлаб чиқилган.

Госсиполни актив ҳолатдан ноактив ҳолатга ўтиши ёғли кунжарани сифатини яхшилашда энг муҳим хисобланади. Бунинг учун янчилмани намлаш ва қовуриш жараёнини яхши олиб бориш керак. Агар пастроқ хароратда бўлса госсипол ёғга ўтади. Қовуришни бошида намлик 7-9% тўлиб, харорат $75-85^0$ С бўлса, 3-4 қасқонларда 6.5-7.5 % гача қуритилади. Шунда ёғ таркибига 1.45-2.0 % гача натив холдаги госсипол ўтади, бу эса кейинги жараёнларда антранил кислотаси билан ёғдан ажратиб олинади.

Мезга хоссасига асосий талаблар.

Мезга пластик ва эзилувчан тўзилишига эга бўлиши керак.

Мезгани шнекли прессларда эзib ёғ олиш уни секин-аста сиқа бориш принципига асосланган. Шнек ўрами қадамининг қисқариши ва мезга билан шнек деворлари бир-бирига қўпроқ сиқилиши сабабли мезга ёғидан ажрайди.

Ёғ оқиб тушишига фақат ташқи кучлар сабаб бўлиб қолмай, балки мағиз таркибидаги моддаларнинг ташқи таъсирга кўрсатадиган қаршилиги ҳам катта роль уйнайди.

Бу жараённи осонлаштиришга мезгани пластик ҳолатда бўлиши катта роль уйнайди. Пластик ва бир хилда бўлиши учун қовуриш жараёнида яхши эътибор бериш керак, аралаштиргичлар бир хилда ишлиши, буғни тақсимланиши, мезгани қалинлиги шулар жумласидандир.

Мезгани тайёрлаш технологияси.

Кунгабоқар пистасининг янчилмаси қозоннинг юқори қасқонида ёки маҳсус намловчи шнекда 80-85⁰ С гача иситилиши ва намлиги 8-9 % гача етказилиши керак.

Чигит янчилмаси қозоннинг юқорисида ўрнатилган намловчи шнекда тўйинган буғ ва конденсат билан 1-3 нав уруғлар учун 11.5-13.5 % гача намланади, 4 нав уруғлар учун эса 13.5-17 гача намланади харорати 1-3 нав учун 70-80⁰ С, 4 нав учун эса 60-70⁰ бўлиши керак. Чигит зангалик ифлосроқ бўлса, шунчалик намлиги юқори бўлади. Намлаш ва иссиқлик билан қайта ишлиш учун қўйидаги турдаги қозонлар ишлатилади: қасқонли, шнекли ва барабанли.

«Таянч» сўз ва иборалар.

1. Қовурма – янчилмани қовуриш қозонларида қайта ишлангани.
2. Эркин мой – заррача устидаги юпқа мой қавати
3. Боғланган мой – хўжайра ичидаги ёғ
4. АА-68 – 6 қосқонли қовуриш қозони

5. Қовуриш – янчилмани бүг ва намлик ва температура ёрдамида қайта ишлаш.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Янчилмани қовуришдан мақсад.
2. Мойли маҳсулот таркибида мойнинг жойланиши
3. Қовуриш жараёнида маҳсулот ҳолатида юз берадиган ўзгаришлар
4. Қовуришга иссиқлик таъсири
5. Қовуришга буғнинг таъсири
6. Янчилмани қовуриш жараёнида юз берадиган биокимёвий ўзгаришлар
7. Мезгага қўйиладиган талаблар.

12.13.- МАЪРУЗА.

ПРЕССЛАШ УСУЛИ БИЛАН МОЙ ОЛИШ.

Тайёрланган қовурма пресслаш машинасига беришдан олдин қуидаги технологик параметрларга эга бўлиш лозим:

1.Маҳсулотнинг 1-давр қовуришдан сўнг температураси $80-85^{\circ}\text{C}$, намлиги барча мойли уруғлик учун пахта мағзидан ташқари, 9-11 % пахта мағиз учун 1-3 сорт уруғ навлари учун 11.5-13.5 %, 4 нави уруғ учун 13.5-15.5 % бўлиши керак. Буғлаш ва намлаш процесси имконият борича тез 15-20 сек.га тенг. Қозонли қовургичлардан кейин эса яъни қовуришнинг 2-давридан сўнг, қовурманинг температураси $100-105^{\circ}\text{C}$ дан ошик бўлмаслиги лозим. Паст навли уруғлар учун эса бу кўрсатган даражадан $5-10^{\circ}\text{C}$ пастроқ бўлиши керак.

Намлиги эса агарда маҳсулот форпресслаш учун тайёрланган бўлса, 5.5 улар атрофидан, экстракциясиз тўлиқ, пресслаш учун эса ишлатилаётган пресслаш машинасининг турига қараб, 3-4 % ёки 2.5-3 % бўлиши керак. Бу ҳолатда тайёрланган қовурманинг температураси форпресслашга тайёрлангандан кўра юқорироқ бўлиб, $110-120^{\circ}\text{C}$ ташкил қиласди. Шу билан

биргаликда маҳсулотнинг таркибидаги қобиқ миқдори чекланган бўлиб, кунгабоқар шунга уруғлар учун қобиқнинг қовурмадаги миқдорида 8-10% дан ортаслиги, пахта чигити мағиздаги шелуха эса 1-3 навлар учун 15 % дан, 4 нав учун 17 % дан ортиб кетмаслиги лозим. 2-давр яъни қовурилишнинг 2-давр муддати ўртача хисобга 50-60 мин. атрофида бўлади.

Тайёр бўлган қовурма маҳсулот қайси усул билан сиқиб олишдан қатъий назар, маҳсулотга механиқ равишда керакли бўлган босим таъсир қилиш йўли билан мой ажратиб олинади. Маълумки пресслаш машинасининг асосий қисмлари пресслаш вали ва зеер камераларидан иборат бўлиб, бу шкала қисм орасидаги бўшлиқ маҳсулотнинг кириб келишидан токи кунжара формасига айланиб чиқиб кетгунича хар бир секторга камайиб боради, натижада валнинг қабул бўлимидан зеер камераси 1-секторига ўзатилган маҳсулот ҳажми торайиш хисобига сиқила бошлайди. Бу пайтдан қовурма заррачаларининг бир-бирига яқинлашуви уларнинг бир-бирига яқинлашиб йириклишувига олиб келади. Аввало сиртқи юзалар ва сирт юзадаги ғовакликлари сиқилиб, бу жойда жойлашган мой томчилари сиқиб чиқарила бошлайди. Бу ходиса асосан, зеер камерасининг 1-сектори охирларига тўғри келади. Маҳсулот 2-сектор (секция)га ўтганда заррачаларнинг яқинлашиб, жипслашуви давом этади. Энди маҳсулотнинг ички бўшлиқлари ҳамдан мой ушлаб турган ҳажмлар ҳосил булаётган босим остида сиқилиб, маҳсулотдаги мой ички қаватлардан маҳсулот таркибидаги бўшлиқлар ва ғовакликлар орқали сиртга харакат қиласи. 2-секциянинг охиригача маҳсулотдаги мойнинг кўп қисми сиқиб чиқарилади. Маҳсулот зеер камерасининг 3-секциясига ўтганда заррачаларнинг жипслашувчи давом этади ва у шундай даражага етадики, энди тўқилувчан қовурмадан бириккан қаттиқ ҳолатдаги кунжара ҳосил бўла бошлайди. Ёғниг сиқиб чиқарилишиэса, анча сусайиб, унинг миқдори машинанинг ҳосил қилган босимига ва заррачаларнинг бир-бири билан қанчалик яқин бўлиб, зичлашишига боғлиқ бўлиқ қолади. Демак, 3-секцияда сиқиб олинаётган мой асосан заррачалар орасида қисилиб қолган оз миқдордаги мой қаватларидан ташкил топади ва 3-секциянинг охирига

бориб, маҳсулотдан ёғ сиқиб олиш деярлик тўхтайди, лекин хар карча босим ҳосил қилинмасин ҳосил бўлаётган кунжаранинг ўзига хос ғоваклиги ва мойни қайтадан адсорциялаш хусусияти йўқолмайди. Шу туфайли яна оз миқдорда бўлса ҳам, ҳосил бўлаётган кунжара сиртидаги адсорбцияланиб қолаётган мойнинг бир қисмини сиқиб олиш учун маҳсулот 4-секциянинг ичидан ўтади. Бу ерда энг юқори босим таъсирига учрайди. Ҳосил бўлган кунжара камеранинг охирида ўзлуксиз цилиндрик формада чиқа бошлайди ва зеер камерасининг охирига ўрнатилган пичоқлар ёрдамида катта бўлакларга синдирилиб, пресслаш машинасидаги шнекларга ўзатилади. Зеер камерасида босим ошиб боришига, ҳажмнинг қисқаришидан ташқари валга ўрнатилган цилиндрик ҳамда конусли халкалар камерани ташкил қилувчи колосникили панжаралар, ярим зеер камералар ўртасига ўрнатилаган фигурали пичоқлар ва нихоят кунжара чиқаётган жойга ўрнатилган конусли ёки диафрагмали мослама ёрдам беради. Мой эса юқорида аниқлангандек зеер камерасини ташкил қилувчи колосникили панжаралар орасидаги тирқичлардан сизиб чиқади ва босимнинг 1-секциядан охирги секцияга ошишига қараб тирқичларнинг масофалари камайтирилиб борилади. Маслан, пахта чигити қайта ишланаётганда МП-68 форпрессидп тирқиши масофалари қўйидагича:

- 1-секция учун 1.0 мм
- 2-секция учун 0.75 мм
- 3-секция учун 0.45 (0.50) мм
- 4-секция учун 0.45 мм

Сиқиб олинган мой таркибидан 2-10 % атрофида кунжаранинг майда қисмлари бўлиб, уни мой таркибидаги фўза ёки қолдиқ қаттиқ моддалар деб атаемиз. Шу туфайли олинган мойни оқлашдан олдин албатта фўзадан тозалаш лозим. Юқори навли кунгабоқар ва шунга ўхшаш ўсимлик уруғларидан олинган форпресс мойи тўғридан-тўғри фильтрлашдан сўнг истеъмол қилинади. Пахта чигитидан олинган қора форпресс мойи истеъмол қилинишидан олдин оқлаш лозим.

Олинаётган кунжара таркибидан агар форпресслаш усули билан ишланилса 12-14 %, агарда түлиқ пресслаш усули билан ишланилса 7-8% мой қолади.

Кунжара таркибидаги бу қолдик мой кунжаранинг мойлилигини белгилайди. Ушбу қодик мойнинг асосий қисми янчиш пайтида бўзилмаган ультра микроскопик капиллярлар ва глобулярлар ичидаги мойлардан ташкил бўлиб, бошқа бир оз қисми қовуриш ва пресслаш жараёнида ҳосил бўлган иккиламчи структура ичидаги камалиб қолган майдан иборатdir. Иккиламчи структура эса маҳсулот қовурилаётган ва прессланыётган пайтда маҳсулот ғовакликлар ичидаги қайтадан ёпиқ бир хажмда қамалибқолган мой миқдорига айтилади. Булардан ташқари озгина миқдорда кунжаранинг ғоваклиги ва абсорцияон хусусияти туфайли эркин ёғ ҳам қолади.

«Таянч» сўз ва иборалар.

1. Пресслаш – сиқиб ёғ олиш
2. Тозаланмаган мой – прессдан чиққан мой
3. Кунжара – ёғи сиқиб олинган қовурма
4. Зеер камера – пресс машинаси қисми
5. Қолдиқ мой – кунжарадаги мой миқдори

Такрорлаш учун саволлар.

1. Пресслаб ёғ олиш усуллари

2. Пресслаш келаётган маҳсулотга қўйиладиган талаблар
3. Зеер камерасида босим ҳосил бўлиши сабаблари
4. Пресс иш унумини қўрсатувчи факторлар
5. Прессдан чиқкан мойнинг қўрсаткичлари
6. Қовурмадаги шелуханинг пресслашдаги роли.

14 МАЪРУЗА.

ЎСИМЛИК МОЙЛАРИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ ЭКСТРАКЦИЯ УСЛУБИ.

Ўсимлик мойларининг эритувчилари.

Маълумки, Ўсимлик мойлари органиқ моддалардан ташкил топган бўлиб, кўпчилик органиқ эритувчиларда яхши эрийди, саноатда ишлатиладиган эритувчилар қўйидаги асосий талабларга жавоб беришлари лозим:

1. Фақат мойни эритибгина қолиб, у билан аралашиб юрадиган эритмаслиги керак.
2. Кимёвий жихатдан соф бўлиб, юқори бўлмаган қайнаш температурасига паст иссиқлик ҳажмига ва катта бўлмаган парга айланиш иссиқлигига эга бўлиши керак.
3. Сақланаётган пайтда кимёвий жихатдан маъдил бўлиб, экстракция жараёнида ўзининг хусусиятлари ва таркибини ўзгартирмаслиги керак.

4. Эритувчи сув билан аралашмаслиги ва у билан азеотроп бирикма ҳосил қилмаслиги керак.
5. Мисцелла ва шротдан имконияти борича паст темературадан тўлиқ хайдалиши ва олинган маҳсулотга ўзининг таъми ва хидини бермаслиги керак.
6. Экстракция жараёнида ишлатилаётган машинага ҳамда олинаётган маҳсулотга акс таъсир қилмай, яъни металл юзларини коррозияга учратмай ва маҳсулотни парчаламай, нейтралл хоссага эга бўлиши керак.
7. Киши организмига ва экстракцион мухитда ишлаётган ходимларга ва суюқ на буғ бошқа маҳсулотлар билан аралашма ҳолатда захарли модда сифатда таъсир этмаслиги лозим.
8. Ёнгин ва портлашга нисбатан хавфсиз бўлиши даркор.
9. Табиатда кўп тарқалган ва арzon бўлмоғи керак.

Хозирги даврда ушбу талабларга жавоб берувчи биронта ҳам эритувчи топилмайди. Шунга қарамасдан саноат миқёсидан нефтнинг енгил фракциялардан бўлган осон учувчи бензин фракцияси экстракция, саноатда кенг ишлатилади. Экстракцион бензинлар асосан 2та талабга тўлиқ жавоб бермайдилар. 1) Ёнгин ва портлаш нуқтаи назаридан ўта хавфли. 2) оз бўлсада экстракцион бензиннинг парлари энерф паралитик захар хисобланади. Агарда қўйилаётган талабларнинг барчасига жавоб берувчи эритувчи топилагнда, у идеал эритувчи хисобланади. Ўсимлик мойларининг органиқ эритувчиларда эрувчанлиги уларнинг баъзи бир хусусиятлари яқинлигидан намоён бўлади. Аввало бу хусусият ўхшашлиги эритувчиларнинг ва ўсимлик мойларнинг электрик ўтказувчанлиги ёки уларнинг поляр ёки нополярлигидан аксланади. Бу хусусиятни диэлектрик доимиийлик коэффициенти билан белгилаб, солиштириш қўйлай, яъни барча ўсимлик мойларининг оддий шароитларидағи диэлектрик коэффициенти 3.0-3.2 атрофида бўлади. Фақатгина канакунжут уруғидан олинадиган мойнинг таркибида рициноган кислотаси бўлганлиги учун, бу мойнинг диэлектрик доимиийлиги 4.6-4.7 га teng органиқ эритувчиларга келсак кўпчилик алифатик

углеводородлар ўзларининг диэлектрик доимийлиги бўлган ўсимлик мойларига ёндош беради ва бу қиймат 3-16 гача ўзгариши мумкин.

Бошқароқ қилиб айтганда эритувчи ва ўсимлик мойларининг электр ўтказувчанлиги нихоятда паст бўлиб, улар орасида ўзаро молекуляр тортиш кучлари Вандер-Вальс назарияси асосида нихоятда бир-бирига яқинлигидан деб хисобланади. Шунинг учун ўзун углеводород радикали эритмаларда, яъни алифатик тўйинган улар водородлар гомолог қаторида яхши эрийди. Деярли барча углеводородлар тўйинган ҳолатда нополяр эритувчи туркумига киради.


Поляр эритувчиларга келсак, масалан, спиртлар, кетонлар ва бошқалар диэлектрик доимийлиги юқори бўлганлиги учун ўсимлик мойларини ёмон эритади ёки юқори температурагина лозим бўлган эритувчанликка эга бўлиши мумкин. Масалан, кетонлар, туркумига кирувчи ацетон (диэлектрик доимийлиги 21га тенг). Фақат, қуруқ ҳолатда ўсимлик мойларини эритади, лекин озгина намланиши билан эритувчанлик қобилияти сусайиб кетади, чунки сувнинг диэлектрик доимийлиги юқори бўлиб, 81 га тенг хлорли углеводородларни оладиган бўлсак улар ҳам поляр эритмаларга хос бўлиб, мойларни ёмон эритиш лозим эди, лекин эритувчида галоген элементи борлиги сабабли диэлектрик доимийлиги катта бўлишидан қатъий назар ўсимлик мойларини яхши эритади. Бундан келиб чиқадики, бир-бирига яқинлаштирилган. Триглицерид ва эритувчи молекулалари ўзаро молекулалар тортилиш кучлари нисбатан тенглашиш керак ва шу холдагина турли қовушқоқликка эга бўлган суюқлик бир-биридан чексиз равища аралашиши ёки эриши мумкин.

Ўсимлик мойларини эритувчиларда эриши.

Ўсимлик ёғлари қисман «кутблилик» ка эга. Шунинг учун «қутбсиз» эритувчиларда яхши эрийди (буларга: бензин, гексан, дихлорэтан ва бошқалар).

Этил ва изопропил метил спиртларида ўсимлик ёғлари қисман эрийди, қиздирганда эриши ошади, яхшиланади.

Күтбиз эритувчиларда мой хар қанча миқдорда аралаша олади.



$T = 20^{\circ}\text{C}$ да

ёғни эритув-
чилаарда эриши

Барча
мильдорда

Чегараланган

$t = 20^{\circ}\text{C}$ да

сувни эри-
тувчиды
эриши

Чегараланган
эриш

Барча мильдорда

Костор ёғини эриши бошқа ёғлардан фарқ қиласи. Хона хароратида бу ёғ бензин ва гександа ёмон эрийди, агар қиздирилса эриш тезлашади. Хона

хароратида костор ёғи тоза этанолда ва метанолда яхши эрийди, бу ёғ таркибидаги рицинол кислотасини спиртдаги OH^- гурухи билан боғ ҳосил қилиши билан тушунилади.

Ўсимлик мойлари эритмалари табиати.

Мойларни органиқ эритувчилардаги эритмаси табиати қанақа, молекуляр ёки коллоид эритмами? Шуни хисобга олиш керакки экстракция жараёнида факат ёғлар триглицеридлар эмас, балки уларга хос бўлган ёғ таркибига кирувчи аралашмалар ҳам бўлади. Триглицери молекуласи ўлчами катта, лекин коллоид заррачаларнидан кичик, бу коллоид эритма бўлиши сабаб бўлмайди.

Коллоид эритма хисоблашга далили шуки, ёғ эритмаларини анализ қилганда шу нарса маълум бўладики ёғни қовушқоқлигини тўзилиши коллоид ҳолатни қўрсаткичидир.

Ўсимлик мойларини молекуляр диффўзия коэффициенти.

$T = 20^{\circ}\text{C}$ экстракциялаш бензинида 0.59 10 дан 0.72 10 гача, бу қўрсаткич коллоид эритмалар коэффициенти учун кичикдир. Шундай қилиб ёғ эритмаси молекуляр эритмага яқиндир. Экстракциялаш пайтида ёғни таркибига кирувчи моддалар мисцеллага ўтганда, ёғни хоссасига таъсир этади. Бу моддалар ёғда, худди коллоид заррачалар каби бўлиши мумкин. Шундай қилиб эритувчи ва ёғ эритмаси ёғнинг таркибига кирувчи моддалар, коллоид заррачалар учун дисперс муҳит хисобланади. Фосфотидларни коллоид ҳолатда бўлиши, мисцеллани сув билан қайта ишланганда (гидратация) фосфатид эмульсияси ажралиши билан исботланади.

Мисцеллани “хайдаш” вақтида ўзгармас (стабилиз) кўпик(пена) ҳосил бўлиши, унинг таркибида ПАВ “ЮАМ” борлигидан далолат беради.

Саноатда ишлатиладиган эритувчилар ва уларни.....

Эритувчилар полярлиги, қовушқоқлиги ва қайнаш хароратига қараб синфларга бўлинади.

1.Полярлиги жихатдан қуидагича:

Паст полярли ($\epsilon < 9 \div 12$), ўрта полярли ($\epsilon = 12 \div 50$) ва юқори полярли ($\epsilon > 50$).

2.Қовушқоқлиги жихатдан:

Паст қовушқоқлик ($h < 2 \cdot 10^{-3}$ Па·с)

Ўртача қовушқоқлик ($h = (2 \div 10) \cdot 10^{-3}$ Па·с)

Юқори қовушқоқлик ($h = (10 \cdot 10^{-3}$ Па·с)

3.Қайнаш хароратига кўра:

Паст хароратда қайнавчи ($< 100^{\circ}\text{C}$)

Ўртача – “--- ($100\text{-}150^{\circ}\text{C}$)

Юқори – “-- ($> 150^{\circ}\text{C}$)

Саноат эритувчилари қовушқоқлиги, қайнаш харорати ва полярлиги паст бўлиши керак.

МДХ СНГ да энг кўп тарқалган эритувчи бу (алифатик бирикма “углеводород”) экстракцион бензиндир.

Энг яхши ва кўп тарқалган эритувчи бутан ва пропанни аралашмасидир, оддий шароитда суюқ холда (босим остида суюқланади) бўлади. Ёғ ва кунжара таркибидан осон хайдаладиган, буғланадиган эритувчидир.

Ароматик углеводородлардан бензол ХХР да кўп қўлланилади.

Экстракцион бензинни кенг қўлланилишига сабаб шуки, уни эритиш хусусияти яхши ва арzonлигидир.

Саноатда қўлланиладиган бензиллар характерлиги.

КЎРСАТКИЧЛАР	ГОСТ 462-51	МРТУ 124-64	ТУ 38101303-72	
			Марки А	Марки Б
T=20°C даги зичлиги	725	715	685	715

кг/м				
Буғланиши, бошланиши, °С	70	70	63	70
Хайдаш харорати, 98 %	95	95	75	85
Ароматик углеводородлар миқдори, %	4.0	3.0	0.5	3.0
Олтингүргүт миқдори, %	0.025	0.01	0.001	0.01
Портлаш чегараси (хона харорати ва 01 Мпа босимда)				
Пастки % ҳажмга нисбатан мг/л	1.1 40.0	--	1.33 47.0	1.1 40.7
Юқориги % ҳажмга нисбатан мг/л	5.3	--	8.5 300.6	6.3 233.1

А маркали бензин қўйидаги таркибга эга, %:

Н-гексан – 54.4

Н-пентан – 0.23

Бутан – 0.13

Изопентан- 0.19

3-метилпентан – 20.02

2,3-диметилбутан – 11.59

2-метилпентан – 11.59

метилцикlopентан – 9.0

бензол – 0.5

Бензинни камчиликлари: Ҳаво билан аралашиб портловчи аралашма ҳосил қилиши ва тез алангланишидир. Бензинни ҳаводаги миқдорий сони 47-300 мг/л гача бўлса портлашга хавфли хисобланади. Бензин буғлари ҳавога нисбатан 2.7 марта оғир, шунинг учун пастки қисмга тушиб, чуқурлик ва шунга ўхшаш жойларга унинг бўглари тўпланиб қолади.

Асабга қаттиқ таъсир этади. Енгил фракциясига қарғанда оғир фракцияси күчлироқ таъсир этади.

Бензинде бензол ва толуол борлиги уни захарлигини оширади. Бензин буғларини ҳаводаги мөлдөр 0.3 мг/л дан ошмаслиги керак.


Дихлорэтан (иккіхлорэтан) C₁-H₂C-CH₂-C₁, хиди хлороформни эслатади. Ўта захарли, буғларини ҳаводаги мөлдөри 0.05 мг/л дан ошмаслиги керак. Уни гидролизга учраши ва HCl ажралиши, ускуналарни күчли занглатади. Ёнфинга хавфлиги пастроқ. 1950 йилларгача СССРда эритувчи сифатда фойдаланилган.

Түртхлоруглерод CC₁₄ қийин аллангаланадиган ҳаво билан, хар қандай аралашмаси, портламайди.

Ёғ ва ёғ моддаларни яхши эритади. Харорат ва босимни оширишга чидамсиз. Сув иштирокида CO₂ ва HCl га парчаланади. Буғлари наркотик хусусиятга эга. АҚШ да ишлатилади.

Бензол C₆H₆ эритиши хусусияти бензиндан юқори.

Бензол күчли захарли хисобланади, асабга ҳам таъсир қиласы, бензол бошқа эритувчиларга нисбатан инсон организмини тезда заралаш қобилиятига эга. «СНГ» МДХ да бензол саноат эритувчиси хисобида қўлланилмайди.



Ацетон ускуналарни занглатмайди, яхши эритувчи хисобланади. Ацетонни яхши хусусияти унинг сувда яхши эришидир. Экстракциядан кейин хохлаганча ишкор ва сув кўшиш билан уни ажратиб олиш осон. АҚШда кенг қўлланилади.

Этил спирти: C₂H₅OH ёки H₃C-CH₂-OH

Эритиш хусусияти 30°C хароратгача катта эмас, харорат $100-120^{\circ}\text{C}$ гача бўлса жуда яхши эритади, совутганда $16-24^{\circ}\text{C}$ да ёғдан ажраб қолади.

Шундай қилиб этил спирти билан олинган ёғни ундан иссиқлик сарфланмасдан ажратиб олиш қулай осондир.

Мойли маҳсулотдан мойни экстракция қилиб олиш.

Маълумки, хар қандай пресслаш усули билан мой олинганда қолдиқ маҳсулот кунжарада анчагина микдорда ($7-16\%$) мой қолади. Шу туфайли кунжарадан ёки тўғридан-тўғри ҳам мойи ажратиб олинмаган маҳсулотдан мойни органиқ эритувчилар ёрдамида эритиб олиш экономик жихатдан зарур хисобланади, чунки пресслаш йўли билан олинаётган ўсимлик мойлари микдори халқ истеъмоли талабларига етарлийча эмас. Албатта экстракция билан олинган ўсимлик мойининг сифати пресслаш усули билан олинганга нисбатан пастроқдир, чунки экстракцион мой таркибида липидлардан ташқари организм учун фойдасиз бўлган турли органиқ моддалар эриб ўтган бўлади. Имконият борича экстракция усули билан олинган ўсимлик мойлари техникада ишлатилиши лозим. Маълумки экстракция учун ишлатилаётган хомашё 2 турда бўлиб:

- 1.пресслашдан қолган қолдиқ кунжара
- 2.ҳам механиқ йўл билан мой сиқиб олинмаган мойли уруғликнинг ўзидир.

Хомашё қайси турда бўлишидан қатъий назар, экстракцияга тайёрланиши лозим. Бу тайёрланиш асосан, маҳсулотнинг ички структурасини имконият борича тўлиқ бўзиб, маҳсулот таркибидаги мойни эркин ҳолатга ўтказищдан иборатdir.

Шунинг учун форпресс кунжараси совутилгач ($50-60^{\circ}\text{Сача}$) албатта маҳсус янчиш машиналарда майдаланиш паст температура ва оз намлаш билан қовурилиши ва ҳосил бўлган маҳсулотни таргимон маҳсулот ҳосил қилиш учун маҳсус озувчи, яъни плюшел вальцовкалардан ўтказилиш лозим.

Пахта чигитининг кунжараси эса бир мунча оддийроқ йўли билан экстракцияга тайёрланади, яъни совутилган кунжара майдаланиб, аниқ бир

размерга эга бўлган ҳолатда экстракцияга берилади. Агарда маҳсулот форпрессланмасдан майдалангандан сўнг янчилма ҳолатида қовурилиб, плюшел вальцовкада таргимон маҳсулот ҳосил қилингандан сўнг экстракцияга берилса, бу усулни тўғри экстракция усули деб атамиз. Қандай усул билан тайёрлашдан қатъий назар маҳсулот таркибидаги мой максимал даражада эркин ҳолатда бўлиши лозим.

«Таянч» сўз ва иборалар.

1. Эритувчи- мойни эритиш хусусиятига эга бўлган суюуқлик.
2. Мисцелла – эритувчида эриган ёғ.
3. Хайдаш – Мисцелла таркибидаги эритувчини буғлатиш.
4. Экстракцион бензин – Экстракция жараёнида ишлатиладиган бензин.
5. Шрот- Ёғсизлантирилган кунжара.

Такрорлаш учун саволлар.

1. Мойларни эритувчи, органиқ эритувчиларга қўйиладиган талаблар.
2. Ўсимлик мойларининг органиқ эритувчиларда эриш сабаби.
3. Ўсимлик мойлари эритмалари табиасти
4. Ўсимлик мойларини моликуляр дифўзияси.
5. Саноатда қўлланиладиган бензинлар тафсифи.
6. Мойни маҳсулотдан экстракциялаб ажратиб олиш.

15,16-МАЪРУЗА.

ЭКСТРАКЦИЯ ПРОЦЕССИНинг НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.

Экстракция – бу диффузион процесс бўлиб, 2 турдан иборат.

1. Молекуляр диффузия – модданинг молекуляр даражада ўзаро алмашинишига айтилади. Маълумки, молекулаларнинг кинетик энергияси улар бўлаётган иссиқлик таъсирида боғлиқдир, яъни модданинг температураси қанча юқори бўлса модда молекулаларининг кинетик энергияси шунча юқори бўлади.

Ўтган маъруза маълумотларидан шу нарса маълумки, икки турдаги суюқлик бир-биридан яхши аралашиш ёки эришнинг асосий сабаби улар орасидаги молекуляр тортишиш кучларининг яқинлигидир. Шу туфайли икки турдаги суюқлик эритувчи ва мой молекулалари бир-бирига ажратувчи фаза деярли йўқолади ва молекулалар бир-бирларини ўринларини алмашашди, яъни молекуляр молекуляр диффузия содир бўлади. Бу турдаги диффузия ФИК нинг 1-қонунига бўйсениб қуидаги тенглама билан ифодаланади:

$$Dm = -DdF * d\tau (dc/dx)$$

Бу ерда : M- молекуляр диффузия остида алмашанаётган модда миқдори

F – молекуляр диффузия содир бўлаётган юза.

τ - молекуляр диффузия жараёнининг муддати

dc/dx - концентрация градиенти бўлиб, бу қиймат бирлик масофа оралиГида модда концентрациясининг ўзгаришини кўрсатади.

C – диффузия учраётган модда концентрацияси.

X – диффузия оралиғи

D – пропорционаллик коэффициенти бўлиб, молекуляр диффўзия коэффициенти деб олинади

(-) – диффўзия давомида маҳсулотнинг концентрацияси камайиб боришини кўрсатади

Агарда бир бирлик юзадан бир бирлик вақт ичида диффўзияга учраётган модда микдори бир бирлик микдорига тенг бўлса ва диффўзия содир бўлаётган “X” оралиқда модданинг концентрацияси бир бирликка камайса, молекулярдиффўзия “D” бирга тенг. D=1 ва бундай хол идеал жихатдан жуда катта тезликда молекуляр диффўзия ўтишини кўрсатади, аслида эса молекуляр диффўзия коэффициенти “D” бирдан D>1 анчагина кичик ва унинг қиймати барча тенглама ташкил этувчиларнинг қийматлари юқоридагидек бўлганда фақатгина жараённинг олиб борилаётган температурасига боғлиқ бўлади. Жараённинг гидродинамик шароити (эритувчи микдори, тезлиги, босими) молекуляр диффўзия коэффициенти практик жихатдан хеч қандай таъсир кўрсатмайди. Фақатгина бу коэффициент молекуляр диффўзия температурасининг қийматидан ташқари диффўзия учраётган молекулалар размерларига ҳам тескари пропорционал равишда боғлиқ бўлади, яъни диффўзияланаётган молекулаларнинг ўлчам бирликлари қанча катта бўлса, диффўзия коэффициенти шунча мос кичик бўлади. Маълумки, диффўзияга учраётган триглицеридларнинг молекуляр размерлари эритувчи молекулалари размерлари нисбатан бир неча катта ва бу хол “D” коэффициентининг қиймати D<1 анчагина камайишига сабаб бўлади.

2. Конвектив диффўзия бу турдаги диффўзия модданинг аниқ бир ҳажмларида алмашинишга айтилади ва конвектив диффўзия ФИКнинг иккинчи қонунига бўйсиниб қўйидаги тенглама билан ифодалинади.

$$Ds = -\beta dF * d\tau * dc$$

Бу ерда: S – диффўзияга ўчраётган модданинг ҳажми


β - конвектив диффўзия коэффициенти

(-) – мол ҳажми.

Конвекти диффўзия коэффициенти молекуляр диффўзия коэффициентига фарқли муносабатта бўлиб процесснинг температурасига тўғридан-тўғри боғлиқдир. Умумлаштириб айтганимизда молекуляр диффўзия асосан, молекулаларнинг кинетик энергиясига боғлик бўлса конвектив диффўзия эса мухитнинг оқими тезлигига унинг миқдорига ва босимига боғлик булар экан.

Экстракция процессининг алохидар заррачадан намоён бўлиши.

Бу нарсани қуйидаги схемани ифодалаш мумкин.



А) экстракцияга учраган заррача энг аввало у билан тўқнаш келган тоза эритувчи таъсирида намланади ва эритувчи заррачанинг ички бўшлиқлари томон харакатланади.

Б) эритувчи ўз йўлида заррача устидаги ҳамда ички қаватлардаги мойни эритиб, ўз йўлидаги бошлиқлардан ҳаво пуфакчаларни сиқиб чиқаради.

В) эритувчи хар томонлама заррачанинг энг олис ичкари ҳажмигача етиб бориб, мой молекулалари билан алмашинади ва бу молекуляр диффўзия таъсири остида бирон бир қийматга эга бўлган “С” концентрацияли мисцеллани ҳосил қиласди. Будеган гап, ҳосил бўлган мисцелла концентрацияси заррачани ювиб турган эритувчининг концентрацияси “Со”дан катта бўлади $C > Co$ бу хол, яъни концентрацияларнинг фарқи диффўзия процессининг юргазувчи куч хисобланиб, юқори концентрацияли

мисцеллани заррача ичини сиртига томон йўналтиради. Демак, заррача ўзунлигига teng бўлган L масофада (1 зона) асосан молекуляр диффўзия содир бўлади.

Г) заррача сиртига етиб келган мисцелла заррача атрофида оқиб турган эритувчи ёки паст концентрациялик мисцелла билан араласиб кетиши лозим эди, яъни конвектив диффўзия содир лозим эди, аслида заррача сиртида шундай бир кичик баъзан мономолекуляр ҳолатга teng масофа бор эканки, бу оралиқда молекуляр диффўзия давом этар экан. Бу оралиқнинг чегара зона деб атайди ва бу оралиқга 2 зона мос келиб оралиқ қиймати «δ» .

Д) нихоят чегара зонадан чиқиб олган мисцелла аниқ бир ҳажмлар билан атроф мухитдаги эритувчи ёки паст концентрацияли мисцелла билан араласиб кетади, яъни конвектив диффўзия содир бўлади. Бу жараёнга схемадаги 3 зона мос келади. Схемадан куриниб турибидики заррачанинг юваётган эритувчи оқими қанчалик кўп ва тез бўлмасин, заррача ичидаги молекуляр диффўзияга таъсир этаолмайди, яъни умуман экстракция процессининг интенсивлигини белгиловчи диффўзия бу молекуляр диффўзиядир. Экстракция процессининг юрутувчи кучи бу концентрациясидир.

Экстракциянинг саноат усувлари.

Экстракция асосан 2 метод билан олиб борилади.

1. Тиндириш усули

2. Аста-секин мойсизлантириш усули.

1. Тиндириш усули хозирги пайтда саноатда ишлатилмайди ва асосан лаборатория ва илмий текшириш институтларида ишлатилади. Бу усулнинг маъноси шуки, экстракцияланиш лозим бўлган мойли маҳсулот 3 ёки ундан ортиқ экстракцион идишларига жойлаштириб, бу идишларда галма-галга турли концентрациядаги мисцелла билан ва охирги этапда тоза эритувчи билан қолдиқ мойни эритиб олинади.

Саноатда бу усулни қулланилганда бир неча экстракцион идишларда процесс олиб борилғанлиги учун бу усулни батареяли экстракторларда экстракциялаш усули деб аталади. Усул күп қул мекнати талаб этади ва бу экстракция қилингандын маҳсулотни батареялардан тушуриш пайтда цех күп миқдорда эритувчи учиб чиқади.

Аста секин ёғсизлантириш усули бўйича:

Тоза эритувчи тўхтовсиз “max” ёғсизланган хомашёға куйилиб туради, концентрацияси юқори бўлган мисцелла эса янги ёғли хомашёни шимиб бирмунча ёғини эритиб ўтади. Бу усул билан юқори концентрацияли мисцеллани кам вақт ичидаги олишга эришилади.

Экстракторларни синфларга бўлиниши.

З турли экстракторлар фарқланади.

1) Чўқтириш усули билан ишлайдиган экстракторлар турлари НД (1000, 1250, 1250М).

Яхши томонлари (афзалиги): тўзилишини соддалиги, кам ҳажмли, ҳажмдан фойдаланиш коэффициенти юқорилиги (95-98%). Эритувчи билан ҳаво аралашмасидан портловчи газ ҳосил қилиш

Камчиликлари: мисцеллани концентрацияси пастлиги (15-20%).
Хомашё тўзилишини бўзилиши, мисцеллани хираданиши, унинг тозаланиши қийинлашиши, экстракторни баландлигидир.

2) Кўп марта пуркаш усули билан ишловчи экстракторлар.

А) лентали экстракторлар, МЭЗ, Де-Смет, Лурги.

Б) Чўмичли ва саватли экстракторлар “Френча” (США), Джакацца, Окрим, Андерсон ва бошқалар.

В) камерли-ротацион (айланувчи) экстрактор, “Френча”, “Спейшим” (Фракция), Блаунокс (США), Мерца (фирмы Роўздаунс, Англия), Ротоселл, Экстехник.

Афзалиги: Мисцеллани концентрацияси юқорилиги (25-35%), мисцеллани тозалиги, сифати яхшилиги, яъни ўзини-ўзи тозалashi, экстракторни ихчамлиги, бўйини пастлиги.

Камчиликлари: Ҳамждан фойдаланиш коэффициенти кичиклиги (45%), портловчи моддалар, яъни эритувчини ҳаво билан аралашмаси ҳосил бўлиш мумкинлиги, эритувчи ва мисцеллани айланиш тўзулишни қийинлиги, мураккаблиги, ускунани харакатга келтирувчи қисмини мураккаб тўзилганлиги.

3) Араш усул билан ишлайдиган экстракторлар.

Экстрактор ускунаси “Фильтрекс” Сторк фирмаси (Голландия).

Экстракция жараёнининг тўлиқлигига ва тезлигига таъсир қилувчи факторлар.


Ички структурасининг бўзилиш даражасининг таъсири.

Экстракция қилинган маҳсулот ички структурасининг қанчалик тўлиқ ўзгаришига ёки бўзилганлиги олинаётган мойнинг миқдорига ва жараённинг тўлиқлигига катта маъсир этади, чунки ички структураси бўзилган маҳсулот заррачалари сиртида юпқа эркин мой қавати бўлиб, бу мой эритиб экстракция қилиб олиш нихоятда осондир, лекин ички структурасини бўзиш мақсадида маҳсулотни нихоятда майдлаб юбормаслик керак, чунки ички структура тўлиқ бўзилган бўлсаю, маҳсулот унсимон ҳолатга келтирилган бўлса, бундай хомашёнинг экстракция бензин билан хўлланиши қийин ва маҳсулот орасида ўтаёғна бензин қаршилиги энг кам бўлган маҳсулот қисмида ўтиб кетиб зичроқ бўлган қисмда бўлмаслиги мумкин. Натижада чиқаётган шротнинг мойлилиги турлича бўлиб қолади. Шундай экан экстракция қилинган маҳсулотнинг ички структураси билан унинг ташқи ўлчамлари ўртада ўзаро мувофиқлик бўлиши керак. Бундай мувофиқлик маҳсулот линиявий ўлчамлар билан қуидагича белгиланади.

1.Хомашё сифатида форпеслаш қунжараси билан унинг чизиқли ўлчамлари 5-7 мм, имконият бўлса, 3-4 мм бўлиши керак. Агар грамм ҳолатда бўлса, граммларнинг диаметри 8-10 мм ўзунлиги 10-12 мм атрофида бўлиши керак, бу холда ҳам маҳсулот таркибига унсимон фракция 10 % дан олиб кетмаслиги керак.

2.Хомашё экстракция учун баргсимон маҳсулот ҳолатида берилган бўлса, бу маҳсулот кунжарада олинганда қалинлиги 0.5-0.6 мм атрофида, тўғридан-тўғри экстракция учун мағиздан олинган ҳолатда 0.25-0.3 мм бўлиши зарур.

3.Экстракцияни боришини график усулида қуйидагича тушунтириш



4. 1-ажратиб олинган эркин ва 2-боғланган холдаги мой. Ёғни асосий микдори 10 мин. давомида чиқариб олинади. Шундай қилиб, ёғни тез ва батомом чиқариб олиш учун ёғни эркин холга ўткашиз зарур, бунинг учун хўжайравий тўзилиши бўзилади. Лекин жудаям майдаланиб кетса, яъни 0.5 мм бўлса, кунжаранинг ёғлилиги ошиб кетади. Материалда бутун бўзилмаган хўжайралар бўлмаслиги керак, чунки улар ёғни диффўзияланишига таъсир этади.

Заррачаларни ички тўзилиши эритувчини тезда шимилиб киришини таъминлаш керак.

5.Экстракция жараёнига маҳсулот намлигининг таъсири.

Экстракция қилинган маҳсулотнинг намлиги қанча юқори бўлса, жараёнининг тезлиги ва юқорлиги шунча суст бўлади, чунки экстракция қилинган липидлар ҳамда экстракция бензиннинг қутбланиш даражаси юқори бўлиб, маҳсулотнинг эритувчи томонида қулланиши қийинлашади, натижада экстракция жараёнининг 1-босқичи жуда секин ва қийинчилик билан ўтади, бундан ташқари хомашёнинг намлиги юқори бўлса, маҳсулотнинг гель қосми шишиб унинг ғоваклиги камаяди. Демак, маҳсулотда эритувчининг ўтиши қийинлашади. Намлик юқори бўлади,

заррача ичидағи диффўзион жараён қийинлашади. Намлиги юқори бўлган маҳсулотнинг жипслashiши кучли бўлади. Мана шу сабабларга кўра, экстракция қилинган хомашёнинг намлиги оптимал қийматга эга бўлиши лозим. Масалан, кунгабоқар уруғида олинган кунжара учун намлик 7-9% атрофида бўлиши керак, пахта чигитида олинган кунжара эса 1-3 навлар учун 6-7% 4-навлар учун 4.5-5.5 % бўлиши яхши.

6.Хароратни экстракция жараёнига таъсири.

Маълумки, харорат ошгансайи молекулаларининг кинетик энергияси ҳам ортиб боради, демак экстракция жараёнининг тезлиги ҳам ортади. Шундай бўлишига қарамай экстракция жараёнининг харорати чексиз ошириш мумкин эмас. Юқори хароратда экстракцион бензин қайнаб кетиб катта миқдорда буғ ҳосил бўлади. Бундай фазада экстракция жараёни нихоятда секин кетади. Шунинг учун экстракция жараёнининг харорати қуидаги оптимал қийматларга эга бўлиши керак.

А) А маркали бензин ишлатувчи эритувчи ва маҳсулотнинг температураси 50-55 °C атрофида бўлади.

Б) Б маркали ва ҳамма бошқа эритувчи ишлатилганда эритма ва маҳсулотнинг харорати 55-60 °C бўлади.

7. Концентрацияларнинг фарқи ва берилган эритувчи миқдорининг экстракция жараёнига таъсири .

Экстракция жараёнида маҳсулот ва эритувчининг бир-бирига нисбатан йўналиши бўлиши лозим



Баъзи бир холларда маҳсулот ва эритувчининг йўналиши нисбий бўлади.



< = > йўналиши мавжуд бўлган шароитда заррача ташқарисида концентрацияларнинг фарқи энг юқори бўлади. Бу фарқ канчалик катта бўлса, экстракция жараёнининг тезлиги айнан молекуляр диффўзиянинг тезлиги шунча юқори бўлади. Демак, экстракция жараёнининг юргазувчи кучи бу заррачага ичкарисида ва ташқарисидаги концентрацияларнинг фарқидир.

Экстракция жараёнининг тезлиги ва тўлиқлигига берган эритувчи микдори ҳам таъсир қиласи. Эритувчи қанча кўп бўлса, экстракциянинг тезлиги шунча катта ва тўлиқ бўлади, лекин эритувчининг микдори кўп бўлса, олинаётган шуларнинг концентрацияси паст ҳажми эса кўп бўлади, бу эса дистилляция жараёнида кўп микдор иссиқлик сарфини талаб қиласи, шунинг учун экстракция қилинаётган маҳсулот ва эритувчи микдори ўртасида аниқ бир нисбат сақланади. Бу нисбатни гиромодуль деб атаемиз.

эритувчи – микдори

Гидромодуль = $\frac{\text{экстракция} \cdot \text{килинган} \cdot \text{маҳсулот}}{\text{микдори}}$

Экстракторларнинг турларига қараб, қуйидаги гидромодуллар қабул қилинган. Чўқтириш усули билан ишловчи экстракторлар учун

$$\Gamma = 0.6 \div 1$$

Кўп маротаба пуркаш усули билан ишлатиладиган экстракторлар учун

$$\Gamma = 0.3 \div 0.6$$

Кўп маротаба пуркаш усулида олинган мисцелланинг концентрацияси юқори, чунки бир-бирлик маҳсулотга тўғри келаётган эритувчининг микдори 0.3-0.6 қисмини ташкил қиласи. Ҳосил бўлган микдорнинг тиниқлиги яхши, чунки МЭЗ экстракторида бир қисм эритувчи 8 марта маҳсулот ичидаги ўтади. Экстехник типидаги экстракторларда эса экстракция босқичига қараб 18 марта гача ўтказилади. Натижада бундай мисцеллани фильтрлаш зарурияти қолмайди.

Маҳсулотни экстракция жараёнига тайёрлаш.

Саноатда кенг қуллашда форпресслаш экстракциялаш усули қўлланилгани учун пресслашда олинган кунжара экстракция жараёнига тайёрланиши лозим.

Демак, маҳсулот жараёнидаги бир қисм мой қаит қилиш босқичларда кичик ҳажмларда қамалиб қолади. Ушбу ходисани иккинчи структура ҳосил бўлиши деб аталади. Бундан ташқари мағиз ва уруғлик енгиланаётган пайтда мой йигилган X-раннинг барчаси бўзилмаган бўлиши мумкин. Шундай экан пресслаш кунжараси экстракция жараёнида олдин қайтадан майдаланиши бўзилмаган хўжайраларнинг бўзилиши ва пайдо бўлган иккиласми структуранинг янчилиши лозим эди.

Умуман олинганда маҳсулот экстракция жараёнида тайёрлаш ундаги мой заррачалари эркин ҳолатга келтиришда иборатдир. Маҳсулот янчишда олдин уни намлиги ва харорати бўйича конденсациялаш ҳам бажарилади. Маҳсулот янчиш учун турли эски майдалаш машиналари. Жумладан бир ёки икки жуфт валикли майдалаш машиналари болғали ёки барабанли майдалашлар машиналари ва баъзи бир ўринларда ВС-5, янчишлар машинаси ҳам қўлланилиши мумкин. Маҳсулот нолил ва температураси бўйича конденсаторда бу мақсадда 3,4,5,6 қосқонли қовуриш қозонларда ҳам фойдаланиш мумкин. Фақат бу қозонларда маҳсулотнинг бир қозонда 2-қозонга ўтиш жараёни бир қозонда қозоннинг сиртки девори ёнида бўлади. Бу маҳсулотнинг яхши аралашиш ва ўзокроқ муддат қозонда қолиш учун қўл келади. Бу қозонларнинг аралаштиргич рычаглари қовуриш жараёнига нисбатан секинроқ айлантирилиши лозим. Қосқонли қозонлар ишлатилган пайтда маҳсулот совитиш учунсув фақат қосқонлар тагидаги бўшлиқقا берилади. Агарда маҳсулотнинг намлиги кам бўлса, 1-қосқонга кириб, келиш олдида маҳсулотга сув қушилади ва намлиги юқори бўлса, конденсонернинг техник пар бериш хисобига маҳсулотнинг намлиги камайди. Конденсаторда ва чиқадиган маҳсулотнинг намлиги температураси қўйидагича бўлиши керак.

Кунгабоқар уруғи учун намлиги 8-9% температураси 50⁰С. Пахта чигити учун 2-3 нави учун намлиги 6-7% температураси 60⁰С, 4-нави учун 7-8 %, температураси 50⁰ С, ушбу паралитрда чиқсан кунжарасида ташқари баргсимон маҳсулот ҳосил қилувчи машиналарга берилиб “лепесток” олинади.

Пресслаш кунжарасида олинган лепестокнинг қалинлиги 0.5-0.6 мм бўлиши керак. Тўғридан-тўғри экстракциялаш учун масалан соя уруғидан олинган лепесток қалинлиги 0.25-0.3 мм атрофида бўлиши лозим.

Маҳсулотни экстракция жараёнига тайёрлаш технологик схемаси.

Ускуналарнинг номлари.

1,3,5,7,9 – шнеклар

2,8 – нориялар

4 – майдаловчи машина

6 – эловчи машина

10 – беш қосқонли конденсатор

11 – баргсимон маҳсулот ҳосил қилувчи машина

12 – “ғоз” бўйли редлер

13 – ортиқча маҳсулот бункери

—→ кунжара

—→ майдаланган кунжара

—→ конденсатор

—→ баргсимон маҳсулот

Хомашёни экстракцияга тайёрлаш.

Хомашёни тайёрлашдан мақсад шуки, ундаги ёғни эритувчилар ёрдамида эритиб олишдир. Ёғни кунжарани майдалаш (болғали ёки дискли майдалагич), шамоллатиш (қозонларда), эзиз майдалаш (плюшилли вальцовка) дан иборат. Кўпроқ кунгабоқар кунжарасини қайта ишлашда охирги жараён, яъни жуда эзиз майдалаш ишлатилади.

Ловияни экстракцияга тайёрлаш.

Хозирги даврда тўғридан-тўғри экстракциялаш фақат ловия (рапс), уруғи учун оилб борилмоқда. Ловия оқсил ва фосфатидга бой бўлган маҳсулотдир (оқсил 36-50 %, фосфатид 1.5-4.0%). Ловия оқсилидаги аминокислота тури ва миқдори қимматбахо озуқа хисобланади. Ловиядаги оқсилни сувда эрувчи қисми 80-90 %. Шунга асосан ловия кунжарасидан ун тайёрлашиб, озиқ-овқат маҳсулотларига кўшимча сифатида ишлатилади.

Озиқ-овқат кунжараси тайёрлаш учун катта-катта ўлчовдаги (5-6 мм) уруғлар ишлатилади.

Озиқ-овқат кунжараси ишлаб чиқиш учун ловияни тайёрлаш.

“Таянч” сўз ва иборалар.

1. Экстракция
2. Моликуляр диффўзия
3. Конвектив диффўзия
4. Экстракция тезлиги

Такрорлаш учун саоллар.

1. Диффўзия жараёнигининг турлари.
2. Экстракция жараёнигин алоҳида заррачада намоён бўлиши.
3. Экстракциянинг саноатда ишлатиладиган турлари.
4. Экстракторларни синфларга бўлиш.
5. Экстракция жараёнига намликни таъсири.
6. Хароратни экстракция жараёнига таъсири.
7. Экстракция мойига қўйиладиган талаблар.
8. Шротга қўйиладиган талаблар.


17.18. МАЪРУЗАЛАР

МИСЦЕЛЛАНИ ҚАЙТА ИШЛАШ. МИСЦЕЛЛАНИ ТОЗАЛАШ.

Маълумки, экстракция пайтида экстрактордан чиқаётган мисцелла таркибида 0.4-2 % атрофида шротнинг қолдиқ қуйқалари бўлади. Шунинг учун мисцеллани дистилляция қилишдан аввал унинг таркибидаги қуйқа мисцелла иситгич ҳамда дистиллятор аппаратларининг трубкалари ичida иссиқлик таъсирида қотиб қолиб, бу аппаратлардаги иссиқлик алмасиши процессини сусайтириб қуяди, бир мунча вақт утгандан сўнг трубка тешиклари бутунлай қуйқа билан тулиб қолиб, умуман дистилляция процесси тўхтайди, албатта иситгич ёки дистиллятор трубкаларини чиқариб олиб, механиқ равишда тозалаш мумкин, лекин бу иш дистилляция системасининг ўзок муддатга тўхталишга ва катта механиқ меҳнат сарфлашга мажбур этади. Шу туфайли экстрактордан олинган мисцелла турли усуллар билан қуйқадан тозаланади. Энг оддий усуллардан бир 1) Тиндириш усули . Бу усул заррачаларнинг ўз вазни таъсири остида мисцелла сақланаётган идиш тубига чўқтирилишидан иборатdir, яъни бу усулда заррачаларнинг гравитацион кучларини фойдаланилади. Усул нихоятда ўзок муддатда якунланганлиги учун саноатда баъзи бир холлардагина ишлатилади. Бошқа бир усул эса, лойқа мисцеллани 2) марказдан қочма куч таъсири асосида ажратиш усулиdir. Бу холда мисцеллани тозалаш учун бирон бир суюқлик системасида ишловчи сепаратор ишлатилиб, ҳосил қилинаётган марказдан қочма куч хисобига, қуйқа мисцелла суюқлигидан ажратилади. Бу усулнинг бажарилиш муддати нихоятда қисқа, лекин ўта десперс заррачалар мисцелладан ажратилиши қийин бўлганлиги учун тозаланган мисцелла яна бир оз шрот қолдиқлари қолади. З-биринчи усулга келсак, бу 3) фильтрлаш усули бўлиб, лойқа мисцелла фильтровчи юза оралиғидан ўтказиш йўли билан бажарилади. Бу усул нисбатан кўп қўл меҳнати талаб қилсада, жуда кенг тарқалган ва фильтрланган мисцелла деярли барча шрот заррачаларидан

тозалаш имконини беради. Фильтрлаш учун турли матолар ишлатилиб, улар ипдан, синтетик толалардан ёки фильтровчи қоғозлардан иборат бўлиши мумкин. Қайси

турдаги материаллар ишлатилмасин улар фильтровчи юза хисобланмай факат фильтровчи юза ҳосил қилувчи тўсиқлар деб хисобланади.



Ушбу схемалардан кўриниб турибидики, 1-усулда мисцелла тинч ҳолатда, дисперс заррачалар эса ҳам дисперс муҳит, мисцелла ҳам дисперс заррачалар бир вақт ўзида харакатда бўлади. 3-Усулда эса дисперс заррачалар тинч ҳолатда дисперс муҳит эса харакатда бўлади. Тозаланган ва дистилляция учун яроқли бўлган мисцелла тиниқ ва таркибидаги қуйқа миқдори 0.2 % дан ошиб кетмаслиги лозим.

Мисцеллани дискли фильтрларда тозалаш схемаси.

Яқин пайтларгача мисцеллани тозалаш рамали ёки патронли фильтрларда олиб бориларди. Бу фильтрларни тез-тез тозалаш лозим бўлғанлиги учун экстракцион цехга ускуна очилган пайтда кўп миқдорда бензин буғлари учиб чиқиб ёнфинга нисбатан анчагина ҳофли вазият пайдо бўларди. Хозирги пайтда деярли барча экстракцион цехларда мисцеллани барабанли ёки дискли фильтрлар ёрдамида тозалаш жорий этилган. Бу йўл билан фильтрлаш қуидаги схема асосида олиб борилади.

- 1- фильтрланмаган мисцелла идиши
- 2- мисцелла насоси
- 3- дискли фильтр
- 4- мисцелла тарқатгич
- 5- фильтрловчи дисклар
- 6- ичи бўш вал
- 7- мисцелла коллектори
- 8- фильтрланган мисцелла идиши

9- редуктор электромотор билан

10- пуркагиҷ

фильтрланмаган мисцелла

фильтрланган мисцелла

қуйқа шлам

$$Рменд = 0.2 \text{ Мпа ёки } 2\text{kg/cm}^2$$

Дискли фильтрларнинг ишлаш муддати фильтрланаётган мисцелла таркибидаги қуйқанинг микдорига қараб 3-4 ойга тенг. Фильтрация жараёнида дисклар секин айланма харакатда бўлади, айланиш тезлиги 18 айланма харакат/минут, дисклар ювилаётган пайтда 70 айл.харакат/минут, фильтрлаш юзаси 16.8 m^2 тенг.

Фильтрлаш жараёни тўлиқ механизациялаштирилган. Фильтрлаб олинган тоза мисцелла қиздиргичларда $60-70^\circ\text{C}$ гача иситиш керак. Иситилиш асосан дистиллятор ёки тостердан чиқаётган бензин буғрининг иссиқлиги хисобига амалга оширилади. Бензин буғларини ишлатиш, технологик сув буғини ишлатишни бир мунча тежайди.

Мисцелланинг дистилляцияси.

Маълумки, мисцелла ўз таркибида концентрациясига қараб бир мунча микдор мой ва қолган қисми бензиндан иборатdir. Шу мисцелла таркибидан бензинни учирив юбориб бензинсиз мой олиш жараёнини дистилляция деб атаемиз. Мисцелладан бензин имконият борича тўлиқ ҳайдалиши лозим ва жараён имкон борича қисқа муддатда олиб борилиши мақсадга мувофиқ, олинаётган мойнинг чақнаш темпратурасини аниқлаш билан аниқланади ва у рафинация қилинмаган экстракцион мой учун 225°C дан кам бўлмаслиги лозим, акс холда мой стандарт талабига жавоб бермайди қайтадан мисцелла билан аралаштирилиб яна дистилляция қилинади. Дистилляция жараёни асосан, қиздириш ва бензин буғларини учирив йўли билан олиб борилгани учун қисман буғлатиш иссиқлик хисобига бензин малекулалари исиб кинетик

энергияси ортиб боради ва бу энергия шундай даражага етадики, малекуланинг катта тезлиги билан суюқлик ичидан буғ ҳолатида отилиб чиқишига мажбур қилади. Албатта бу ҳолатда малекулаларнинг ўзаро тортишиш кучидан устун бўлиши ва суюқлик таъсиридан озод бўлиб, буғ ҳолатига ўтиши лозим. Шу билан бир вақтда бу кинетик энергия суюқлик сатҳига таъсир қилаётган парциал босим қийматидан ҳам юқорироқ бўлиши керак, яъни дистилляция жараёнини ушбу тариқада буғланиш ва қайнаш ҳолатига тенглаштиришимиз лозим.


Дистилляция жараёни саноатда очиқ ва ёпиқ буғлар ёрдамида олиб борилади. Ёпиқ бугнинг асосий роли ўз иссиқлигини тўсик орқали мисцеллага ўзатиш ва уни қиздиришдан иборат. Қиздирилаётган мисцелла темпратураси унинг қайнаш нуқтасига teng келганда бир вақтнинг ўзида ҳам буғланиш ҳам қайнаш юзага келади. Бундан мисцелланинг темпратураси қанча юқори бўлса, дистилляция жараёнинг муддати шунча қисқариши маълумдир, лекин нихоятда юқори харорат ва ўзоқ муддатли дистеляция олинаётган мойнинг сифатини, ранги, кислоталилиги, таркибида оксидланган моддаларнинг кўпайишига олиб келади. Шунинг учун дистилляция жараёнида очиқ буғ ишлатилиб, у қуйидаги ижобий таъсирларни келтириб чиқаради.

1. Мойнинг ўта қизиб кетишига йўл қўймайди.
2. Мой қатламига берилган очиқ буғ уни интенсив аралаштиради ва ўзи билан қолдиқ эритувчи қисмини олиб кетади.
3. Деярлик мойга яқин бўлиб, қолган юқори концентрацияли мисцела устидаги бензин буғларининг паорциал босимини камайтиради ва шу тартибда энг охирги бензиннинг қолдиқларини мисцелла учидан учиб чиқишига йўл очиб беради.

Булардан ташқари дистилляция жараёнини айниқса юқори концентрацияли мисцелла бўлганда вакуум шароитида олиб бориш керак, чунки суюқликлар оддий шароитга нисбатан вакуумда паст температурада

қайнайди. Шунинг учун дистилляция жараёнининг охирги этапи албатта вакуум шароитида олиб борилиши лозим.

Дистилляция жараёнининг назарияси. Дистилляция жараёнини ўрганишдан олдин бу жараёнга таълуқли бўлган баъзи бир назарий маълумотларни ўрганиш керак. Жумладан мисцелланинг қайнаш температураси унинг концентрациясига боғлиқ. Концентрация ошиши билан мисцелланинг қайнаш температураси ошиб боради, лекин бу мувозанат пропорционал равища ўзгармай, бир мунча бошқачароқ бўлади. Мсалан, идеал эритмалардаги суюқлик устидаги модданинг порциал босими унинг концентрациясига қараб, пропорционал ўзгариб боради, лекин мисцеллада бу қоида бир оз ўзгача, яъни нопропорционал равища ўзгаради. Бу нарса қуидаги диограммада ифодаланган.



эритмаларга хосдир, лекин мисцелладаги бу боғлиқлик, айниқса концентрацияси юқори бўлганда бир мунча қонунга бўйсунмай четга чиқади. (2)-эгри чизиқ. Бу хол мойнинг органик эритувчилардаги эритмаси нормал эритма бермай, балки қандайдир коллоид эритмага яқин бўлган аралашма берар экан.

Юқоридагилардан шуни хulosа қилиш мумкинки, мисцелла таркибида эриган юқори молекулали триглицириидлар ва мой билан эргашиб юрувчи

молекулали стеринлар, тамиnlар, фосфатидлар ва бошқалар бўлиши хисобига мойнинг бензиндаги эритмаси нормал эритма бўлмай, бир муна коллоид эритмалар характеристига эга бўлган эритма ҳосил бўлар экан. Албатта, мисцелла коллоид эритмаларга ўхшаб коагуляция, пептизация ва бошқа хусусият намоён қилмайди, лекин шу билан бир вақтнинг ўзида нормал эритувчиларнинг хоссаларига ҳам тўлиқ мос келмайди. Бу айниқса, мисцелланинг қовушқоқлигини ўлчаётган пайтда яққолроқ намоён бўлади, яъни температура ошиши билан мисцелланинг қовушқоқлиги пропорционал камайиш ўрнига нопропорционал равища камаяди. Бу эса ўз йўлида мисцелланинг таркибидаги моддаларни температура таъсирига турлича берилишида намоён бўлади. Умуман айтганда, мисцелла мураккаб эритма бўлиб, унинг физик хусусиятлари дистилляция жараёнида ўрганилади. Бу демак диограммада кўрганимиздек мисцелланинг концентрацияси паст бўлганда (60-65% гача) Роул қонунига бўйсунсада концентрация юқорилашгандан сўнг бу қонунга бўйсунмаслиги мисцелладаги эритувчи ва эриган моддалар молекулалари ўртасидаги ўзаро тортишув кучига боғлиқ деб хисобланади. Шунинг учун дистилляция жараёнини шартли равища икки этапга бўлинади:

Биринчи этапда маҳсулот концентрацияси паст бўлганлиги сабабли, миқдор жихатдан эритувчи молекулалари триглицерид молекулаларидан анчагина кўп бўлади ва бу қисм эритувчи молекулалари оддий йўл билан иситиш ёки қайнатиш билан учирилиши мумкин, концентрацияси юқорилашгач молекулаларнинг сони эритувчи молекулалари сонидан ортиб кетади. Маълумки хар қандай молекулалар ўртасида ўзаро тортув кучлари бўлганлиги сабабли бу кучлар эритувчи ҳамда триглецирид молекулалар ўртасида ҳам мавжуд. Концентрацияси юқорилашса бу тортишув кучини енгиш қийинлашади. Энди фақатгина иситиш, қайнатиш, эритувчи молекулаларнинг буғланишга кучи етмай, қандайдир бошқа восита ишлатилиши лозим бўлади, яъни дистилляциянинг иккинчи этапи бошланиб, бу этапда ишлатилаётган ёпиқ буг билан бир қаторда очиқ буг ва вакуум

ишлатилиши лозим. Ўзаро тортишиш кучларидан ташқари мисцелланинг мураккаблигидан нисбатан тўри бўлган эмульсион ҳолат ва бу ҳолат таъсиридан мисцелла юзасида кўпикланиш бошқа бир ходисалар юз бериши мумкин, бу ҳаммаси дистилляция жараёнининг иккинчи этапини ўтишини яна мураккаблаштиради.

Юқорида иeoх қилинган фикрлар туфайли саноат миқёсида дистилляция жараёни бир неча методларда олиб борилади.

Мисцеллани дистилляция қилиш.

Эритувчини мисцелла таркибидан дистилляция қилиш билан ажратиб олинади. Бунда жуда паст хароратда, тез вақт ичида эритувчини ҳаммаси ажратиб олиниши керак. Эритувчини батамом олинганинги чақнаш темпратураси орқали текшириб турилади.

Дистилляциялаш усуллари:


Тўйинган буғ ёрдамида буғлантириш.

Атмасфера босимида ёки вакуум ёрдамида ўткир буғ билан буғлантириш.

Ўткир буғ бериш билан мисцеллани қайнаш хароратини пастлатишга эришиш мумкин, бу эса хайдаш жараёнини тезлаштиради, аралаштиришни таъминлайди, ундан ташқари ёғ доғланади, айрим ёт моддалардан, хид берувчи моддалардан, аралашмалардан тозаланади.

Вакуум ҳам мисцеллани қайнаш хароратини пасайриради.


Хар хил босимда хароратни мисцелла концентрациясига боғлиқлиги.



Буғларни суюълик устидаги босими:
Дальтон љонуни

$$P = P_B + P_V + P_m$$

Рm-жуда кичик катталик бълиб,
уни хисобга олмаса қам бълади.
Учун



Бу боғлиқлик шуни күрсатадыки, концентрацияси 80 % бўлганда мисцеллани қайнаш харорати тезда ўсиб бормоқда, бу дистилляцияни ҳам хароратни кўтариб юборади. Шунинг учун дистилляция 2 та даврда олиб борилади. Биринчисида буғлатилади (атм. босимда) 2-даврда очик буғ бериб қайнатиб буғлатилади.

Қайнаш хароратини концентрацияга боғлиқлигини бошқа хар хил учуллардан фойдаланиб асослаш мумкин.

Сочиш усули билан, қобиқ ва юпқа қаватда дистилляциялаш:

1. Сочиш усули билан дистилляциялаш: Бунда фазалар газ ва суюқликга ажралиш юзаси каттадлашади. Жараённи яхши бориши таъминланади.
2. Юпқа қобиқда дистилляция: Оқиб тушадиган ва кўтарадиган қобиққа бўлинади. Қобиқ қалинлиги мисцеллани физик хоссасига қараб аниқланади.
3. Қалин қаватда дистилляциялаш: Бу усул концентрацияси юқори бўлган мисцелла усун қўлланилади. (80-85%). Қачонки қайнаш харорати юқори бўлса. Жароённи яхши бориши учун вакуум ҳосил қиласи ва ўткир буғ берилади.

Ёғни алангаланиш харорати $ta > 225^{\circ}\text{C}$ бўлиши керак. Шундай ҳолатда ёғни таркибида 0,01% гача бензин бўлиши мумкин.


Бу уччала усулни бир биридан фарқи шуки, фазалар ажралувчи юзани катталиги хар хилдир. Катталик буғланиш ойнаси (б.о.) дейилади.

Қалин қаватда дистилляция юпқа қобиқда дистилляция б.о. қанча катта бўлса, дистилляция тезлиги ҳам шунча катта бўлади.

Дистилляциянинг саноат методлари.

Қайта ишланаётган мисцелланинг концентрациясига қараб, саноат миқёсида қуидаги дистилляция методлари қўлланилади.

1. Пленкадаги дистилляция. Бу метод ўз йўлида икки турга бўлиниб, растга харакатланаётганда плёнкадаги дистилляция ва юқорида харакатланаётган плёнкадаги дистилляцияга бўлинади.



Пастга харакатланаётган плёнкадаги дистилляция қуидагича содир бўлади, мисцелла насоси ёрдамида трубкаларга йўналтирилган мисцелла трубка тахминан учдан бир қисмни тўлдиради ва бу тўлдириш давомида 200°C гача қиздирилган трубкага тегаётган мисцелла албатта қизий бошлайди ва натижада мисцелла ичидаги эритувчининг буғ ҳолатидаги пулфакчалар қаршилик кам томонга йўналиб, асосан трубканинг иккинчи учидан катта тезлик балан отилиб чиқади. Катта тезлик билан


харакатланаётган эритувчи буғлари ўзи билан мисцелланинг бир қисмини эргаштиради ва бу қисм мисцелла эса буғ билан пастга қараб харакатланаётгани учун юпқа парда ҳолатида трубканинг иккинчи учидан отилиб чиқади. Алабатта йўл йўлакай плёнкадан ҳам бензин буғлари учиб чиқиб, унинг ҳажми кенгайиб боради. Плёнка қалинлиги эса юпқалашади.

2-турдаги, яъни юқори харакатланаётган плёнкадаги дистилляция ҳам айнан 1-турдагига ўхшаш бўлиб, факат фарки қуидагидан иборат. Маълумки, юқорига харакатланаётган мисцеллани юпқа қавати ўз оғирлиги таъсири остида пастга йўналган бўлади ва шу туфайли ҳосил бўлаётган мисцелла плёнкасининг турлича масофаларида халқасимон қават ҳосил қиласди, трубкадан отилиб чиқаётган ва концентрация юқорилашган мисцелла энди фақатгина бир текисдаги цлиндрсимон плёнка формасида эмас, вақти-вақти билан халқа формасига эга бўлган мисцелла сифатида ҳам отилиб чиқади, яъни трубканинг юқори қисмидан чиқаётган мисцелла худди пульссация формасидаги суюқлик оқими формуласида чиқади.

Пульверизациялаш методи билан дистилляция қилиш.

Маълумки, дистилляция процесси қайси метод билан олиб борилишидан қатъий назар иссиқлик таъсирида олиб борилади. Юқори ўрганилган юпқа қаватдаги дистилляция методи асосан концентрация паст бўлган мисцелла учун ишлатилиб, мисцелланинг концентрациясини у усулда максимал равишда 85% гача олиб бориш мумкин, лекин концентрация 85 % дан ошгандан кейин молекулаларнинг ўзаро тортишиш кучи юқорилашиб кетганлиги сабабли у метод қўл келмайди. Шунинг учун дистилляциянинг 2-босқичи бошланишда мисцеллани қиздирилган мухитда пуркаб бериш йўли билан дистилляция қилинади. Мисцелланинг пуркашдан мақсад қиздирилиб турилган мухитга кириб келаётган мисцеллани заррачаларининг сатхини имконият борича оширишдан иборатdir. Бу ҳолатда бир қисим мисцелладан ҳосил қилинган 1000 лаб майда заррачаларнинг сатхи нихоятда катта бўлади


ва маълумки иссиқлик билан контакт юзаси қанча катта бўлса эритувчининг буғланиши ҳам шунча интенсив бўлади.



Қалин қават мисцелладаги дистилляция. Дистилляция жараёнининг охирги босқичи шу метод билан олиб борилиб у қуидагича бажарилади. 1 ва 2 методлар билан дистилляция қилинган мисцелланинг концентрацияси жуда юқори бўлиб, амалий жихатдан 95-97% дан ортиб кетади. Демак, мисцелланинг таркибида қолаётган эритувчининг миқдори бор йўғи 3-5% атрофига бўлади. Қолдиқ эритувчининг миқдори кам бўлишига қарамай унинг деярлик мойга айланиб қолган мисцелла таркибидан қиздириб учириш нихоятда қийинлашади, чунки аввал айтганимиздек эритувчи ва мой молекулалари ўртасидаги тортишиш кучи нихоятда юқори ва шу билан бир қаторда юқори концентрацияли мисцелланинг қовишқоқлиги ҳам юқори бўлади. Шу сабабли қолдиқ миқдор эритувчини бошқа бир метод, яъни дезодарация усули билан учириш керак. Бу метод учун энди очик тахминан буғ қўл келади, яъни дистилляторнинг тубига йиғилиб қолган 300-400 мм қалинликдаги ўта юқори концентрацияли мисцелла орасидан очик буғини маҳсус барбатёр ёрдамида ўтказиш керак. Бу холда ишлатилаётган буғ асосан 3 та вазифани бажаради.

1. Мисцеллани интенсив равища қоришириш.
2. Йўл йўлакай мисцелла қаватида пастдан юқорига йўналаётган очик буғ эритувчининг қолдиқ заррачалари ёки молекулаларнинг ўзи билан илаштириб, юқорига олиб чиқиб кетади.
3. Мисцеллани сатхи тепасидаги эритувчи буғнинг порциал босимини камайтириб, қолдиқ эритувчини учиб чиқишига ёрдам қиласди.

Мана шу тартибда олиб борилаётган дистилляцияни мисцелла қаватидаги дистилляция ёки дезодорацион дистилляция деб атаемиз. Ўрганилган 3 та дистилляция методлари сийраклаштирилган ҳавони мухитда ёки вакуум шароитида олиб борилса, дистилляция жараёнининг интенсивлиги ошади. Маълумки, босим нормал даражадан камайганда хар қандай суюқликнинг қайнаш харорати пасайиб, унинг қайнаш, буғланиши кучаяди. Шу туфайли мисцелланинг концентрацияси паст бўлганда унинг қайнаш харорати ҳам паст шунга кўра плёнкадаги дистилляция методида деярлик вакуумсиз оддий шароитда ёки бир озгина ҳавосиз сийраклаштирилган мухит жараёнини олиб боришда мақсадга мувофиқдир. Мисцелланинг концентрацияси ошиши билан дистилляция мухитининг босимини ҳам камайтириб бориш технология нуқтаи назаридан тўғри деб хисобланади.



180-200°C

«Таянч» сўз ва иборалар

1. Мисцелла
2. Марказдан қочама куч
3. Фильтр
4. Дистилляция
5. Концентрация

Такрорлаш учун саволлар:

1. Мисцелланинг таркиби.
2. Мисцеллани тозалаш усуллари
3. Мисцеллани тозалаш зарурлиги
4. Мисцеллани дисилляциялаш усуллари
5. Дистилляция жараёнида кўзатиладиган параметрлар.
6. Қайнаш хароратини концентрацияга боғлиқлиги.
7. Дистилляциянинг саноат усуллари.
8. Дистилляцияланган мойга қўйиладиган талаблар

19,20-МАЪРУЗАЛАР

ШРОТНИ ҚАЙТА ИШЛАШ.

Шрот таркибидаги эритувчини йўқотиш.

Экстрактордан чиқаётган шрот таркибида 25-40% гача эритувчи бўлади. 1-вазифа шуки шрот таркибидан эритувчини хайдаш. Шрот таркибидаги эритувчи боғланган холда бўлади. Бу эса боғланишнинг физик кимёвий механиқ тури, ҳолати хисобланади. Шрот асосий белгилардан бири унинг таркибидан Қоладиган ёғ билан боғланган эритувчи микдоридир. Ёғ тўйинган мисцелла сифатида қолиб, ундан эритувчини ажратиш жуда қийиндир. Асосий усуллардан бири эритувчини хайдаш. Шу жараённи олиб бориш шароитлари шрот озиқа сифатини белгилайди. Жараённи унимдорлигини ошириш учун вакуум остида аралаштириш йўли билан ўткир буғ бериб олиб борилади. Ўткир буғ бериш хом ашёни тез қиздириб, хайдашни тезлаштиради.

Хайдаш усуллари.

1. Қатламда хайдаш.
2. Қисмиан муаллақ ҳолатда хайдаш.
3. Муаллоқ ҳолатда хайдаш.

1-усул қасқонли буглатгич тостерда қўлланилади. Бунда хом ашё очик ҳамда ёпиқ буғ билан қиздирилади. Бу усулни афзаллик томони шуки, хар

бир босқичда жараённи ўзгартириб нам иссиқлик билан хом ашёға ишлов бериш мумкин.

Тострда жуда унумли, энг күп микдорда эритувчини хайдаш мумкин. Шрот таркибида қоладиган эритувчи микдори 0,05% гача бўлади. Шрот сифати ошади.

2. Усул шнекли буғлатгичларда қўлланилади. Буғ худди тестердаги каби берилади. Жараённи тезлаштириш учун 2-босқичли вакуум остида олиб борилади.

3. Усул «Экстехник» Қурилмаси учун фойдаланилган. Бунда шрот, буғ оқимида ўтиб хайдаш жараёни тезлашади.

Қасқонли буғлатгичлар (тостерлар).

Ёғ комбинатларида хар хил турдаги тостерлар қўлланилади: Волохов корхонасини 9 қасқонли тўзилишга эга бўлган «СЕКТ» фирмаси 10 қасқонли, «Оқрим» фирмаси 11 қасқонли ва «Экстехник» фирмасини 7 қасқонли тостерларидир. 10 қасқонли тостер –10 қасқондан иборат бўлган цилиндр симон ускунадир. Хар иккита қасқон бир-бирига махкамланган, бриккан бўлиб, умумий буғ бериб қиздирувчи маҳсус қаватга эга. Буғни босими 1 Мпа, харорати эса 180-200 °С. Қасқонлар яна қўшимча қиздириш учун тубида мослама мавжуд бўлиб, умумий юзаси $F=74$ м. Бутун қасқонлар бўйлаб «полый» ўқ ўтган бўлиб унга аралаштиргич махкамланган, унинг айланиш тезлиги минутига 28 маротаба. Шу полый ўқ орқали ўткир буғ юборишади. Кунжарани бир қасқондан иккинчисига ўтиши автоматик мослама орқали оширилади. Буғни хар бир қасқондан бошқасига ўтиши мўлжалланган.

Экстрактордан кунжара «шлюзли затвор» орқали юқори қасқонга ўзатилади. Кунжарани умумий тостерда бўлиш вақти 55-65 мин, қалинлиги 400 мм. Тостердан кунжара $W = 8.5-10\%$ намлиқда, таркибида 0.05 % эритувчи мавжуд холда, харорати $100-105^0$ С холда чиқади. Иш унуми 190 т/суткасига. Экстехник йигмасида етти қасқонли тостер кулланилади. Юқориги 4 та қасқонли хайдаш, кейинги 2 та қасқонда куритиш ва охирги қасқонда совутиш жараёни амалга ошади.

Шнекли буғлатгич.

Ускунани юқоридаги қисмида эритувчини хайдаш кучсиз буғ ёрдамида амалга оширилади, пастки қисмида эса, кучсиз ва ўткир буғни биргилкда қўллаш йўли билан амалга оширилади.

Умумий юзаси $F = 53$ м.

Ўқ минутига 38 маротаба айланади. Шу ўқка шротни аралаштириш учун мослама маҳкамланган.

Кунжара таркиби 0.2 % эритувчи ва харорати 95-100 °C бўлган холда чиқади. Иш унуми суткасига 72 тоннагача.

Муаллоқ ҳолатдаги шрот таркибидан бензинни хайдаш усули.

Бу усулда таркибидаги эритувчини учирish учун тостернинг ўзидан учеб чиқаётган ва қиздирилган эритувчи буғларидан фойдаланилади, яъни экстрактордан чиққан, бензинли шрот тостер юқорисида жойлашган полкали мосламанинг токчаларидан сирғалиб тушаётган шротга пастдан қарама-қарши йўналишда учеб чиқаётган бензин буғлари йўналтирилади. Бу шароитда ишлатилаётган маҳсулот деярли муаллоқ ҳолатда бўлганлиги учун унингорасидан пастдан чиқаётган бензин буғлари bemalol ўтади ва ўз иссиқлиги хисобига шротдаги бензиннинг асосий қисмини иситиб ўзи билан олиб кетади. Бу билан шротдаги бензинни учирish учун сарф бўладиган технологик буғ тежаб қолинади ва маҳсулот асосан бензин буғлари ичida бўлганлиги учун деярлик денатурацияга учрамайди, лекин бу усулнинг асосий камчиликларидан бири маҳсулот таркибидан бензинни тўлиқ учирib бўлмаслигидадир ва шрот таркибидаги бензиннинг 80-85 % хайдалади. Қолган қисм бензин эса тостернинг ўзида очиқ ва ёпиқ буғ ёрдамида хайдалиши лозим. Умуман олганда бу усул билан олинаётган шротнинг сифати тўлиқ стандарт талабларига жавоб беради ва сувда эрувчи оқсиллар миқдори билан эса талаб даражасидан ҳам ошиб кетади. Бу усул асосан АҚШ да ишлатиласпти. Хозирча МДХ да жорий қилинган эмас.

Учала усулни умумлаштириб қўрганда барчасида технологик очиқ ва ёпиқ буғ ишлатилади. Маълумки, аппаратларни буғ кўйлакларига берадиган

сув буғи ҳам аппаратни ҳам маҳсулотни иситиш учун хизмат қилиб ва иссиқлик таъсирида шрот такрибидаги бензин қизиб буғланади, лекин фақатгина ёпиқ буғ ёрдамида маҳсулотдан эритувчини тўлиқ хайдаш мумкин эмас экан, чунки бир қисм эритувчи ва қаттиқ модда шрот орқасида ўзаро молекуляр тортишиши намоён бўлиб, бу кучни камайтиради ёки ўзуш учун албатта очиқ ишлатилиши лозим. Шундагина сув буғлари эритувчи ва маҳсулот молекулалари орасидаги тортишув кучини камайтириб эритувчини енгил хайдашга ёрдам беради. Ўз навбатида сув буғи маҳсулот устидаги эритувчи буғларининг парциал босимини камайтириб эритувчини учебчиқиши учун қулай шароит ҳосил қиласди.

Булардан ташқари эритувчи хайдалаётган аппарат ички мухитида бир оз вакуум ҳосил қилиниб эритувчининг учиш температураси камайтирилади.

Шрот таркибидан учиралаётган бензин буғларини тозалаш.

Шрот таркибидан бензин учиралаётган пайтда ҳосил бўлган буғ ҳолатидаги эритувчининг ҳажми нихоятда каттадир ва бензин буғлари аппарат ичидан катта тезлик билан учеб чиқади ҳамда ўзи билан биргаликда шротнинг майда бўлакчаларини олиб кетади.

Бензин буғлари таркибидаги шрот чангининг микдори буғ ҳажмига нисбатан кўп бўлмасада буғни конденсациялаш жараёнида конденсаторнинг трубка оралиқ бўшлиқларини тезда ифлослаб тўлдириб ташлайди. Натижада конденсаторнинг ишлаши тўлиқ бўзилади. Шу туфайли шnekли ёки чанли учирувчи аппаратлардан чиқаётган бензин буғлари конденсаторга боришдан олдин қуриқ ва хўл шрот ушлагичлардан ўтказилади. Қуруқ шрот ушлагичлар шрот заррачаларининг ўлчами 100 мг дан ортиқ бўлгандагина ушлай олади. Хўл ушлагичлар эса, иситилган сув ва охирги пайтларда эритувчи ёрдамида пуркатиш йўли билан деярли барча шрот заррачаларини ушлаб қолади. Шунинг учун шnekли буғлатгичлардан сўнг албатта кетма-кет қуруқ ва хўл шрот ушлагичлар тостердан сўнг эса фақатгина хўл шрот ушлагич ишлатилади.

Шрот чанги ва сувдан ҳосил бўлган аралашма лойқа шlam деб номланиб, у маҳсус шlam қиздиргичларда қайта иситилиб, таркибидаги бензин буғ ҳолатига айлантиради ва конденсацияланиш йўли билан буғ ҳолатидаги бензин суюқликка айлантирилади. Қолдиқ ифлос сувни шlamли сув деб аталиб, цех таарисидаги бензин ушловчи ховўзларга йўналтирилади. Шрот таркибидан бензинни учириш ва бензин буғларини тозалаш қуйидаги схема билан ифодаланади.

Ёғ мой саноати корхоналарида ишлаб чиқарилган шрот ва кунжаралар асосан озиқа ва ем сифатида қўлланилади. Кунжара ва шротларнинг қиймати қуйидагилар билан боғланади:

- Озиқа модда хисобланган оқсилларнинг юқори миқдори билан (35-50%);
- Таркибида фосфор бўлган моддалар билан фосфатидлар, фитинлар, углеводлар, мойлар;
- Кулда бўладиган элементларнинг борлиги билан (6-7%);
- В группага оид витаминларнинг борлиги билан;

Кунжара ва шротларнинг сифатини белгиловчи кўрсатгичлар чигитнинг сифатига ва уни қайта ишлаш режимига боғлиқ.

Чигитни сақлаш, қайта ишлашда технологик режимга риоя қилиш юқори сифатли кунжара ва шротлар олишни тамиллаш.

Ёғ мой корхоналарининг шрот ва кунжарани ишлаб чиқаришдан ташқари уларни истемолчига етказгунча сақлаш вазифаси ҳам киради. Кунжара ва шротлар нам жойда яхши сақланмайди ва харорат $35\text{-}40^{\circ}\text{C}$ дан ошмаслиги керак.

Кунжара ва шротлар сақланётганда уларнинг юзасида катта миқдорда микроорганизмлар пайдо бўлиши мумкин. Шу билан биргаликда могоरлаши ҳам мумкин.

Сақлаш вақтида намлик ортиб кетса маҳсулот ўз-ўзидан қизиб кетади. Бу эса маҳсулотнинг сифатини бўзилишига олиб келади.

Кунжара ва шротларнинг нотўғри сақланиши қўйган там ва нохуш хид бериши мумкин. Бунга сабаб яна ёғ кислоталарининг оксидланиши жараёнидир. Бундай жараёнларни олдини олиш учун маҳсулотни сақлашдан олдин намлик ва харорат бўйича кондицияланади.

Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга қўйидаги талаблар кўйилади:

- Кўшимча моддалар бўлмаслиги керак (моғор, қўйган моддалар ва чириндилар, қум, тупроқ)
- Ёғнинг маълум миқдори;
- Протеин ва кулнинг миқдори;
- Маҳсулотнинг температураси ($35\text{-}40^{\circ}\text{C}$)дан ошмаслиги керак;
- Намлик 8-9%
- Шротдаги бензин миқдори 0,1% бўлиши керак.

Пресланган кунжарани сақлашдан олдин қайта ишлаш.

Преслаш усули билан мой олишда хом бўладиган кунжаранинг температураси $120\text{-}130^{\circ}\text{C}$, намлиги 2-3% ва мойлиги 6-7% ни ташкил қиласи. Кунжарани сақлаш жойигача олиб борилгунча унинг температураси ва намлиги деярли ўзгармайди. Бундай маҳсулотни сақлашда кераксиз жараёнлар амалга ошиши мумкин.

Кунжарани сақлаш учун тайёрлашдаги энг рацционал усул бу кунжарани майдалаш ва керакли намликни ва температурани тамиллаш.

Кунжарани сақлаш учун тайёр кунжара 7,5-8,5% намлика 35°C дан баланд бўлмаган температурага ва кунжара доналарнинг ўлчам 10-15 мм дан ортмаслиги керак.

Кунжарани ортимал температурагача совутиш маҳсус ускуналарди амалга оширилади. Кунжарани сув билан қайта ишлаш оддий транспорт шнегида амалга оширилади. Шнег метал қобиқ билан ёпилган ва таъминланган. Сувни пуркаб бериш учун форсункалар қўлланилади.

Шротни кондициялаш, доналаш ва бойитиш

Буғлатгичлардан чиқайтган шрот 100-1005 хароратга, 6-10% намлика эга ва таркибида 0,05 – 0,2 % эритувчилар мавжуд бўлади.

Шротни нормал шароитда сақлаш ва ташиш учун керакли бўлган температурагача, намликача ва эритувчиларнинг миқдорига қараб совитилади.

Сақлаш учун келаётган шрот қуйидаги оптимал параметрларга эга бўлиши керак: Т<40°C намлиги 7-9% кунгабоқар шроти; 8-10% соя шроти; 7-8% пахта чигити шроти.

Шротни кондициялашдан асосий мақсад, усулдаги эритувчилар миқдорини камайтиришдан иборатdir. Конденсацияланган шротдаги эритувчиларнинг миқдори 0,1% дан ошмаслиги керак.

Шротларни температура бўйича кондициалаш учун қасқон шаклидаги кондиционерлар ишлатилади. Қасқонларнинг кондиционердаги сони шу хисобдан олинадики, яъни шротнинг харорати кондициялангандан сўнг 70°C атрофида бўлиши керак. Шротнинг намлик бўйича кондициялаш учун икки винтли шнек намлатгичлар қўлланилади.

Экстракция цехларида шротни кондициялаш қурилмасининг технологик схемаси.

Буғлатгичлардан келаётган иссиқ шрот шнек (1) ёрдамида қасқонли кондиционерга (2) чурилади ва у ерда 70°C гача совитилади. Керак бўлса қисман намланади. Қасқонларнинг ғилофлари совук сув ёрдамида совитилади. Шротлардан чиқаётган буғ газ аралашмаси ҳавога чиқариб юборилади. Шрот магнитли химоядан ва нориядан (3) ўтгач шнек (4) ёрдамида шрот совутгич калонкасига (5) келади. У ерда шрот ҳаво ёрдамида шамоллатилади. Ҳаво вентилятор (9) ёрдамида берилади. Натижада шрот 40° С гача совутилади. Ишлатилган ҳаво фильтр (7) да тозаланиб, турбопровод (10) орқали ҳавоси чиқарилади. Ушлаб қолинган чанг пневмопровод орқали шротнинг асосий оқимиға қуйиб юборилади. Совутилган шрот шлюзли затвор ва таъминлагич (6) орқали пневмопровод (8) келиб тушади. У ердан

шрот ҳаво ёрдамида суреб олинади. Керакли ҳаво воздуходувка (16) ёрдамида берилади. Шундан сўнг шрот циклон бўшитгичка (12) ўзатилади. Пневмопроводга берилаётган ҳаво 75-80° С гача намланади.

Циклон бўшатгичда шрот тинади, сўнгра шлюзли затвор (13) ёрдамида автоторозларга (14) келади. Ҳосил бўлган маҳсулот нория (15) ва редлер (17) ёрдамида сақлагич (18) келиб тушади.

Ифлосланган ҳаво микроциклонларда (11) тозаланилади. Мирокциклонларда ушлаб қолиган шрот чанглари шлюзли затворда (13) шротнинг асосий оқими билан аралашиб кетади.

Шротни сақлашда олдин шрот совутувчи колонкада совутиш схемаси.

Шротни сақлашдан олдинги пневмо транспортда совутиш
курилмасининг технологик схемаси.

Буглатгичлардан келаётган иссиқ шрот шнек (1) ёрдамида қасқонли кондиционер (2)га берилади. У ерда шрот агар зарурият бўлса керакли миқдоргача намланади ва 70° С совутилади. Сўнгра шрот пневмотранспортер

(3)нинг питателга берилади. Пневмотранспортерга совутиш учун воздўзодувка (7) ёрдамида ҳаво хайдалади. Бу ерда шрот 75-80% гача намланган, ҳаво ёрдамида циклон бўшатгич (6)га пневмопровод (4) орқали ўзатилади. Бу ўзатиш вақтида шрот қўшимча совутилади. Шрот циклон бўшатгичдан шлюзли затвор (8) ёрдамида автоторозлар (9)га келади. Чангланган ҳаво микроциклонларда (5) тозаланилади. Ушлаб қолинган шрот чанглари бункерларга йифилади ва асосий оқимга қўшиб юборилади.

Шрот автоторозилардан сўнг шнек (10), нория (11) ва редлер (14) орқали омбор (15) га ўзатилади. Редлерлар (13,16) ва нория (12) шротларни қурилманинг ички қисмида ташиш учун мўлжалланган.

«Таянч» сўз ва иборалар.

1. Шрот
2. Эритувчи
3. Қатламда хайдаш
4. Қисман муаллоқ ҳолатда хайдаш

5. Муаллоқ ҳолатда хайдаш
6. Тостер (қосқонли буғлатгич)
7. Шлам

Такрорлаш учун саволлар.

1. Экстрактордан чиққан шрот таркиби
2. Шротни хайдаш усууллари.
3. Шротни тостерда хайдашда кўзатиладиган параметрлар
4. Шротдан учирилаётган бензин буғларини тозалаш
5. Шламни қайта ишлаш
6. Ишлаб чиқилаётган маҳсулотга қўйиладиган талаблар.
7. Шротни кондициялаш қурилмасининг технологик схемаси
8. Шротни совутиш схемаси баёни

21.22- МАЪРУЗАЛАР.

ЭРИТУВЧИННИНГ РЕГЕНЕРАЦИЯСИ ВА РЕКЎПЕРАЦИЯСИ.

Мой экстракция жараёнида мойни ажратиб олиш учун эритувчи бир неча марта ишлатилади. Эритувчининг асосий қисмини қайта ишлатиш учун шрот ва мисцелла таркибида буғлатиш ва кондициялаш усули билан ишлаб чиқаришга қайтарилади. Ҳосил бўлган аралашма (эритувчи билан сув) уларнинг зичлигидаги фарқига асосан сув ажратгичда иккита компонентга ажратилади. Эритувчи ўзлуксиз қайта ишлатиладиган эритувчига мўлжалланган резервуарга юборилади. Эритувчини қайтадан йиғиб олиш жараёни регенерация деб аталади. Бироқ юза конденсаторларида эритувчи тўла конденсацияланмайди ва ҳаво билан аралашма ҳосил қиласи. Бундан ташқари таркибида кам микдорда эритувчи буғи бор аралашмалар турли

мисцелла йигичларда, эритувчи учун резервуарларда ҳам ҳосил бўлади. Эритувчи буғи ҳаво билан ҳосил қилган аралашмадан (эритувчи концентрацияси 15-20 % гача) эритувчи ажратиб олиш жараёни рекўперация деб аталади.

Бундан ташқари , мой экстракция заводларида эритувчини сув , мой, оқсил, фосфатид, углеводород ва бошқа моддалардан иборат эмульсияҳам ажратиб олинади.

Эритувчини регенерация қилиш усуслари.

Ҳаво-эритувчи буғлари аралашмасидаги эритувчи буғларнинг концентрациясига кўра қўйидаги тутиб олиш усуслари қўлланилади.

А) аралашмада эритувчи буғларнинг концентрацияси кўп микдорда бўлса совутиш йўли билан кондициялашдан фойдаланилади. Бунинг учун сув, ҳаво буғ аралашмасини эса намакоп ёки хладоагент ёрдамида совитилади.

Б) Эритувчи буғларнинг концентрацияси ўрта ва кам микдордаги аралашмалар учун эритувчини қаттиқ ёки суюқ сорбентлар билан адсорбция ёки абсорбция йўли билан эритувчини тутиб қолиш усулидан фойдаланилади.

Эритувчи ва сув буғларнинг аралашмасини конденсациялаш.

Эритувчи ва сув буғлари аралашмасини икки усул билан конденсациялаш мумкин:

1)узали конденсаторлар. Бу ерда буғлар трубанинг ички ёки сиртқи юзалари билан конденсацияланади. Трубаларнинг бошқа томонидан совуқ сув , намакоп ёки ҳаво берилади. Шу вактда буғлар ўзининг иссиқлигини совутгич агентига бериб, конденсацияланади.

Лекин конденсат совутувчи сув ёки намакоп билан аралашмайди.

2)Аралаштирувчи конденсаторларда буғлар совутувчи сув ёки намакоп билан аралаштирилади.

Конденсациялаш атмосфера босими ёки вакуум остида ўтказилади. Вакуум ҳосил қилиш учун вакуум-насос ёки буғли эжекторлар ишлатилади.

Трубкалар тўпламлари жойлашганига қараб юзали конденсаторлар ётиқ ёки тикка тургани бўлиши мумкин. Тикка турган конденсаторлар кенг қўлланилади.

Тик турган конденсатор НД-1250 цилиндрик корпус (1), қопқоқ (3), конуссимон таглик (8)дан ташкил топган конденсаторнинг юқори қисмида трубани маҳкамлаш учун тўр (13) жойлашган. Бу решеткага диаметри 20/25 ўзунлиги 3000 мм 61 дона (латунли) трубка ўрнатилган. Трубкаларнинг пастки қисми трубкали решеткага ўрнатилган. Унинг пастки қисмида қум, чиқиндилар иғилади. Трубчатка (11) цилиндрик тепа қисмида қобиқни ичидаги уни трубкали решеткага ўрнатилган ва трубчаткани тозалаш ва силаштириш учун имконият яратилган. Қопқоқ билан (3) ёпилади. Совутувчи сув патрубок (6), тўскич (12) орқали қопқоқ (3)дан икки марта ўтиб, патрубок (5) орқали чиқиб кетади.

Тик турган конденсатор.

Конуссимон қисмда йиғилган чиқиндилар ювилган пайтда патрубок (10) орқали чиқариб юборилади. Краниқ (4) лар ҳавони чиқариб юбориш учун мўлжалланган. Эритувчи ва сув буғлари патрубок (2) орқали конденсаторнинг труба оралиғига берилади. Трубчатканинг ўзунлигига тўскич (15) конденсацияланган буғлар учун иккита йўл ҳосил қиласи.

Трубали оралиқнинг бир қисми аксинча токчалар (14) билан бўлинган. Бу токчалар буғларни совутиш юзаси билан яхши контактда бўлиши мақсадида ўрнатилган.

Конденсат конденсаторнинг конуссимон қисмида йигилиб, патрубок (9) орқали чиқиб кетади. Конденсацияланмаган буғлар ҳаво билан аралашма ҳосил қилиб патрубок (7) орқали вакуум ёрдамида рекўперация қурилмасига юборилади.

Сувли шрот тутгичлардан чиқсан бензин ва сув буғларини конденсациялашда совутувчи сувнинг температураси конденсатордан чиқаётган 35°C дан юқори бўлмаслиги керак. А маркали бензин ишлатилганда конденсатнинг температураси 45°C дан юўлмаслиги керак.

Ҳаво буғли аралашмани «Экстехник» линиясида конденсациялашни кўриб чиқамиз.

Ҳаволи совутишда тостер ва дистилляциялнинг ҳамма босқичларидан чиқсан ҳаво буғли аралашмалар учун конденсаторлар ишлатилади.

Тостердан чиқсан ҳаво-буғли аралашма сувли шроттутгичда қаттиқ заррачалардан тозаланади. Иссикликни қайта ишлаш учун аралашма дистилляциянинг биринчи босқичига юборилади. У ерда мисцелладаги эритувчи бунсацияланади. Конденсат-эритувчи ва сув аралашмаси сув ва эритувчини ажратиш учун мўлжалланган сув ажратгичга келиб тушади. $T=62$ градусли конденсацияланмаган буғлар ҳаво билан совутиладиган конденсатор (4) га боради.

Конденсаторлар ишини енгиллатиш учун, температураси 62^0 С га яқин бўлган конденсацияланмаган буғларни ўтказувчи трубаларга насос ёрдамида харорат 40^0 С лди эритувчи ва сувли конденсат сачратилади.

Шу билан бирга газопроводда буғларнинг бир қисми конденсацияланиб 62^0 С га қиздирилади. Бу операция буғларнинг конденсациясини енгиллаштириб янги эритувчини қиздиришга сув буғининг сарфини қисқартиради. Газопроводнинг пастки қисмидан конденсат сув ажратгич келиб тушади.

Конденсатор (4) да эритувчи ва сув буғлари конденсацияланади. Конденсациянинг бошлангич температураси 61^0 С булиб, аралашманинг температураси киришда 61^0 С, чиқишида 50^0 С ни ташкил қиласи.

Дистилляциянинг ҳамма гурухларидан чиқсан ҳаво-буғли аралашманинг юқори концентрацияли буғлари ҳаво билан совутиладиган, (1) ва (6)га вакуум-насослар ёрдамида ҳосил бўладиган вакуум остида ишлайдиган (3) ва (8) конденсаторларга юборилади. Конденсатор (3) да эритувчининг буғлари конденсацияланади. Конденсациянинг бошлагич T -си 400^0 С, аралашманинг киридаги T -си 50^0 С, чиқишида 40^0 С бўлади. Конденсатор (8) да эритувчи ва сувнинг буғлари конденсацияланади. Конденсациянинг болангич T -си 50^0 С, аралашманинг киришдаги T -си 80^0 С, чиқишида 40^0 С бўлади.

(2),(5) ва (7) сепараторларда конденсат ҳаво-буғли аралашмадан ажралади.

Эритувчини рекўперацияси.

Экстракция цехидаги турли аппаратлардан чиқаётган ҳаво таркибида озми-кўпми эритувчи буғи бўлади. Ҳаво-буғ (техник адабиётда ҳаво-газ аралашмаси деб ҳам юритилади) аралашмасидан эритувчини рекўперацион қурилмалар ёрдамида ажратиб олинади.

Рекўперацион қурилмаларда эритувчининг буғларини ажратиб олиш учун учта усулда фойдаланилади:

- 1)совутиш йўли билан конденсациялаш;
(эритувчи буғларнинг концентрацияси 170-250 г/см)
- 2) қаттиқ адсорбентлар ёрдамида конденсациялаш (50-140 г/см)
- 3)суюқ абсорбентлар ёрдамида конденсациялаш (140-175 г/см)

Ҳаво-буғ аралашмадаги эритувчи буғларини совутиш йўли билан конденсациялаш жараёнини кўриб чиқамиз . Бу жараёнда буғнинг асосий қисми суюқ агрегат ҳолатга ўтади. Сўнгра ҳосил бўлган конденсат маҳсус аппаратларда сув ажратгичларда таркибий қисмларга ажратилади, яъни эритувчи ва сувга. Ажралиб чиқкан ҳаво эса оз миқдорда қолган буғ билан биргаликда атмосферага чиқариб юборилади.

Аралашмани совутиш-дефлегматор деб аталадиган – рекўперацион аппаратларда амалга оширилади. Совутиш учун асосан совуқ сув ($10-12^{\circ}$) ёки баъзи тўзларнинг эритмалари (намакоп) дан (асосан кальций хлор) фойдаланилади.

НД-1250 тизасини рекўперация ускунаси чизмаси.

1.2 –хаво буғ аралашмани совутгичи

1.3 3,4 – дефлегматорлар

1.4 5 – буғ эжектор

1.5 6 – турли тусқичлар

Таркибида эритувчи буғлари кўп бўлган ҳаво-буғ аралашмаси (300-400 мг/л) совутгич (1) ва дефлегматор (3) ларга юборилади.(конденсатор, мисцелла тозалагичлардан чиққан).

Таркибида камроқ эритувчи буғлари бўлган (мисцелла йиғгичдан, акстрактордан ва бошқалардан чиққан) ҳаво –буғ аралашмаси (2)-совутгич ва (4) дефлегматорларга юборилади.

Дефлегматор колонкалари камакоп билан совутилади.

Дефлегматорларга қиздириш учун сувли буғ хам берилади.

(3) Дефлегматорлардаги ҳаво сеткали тўсқин (6) чиқиб кетади. (4) дефлегматорлардаги сув мўзлаб қомаслиги учун ўзатилаётган намаконинг харорати насос олдида минус 5⁰С дан паст бўлмаслигидефлегматорда эса 0 С атрофида бўлиши керак.

Ҳаво буғ аралашмасидаги эритувчи буғларини суюқ-мойли абсорбент ёрдамида рекўперациялаш.

Ҳаво-буғ аралашмадаги ҳамма углеводород компонентларни суюқ ютичлар ёрдамида ушлаб қолиш мумкин. Ҳаво-буғ аралашмасидан эритувчининг буғларини абсорбион усулда ажратиб олишга уларнинг суюқ минерал углеводородли маҳсулотларда эритувчини асос бўлади.

Абсорбент сифатида ишлатиладиган маҳсулотлар қуидаги талабларга жавоб бериши, яъни жараён давомида турғун бўлиши, десорбция вақтида яхши регенерацияланиши, аппаратларни зангламаслиги керак.

Ёғ экстракция саноатида нефть маҳсулотларидан вазелин ва ацетон мойлари кенг қўлланилади.

«Экстехник» мой-абцорцион ускунасида абсорбенд сифатида қайнаш хароратининг бошланиши 325°C ва сўнгиси 500°C атрофида бўлган минерал мой ишлатилади.

Ускуна кўрсатилган чизма бўйича ишлайди.

Ҳаво-буғли аралашма совутгич (1) орқали абсорбенд (2) га боради. Абсорбендга қарама-қарши йўналишда совук минерал мой билан пуркаланади. Эритувчидан ажralган ҳаво вентилятор (3) ёрдамида атмосферага чиқариб юборилади. Таркибида эритувчи бор мой абсорбенднинг камерасига оқиб тушиб, иссиқлик алмашгич (5) ва иситгич

(6) орқали насос (10) ёрдамида насадкали десорбенд (7) да буғли ғилоф бўлиб, пастги қисмида буғ барбортёри ўрнатилган. Дегорберда мойни буғ билан қиздириб, хайдалган эритувчи буғи конденсацияга ўзатилади. Регенерацияланган мой эса дисорбердан абсорбцион мой учун мўлжалланган бак (8) га оқиб тушади ва насос (9) ёрдамида иссиқлик алмаштиргич (5) ва сувли совутгич (4) га юборилади. Сўнгра, абсорбцион калонканинг юқори қисмига берилади ва цикл қайтарилади.

Иссиқлик алмаштиргич (5) да абсорбцияланган мой қисман қиздирилади, кейин (6) да буғ билан қиздирилади.

Регенерацияланган мой иссиқлигининг қисман теплообменник (5) да камайтирилади, совутгич (4) да сув билан совутилади.

Абсорбенда эритувчининг абсорбцион мой оғирлигига нисбатан 5% миқдорида эритувчи ютилади. Дисорбердан кейин 120 °C хароратда ҳам тўлиқ хайдаш жараёнига эришилмай 0,5% миқдордаги эритувчи регенерацияланган мой қолади ва қайтадан циклга жўнатилади. Мой абсорбцион аппаратлар ҳаводаги бензин буғлари миқдорини 2% дан ошмаслигига кафолат беради ва бу аппаратлар рекўпирацион аппаратларига нисбатан самарали ишлайди.

Эритувчи ва сув аралашмасини ажратиш.

Зичлигида фарқи бўлган, бир-бири билан аралашмайдиган сероқликларни тиндириш усули билан ажратиш мумкин. Бунинг учун сув ажратгич аппаратлари ишлатилади. Уларга НД-1250 сув ажратгичи, мез сув ажратгичи, сув ажратгич сепарати аппаратлари киради.

НД-1250 сув ажратгичнинг сифими 6,5 метр ташкил қиласи. Аралашманинг харорати 40°C дан юқори бўлмаслиги керак. Аппаратдан чиқаётган сувдаги бензин миқдори 0,01 % дан кўп бўлмаслиги керак.

МЕЗ сув ажратгичи дастлабки (сифими 5 м) охирги сифими 3,5 м ва эритувчи учун мўлжалланган ишчи бак сифими 0,5 м лардан ташкил топган.

Суважратгич сепаратринг қуввати суткасига 1200 тонна чақилган пахта чигитлари учун мўлжалланган. Унинг сифими 33,6 м сепаратордаги суюқликнинг харорати 40°C бўлиши лозим. Ишлатилган сув буғ билан 90°C гача иситилиб, эритувчини ажратиш учун ишлатилади.

«Таянч» сўз ва иборалар.

1. Регинерация
2. Рекўпирация
3. Конденсациялаш
4. Абсорбент
5. Сув ажратгич
6. Конденсатор

Такрорлаш учун саволлар

1. Эритувчи регинерация ва рекўпирация қилишдан мақсад.
2. Эритувчини регинерация қилишдан мақсад.
3. Эритувчи ва сув буғларининг аралашмасини конденсациялаш.
4. Эритувчи рекўпирацияси.
5. Ҳаво – буғ аралашмасидаги эритувчи буғларини суюқ-мойли абсорбенд ёрдамида рекўпирациялаш ва унинг технологик баёни.
6. Эритувчи ва сув аралашмаларини ажратиш.

23 МАЪРУЗА

ТЕХНОЛОГИК СХЕМАЛАРНИНГ БАЁНИ.

НД-1250 м линияси технологик схемасининг баёни.

Экстракция қилинаётган материал йирик, майда ёки баргсимон ҳолатда конвейр (4) орқали экстрактор (1) нинг қабул қилиш калоннасига берилади. Экстрактор (1) га маҳсулот оқиб тушувчи трубага электромагнит (2) жойлаштирилган. Экстракция қилинаётган материал унга қарама-қарши харакат қилаётган эритувчи (бензин, гексан) билан ёғсизлантирилади. Экстракторга эритувчи цех ташқарисидаги резеруварлардан сув чўқтиргич (3) иситгич (5) лар орқали берилади. Экстрактор (1) шрот таркибида 25-40% эритувчи ва сув билан чиқиб шлюзли затвор орқали ўзи оқиб қасқонли буқлатгич (8) (тостер) га берилади. Шротни қасқондан қасқонга ўтиши клапонлар ёрдамида автоматик равишда бажарилади. Хар бир қасқонда шрот иссиқлик ва буғ билан ишланади. Ёник ва очиқ буғлар тъсирида қасқонда маҳсулотни аралаштириш натижасида шрот таркибидаги эритувчи буғлантирилади. (0,1-0,5%). Ёғсизлантирилган шрот совутилиб шнеклар орқали омборга жўнатилади.

Экстрактор (1) дан чиққан тозаланмаган мисцелла насос (25) орқали дискли філтр (11) ларга берилади. Тозаланган мисцелла ўз оқими билан мисцелла йиғгич (13) да йғилади. Тозаланган мисцелла насос билан иситгич (14) орқали 1-босқичли дистелятор (27) га берилади. Иситгич (14) биринчи босқич дистелятордан буғланган эритувчи буғлари ёрдамида иситилади. Эритувчи буғлари иситгич (14) орқали конденсатор (6) га берилади. Қизиган

мисцелла насос (25) билан 2-босқичли дистелятор (26) га берилади. Ажраб чиққан буғлар конденсатор (6) да йиғилади. Мисцелла эса насос (25) билан иситгич (21) орқали тугалловчи дистелятор (22) га берилади. Бу ерда мисцелла фарсункалар ёрдамида солиб берилади. Бу эса юқори унумли дисцелляция жараёнини ҳосил қиласи. Тугалловчи дистелятор вакуум остида ишлайди. Вакуум буғ электори (33) орқали ҳосил қилинади. 1- ва 2-босқичли дистеляторлар атмосфера босимида амалга оширилади. Тугалловчи дистиллятордан чиққан ёғ чақнаш температурасини аниқловчи асбоб (32) да чақнаш температурасини аниқлаб, совутгич (24) да совутилиб ёғ йиғгичда йиғилади. Қасқонли буғлатгич (8) (тостер) дан буғланниб чиқиб эритувчи буғлари хўл шрот тутгич (7) орқали конденсатор (6) да йиғилади. Буғнинг конденсатор (6) га келишида вакуум буғ эжектори (33) роли катта бўлади. Конденсатор (6) дан эритувчи конденсатор совутгичи (9) орқали сув ажратгич (31) га ўзатилади. Бу ерда ўз навбатида дистиллятордан буғланган эритувчи буғлари ҳам конденсатор совутгилари (28,29) дан ўтиб йиғилади. Сув ажратгич (31) да эритувчи сувдан ажратилиб экстрактор (1) га юборилади. Ифлос сув эса насос (25) орқали буғлатгич (30) га ўзатилиб қолган эритувчи буғлатилади. Ошиқча сув эса цех ташқарисидаги резеруарга йиғилади.

T1-МЭМ экстракцион линияси технологик схемаси

Экстракция қилинаётган материал (кунжара) ва шротнинг харакати:

Экстракция қилинаётган материал лепесток ёки гранула (янчилма) ҳолида электромагнитдан ўтиб, шлюзли тўсиқ (1) орқали юкловчи бункер (2) га берилади. Бункердан экстракция қилинаётган материал экстрактор (3) нинг секин айланаётган лентасига тушади ва ўзлуксиз равишда аралашиб, аппаратнинг экстракцион камерасига йўналтирилади. Материални лентадаги қалинлиги 1 м қалинликда ушлаб турилади. Бу бошқарувчи шибер ёрдамида 0,8-1,4 м гача ўзгартирилиши мумкин. Экстракторда харакатланаётган материал қарама қарши томондан берилаётган эритувчи билан 2 қатор жойлаштирилган капгерлар ёрдамида яхшилаб аралаштирилиб турилади ва босқичма-босқич ёғсизлантирилади. Экстрактор (3) да материал дастлабки босқичда мисцелла билан охирги босқичда эса тоза эритувчи билан аралаштирилади. Ёғсизлантирилган материал (шрот) лентани охиридан туширувчи бункерга ташланади.

Ёғсизлантирилган шрот бункер (4) дан лапаткали шнек ёрдамида бир меёрда шлюзли тўскич (5) орқали 10 қасқонли буғлатгич (тостер) (6) га берилади. Тостерда шротдан осиқ ва ёпиқ пар бериш орқали қолдиқ эритувчи хай далади.

Эритувчиси хайдалган шрот тостердан шнек (61) ва элеватор (62) ёрдамида шрот кондиционер (7) га берилади. Шрот кондиционерида шрот совитилиб, омборга жўнатилади.

Тостердан ажralиб чиқган эритувчи ва сув буғлари аралашмаси нам шрот тутқич (40) га берилади. Нам шрот тутқич (40) да аралашмага

форсункалар ёрдамида иссиқ сув пуркаланади. Иссиқ сув нам шрот тутқичга бензин буғлатгич (37) дан насос (39) орқали берилади. Ювилган эритувчи буғлари иссиқлиги мисцеллани дисцилляция қилиш учун ишлатилади. Экстрактор қасқонли буғлатгич системасида кичик вакуум ушлаб турилади. Вакуум (17) эконамайзер, (20,40) коненсаторлар ва дефлегматорлар орқали паражекторда ҳосил қилинади.

Эритувчи мисцелла ва ёғни харакати.

Схемада экстрактор (3) ичидаги эритувчи ва мисцеллани харакати босқичма-босқич қарши томондан түйинтириш (хар бир босқичда эритувчини рецеркуляцияси кўзатилади) принципига асосланган. Бунда ёғсизланиб бораётган материал тоза эритувчи билан аралаштирилади. Дастреб берилаётган материал эса концентранган мисцелла билан аралаштирилади (эритилади, түйинтирилади.). Бу схеманинг бошқа линиялардан фарқи бунда эритувчини қайта-қайта ишлатилишидир. Бу усулда йўқотилган эритувчини ҳажмини тўлдириш ер ости резеруаридан (55) вақти - вақти билан насос (11) орқали юбориб туриб амалга оширилади.

Эритувчи насос (11) билан ишчи бак (8) дан сув чўқтиргич (9) ва иситгич (10) орқали экстрактор (3) га экстракциянинг охирги босқичида трубка орқали берилади. У лентада харакат қилаётган материалга сингиб аста секин материалдаги ёғни эрита бошлаёди. Шу усулда олинган 1-мисцелла бирин-кетин экстракциянинг лентасини юқори ва пастки қисми орасида жойлашган конуссимон мисцелла йиғгичда тўплана бошлайди. Бу йиғгичлардан мисцелла 1-секция блок насослар (60) ва иситгич орқали экстракциянинг кейинги босқичига берилади.

Босқичма-босқич ўтган мисцелла хар бир блок насосда циркуляцияни вужудга келтириб харакатланади. Шу йўл билан мисцеллани концентрацияси охирги босқичга боғунча ошиб бораверади. Охирги босқичда мисцелла мисцелла йиғгичда йиғилади ва шпүцер орқали тушурилиб, мисцелла насос (34) билан фільтр (14) орқали мисцелла ювгич (12) га берилади.

Мисцелла ювгич (12) да мисцелла барбатёр орқали ош тўзининг эритмаси билан аралаштирилиб хар хил аралашмалардан ва унда эриган қандлардан ажратиб олинади. Бунда мисцелла тозаланади. Тўз эритмаси хар доим аппаратнинг пастки қисмида бўлади, мисцелла эса қалқиб чқади. Тозаланган мисцелла мисцелла ювгичдан шарнирли труба орқали насос (15) билан сепаратор (16) га ва эконамайзер (17) га берилади. Бу ерда мисцелла тостер (6) дан чиқаётган буғ хисобига иситилиб, дистилляцияга берилади. Мисцелладан эритувчини ажратишни тезлаштириш мақсадида системада мисцеллани айланнишини ошириш учун насос (41) ўрнатилган. Бу насос (41) мисцеллани эконамайзер (17) да ва старатор (16) да айланма харакатини таминлайди ва мисцеллани 2-босқич учун ажратиб беради. Сепараторда мисцеллани микдори қалқовиҷли сатҳ ўлчагич ва автоматик кран ёрдамида бир хил ҳолатда ушлаб турилади. Сепаратордан ўзлуксиз холда мисцелла дистиллятор (19) берилиб турилади. Сепаратор (16) дан мисцелла иккинчи босқич дистиллятори (19) га насос ва кран орқали берилиб турилади. Бу ерда ҳам қалқувчи сатҳ ўлчагич ва кран ёрдамида автоматик равища мисцелланинг сатҳи бир хилда ушлаб турилади. Дистиллятор (19) мисцеллани сатҳи баландлиги бир метр атрофида ушлаб турилади. Дистилляциянинг иккинчи босқичида ҳам мисцелланинг циркуляцияси ҳам амалга оширилади. Бу циркуляция дистиллятор (12) ва сепаратор (18) ўртасида бўлади, бу эса эритувчини бир мунча яхши хайдалишини таъминлайди.

Дистилляциянинг биринчи ва иккинчи босқичида эритувчини хайдаш вакуум остида олиб борилади.

Вакуум умумий эжектор (23) ёрдамида ҳосил қилинади. Концентрланган мисцелла вакуум ёрдамида иситгич (21) орқали ўтиб насос (28) билан дистилляциянинг учинчи охирги босқичига ўзатилади. Бу ерда мисцелла форсунка ёрдамида дистилляторнинг тепа қисмидан пластинкаларига пуркаб берилади. Шу тариқа мисцелладан эритувчининг қолган қисми хайдалади. Дистилляторнинг тубида бир оз мой ушлаб турилади (250мм), бу эса мисцеллада эритувчи буғларини бутунлай хайдаш

имконини беради. Дистиллятор (22) га қўшимча пастки қисмидан барбатёр орқали қиздирилган очик буғ бериб турлади. Тайёр бўлган мой ўзлуксиз равишда аппаратдан насос (27) ёрдамида мой учун йиғувчи бак (29) га берилади. Мойнинг чақнаш харорати аниқлангандан сўнг совутгич (31) дан насос (30) ёрдамида ўтиб мой учун ажратилган идиш (32) га тушади. У ердан мой насос (33) орқали гидротацияга берилади. Конденсацияланмаган аралашма мисцелла ювгичга юборилади ёки истгичга берилиб дистилляторга қайтарилади.

Эритувчи буғлари ва сув буғлари харакати.

Тостер (6) дан ажралиб чиққан эритувчи ва сув буғлари нам шрот тутгич (40) дан ўтиб, экономайзер (17) орқали конденсатор (40) га берилади. Конденсатор (40) да конденсатга айланган қисми коллектор орқали ўтиб сув ажратгич (13) га берилади.

Эритувчи буғлари сепараторлардан (16,18) ва иккинчи босқич дистиллятор (19) дан конденсатор (20) га берилади. Конденсатор (20, 20а) лар вакуум остида ишлайди. Вакуум эса эжектор (23) ёрдамида ҳосил қилинади.

Конденсат конденсатордан сув ажратгиг (13)га тушади . Бу конденсаторда эжектор (23) сўриб олаётган эритувчи ва сув буғлари, ҳамда эжекторга берилаётган буғ ҳам конденсацияланади. Мисцелла иситгич (21) дан ва учунчи босқич дистиллятор (22) дан чиққан эритувчи ва сув буғлари эжектор (23) ҳосил қилган вакуум ёрдамида тортиб олиниб конденсаторга (24) берилади. Конденсацияланган буғлар сув ажратгич (13)га турба орқали берилади.

Конденсатга айланмаган буғлар эса эжектор (23) ёрдамида яна конденсатор (25) га берилади.

Дистилляция эжектор (23) лар блоки ҳосил қилган босим остида боради.

Сув ажратгич (13) да сувдан ажратилган эритувчи вакуум хисобига труба орқали эритувчи баки (55) га ўзатилади ва яна технологик линияга юборилади.

Сув ажратгич (13) да бир мунча эритувчи буғлари, қолган сув рекўперацияга берилади. Рекўпираторда қайта ишланган суюқлик, яъни сув ва шлам труба орқали варонкадан ташқари бензин тутгич (56) га ва ундан оқова сувларни тозлаш системасига ўзатилади.

Эритувчини рекўперацияси.

Системадан келган эритувчи ва ҳаво буғлари аралашмаси контроль конденсатор (42,43) лардан ўтиб ходилник (45) да қарама-қарши томондан совуқ сув берилиб, тўзли сув совутгичли конденсатор (46) га берилади. Конденсацияланмаган эритувчи буғлари конденсатор (46) дан дефлегматор (47) га берилади. Дефлегматор (47) вертикал жойлаштирилган зангламайдиган пўлатдан ясалган пластинкалардан ташкил топган. Дефлегматор (47) да эритувчи буғлари фарсункалар ёрдамида қарама-қарши томонидан берилган совутилган тўзли сув билан аралаштирилади. Тўзли сув аммиак буғлатгич (52) нинг трубасидан насос (51) ёрдамида йиғгич (48) дан берилади.

Тўзли сув сифатида бу ерда калий хлорид эритмаси ишлатилади.

Конденсатга айланган эритувчи буғлари сув билан аралашган холда ходилник ва конденсатор орқали сув ажратгич (13) га берилади. Конденсатга айланган эритувчи буғлари ва тўзли сув аралашмаси дефлегматор (47) дан тўзли сув йиғгич (48) га тушади. Тўзли сув йиғгичда ажратилағ эритувчи сув ажратгич (13) га тушади. Дефлегматор (47) да тўзли сувни бир қисми сув билан аралашиб, тўзли сувнинг концентрацияси камайиб кетади. Бу эса тўзли сув йиғгич (48) да эритмани кўпайишига олиб келади. Бунда сув ажратгичга эритувчи билан бирга тўзли сув эритмаси ҳам қўшилиб кетади ва бу қўшимча сув билан оқова сувларни тозалаш системасига тушириб юборилади.

Тўзли сувнинг йўқотилишини камайтириш мақсадида системага, яъни дефлегматор системасига тўзли сув конденсатор ўрнатилган. Бундай эритувчи ва тўзли сув аралашмаси тўзли сув йиғгич (48) дан тўзли сув конденсатори

(49) га берилади. Бу ерда эритувчи ва бир оз сув буғ ҳолида хайдалади ва конденсатор (49) га берилади. Конденсат, яъни эритувчи ва сув аралашмаси сув ажратгичга берилади.

Ажратилган тўзли сув тўзли сув конденсатори (49) дан тўзли сув тайёрлайдиган каробка (50) га берилади ва у ердан насос билан яна системага қайтарилади.

Эритувчидан халос бўлган ҳаво атмосферака чиқарилиб юборилади. Дефлегмацион ускуна ҳавони чиқариб юбориш учун вакуум системасига уланади. Вакуум инжектор ёрдамида ҳосил қилинади.

Дефлегматордаги эритувчи буғларини совутиш учун аммиакли совутгич ускунаси (аммиакли компрессор (53), конденсатор (49), аммиак буғлатгич (52), тўзли сув йиғгич (48) ва насос (51) дан ташкил топган) системаси ишлатилади. Кальций хлорид эритмаси сеткали тубдан ва буғ барбатёри бўлган идиш (50) да тайёрланади.

«Экстехник» экстракция линиясининг технологик схемаси.

Экстракция қилинаётган материал кондиционер агломераторидан редлаер ёрдамида экстракторнинг (3) юкловчи бункери(1) га берилади. Бункер(1)дан материал экстрактор (3) га шнеклар блоки (2) орқали бир маромда берилиб турилади.

Экстрактор (3) дан чиқаётган шрот шнек (4) ва редлер (5) орқали тостер(46) га ўзатилади. Тостер(46) да шрот таркибидағи эритувчи буғлатилади ва куритилиб совитилади. Тостернинг учта юқориги

секцияларида очиқ буғ ёрдамида шротдаги эритувчи хайдалади. Очиқ буғ тостерга пастги қисмидан аралаштиргичлар оралиғидан берилади. Эритувчидан тозаланган шрот шлюзли түсқич (47) орқали тушурувчи ва юкловчи шнеклар ёрдамида қуритиш блокига ўзатилади. Қуритиш блоки иккита секциядан ташкил топган. Бу ердан шрот совутиш учун тостернинг охирги секциясига туширилади. Қуритиш калорифер (6) да иситилган илиқ ҳаво ёки буғ ёрдамида амалга оширилади. Буғнинг босими 1 МПа тенг бўлади. Совутиш эса атмасфера ҳавоси билан амалга оширилади. Совутилган шрот шлюзли түсқич (47) орқали шнек (44) га тушади ва ундан складга жўнатилади.

Хайдаш секциясидан ажралиб чиқкан эритувчи ва сув буғлари циклон-шрот тутгич (45) га ўтади ва ундан иссиқлик берувчи сифатида дисстиляциянинг биринчи босқич дистиллятори (8) га берилади.

Совутиш камерасидан чиқкан сув ҳаво циклонлар (41-43) ёрдамида тозаланади ва вентилятор (40,42) ёрдамида атмосферака чиқариб юборилади. Экстрактордан мисцелланасос (51) орқали мисцелла йиғгич (50) га берилади ва філтр (49) дан ўтиб філтрланган мисцелла учун йиғгич (48) га тушади. У ердан насос (7) ёрдамида 3-босқичли дистилляция қурилмасининг биринчи босқичига берилади.

Биринчи босқичда мисцелланинг концентрацияси 24% дан 65% гача кўтарилади. Кейин у насос (9) орқали 2-босқич дистилляторга берилади ва концентрацияси 2-босқичда 95% га етказилади. 2-босқичдан мицелла насос (11) ёрдамида 3-босқич дистилляторга берилади. 3-босқичда очиқ буғ ёрдамида мойда қолган эритувчи қолдиқлари хайдалади. Тайёр бўлган мой насос (13) ёрдамида йиғгичга берилади ва насос орқали совутгичга ўтиб йиғгичга тўпланади.

Тостердан чиқиб келаётган буғлар 1-босқич дистилляторила иситгич сифатида ишлатилади ва бир қисми шу ерда конденсацияланади, конденсат йиғгичга тушади. Конденсацияланмаган буғлар 1-босқич дистилляторидан чиқиб, ҳаво ёрдамида совутиладига конденсатор (39) га боради. Ундан

конденсат ва буғ аралашмаси ажратувчи идиш (38) га тушади ва конденсат ҳамда сув ажратгич (18) дан ўтиб эритувчи йиғгич (16) га тушади. Буғ ва ҳаво аралашмаси эса ажратувчи идиш (38) дан абсорбцион рекўпирация системасига берилади. Йиғилган эритувчи назорат сув ажратгич (14) дан ўтиб насос (15) ёрдамида умумий эритувчи йиғгичга берилади.

Ҳаво-буғ аралашмаси ажратгичлардан конденсатор (29) га берилади ва ундан кейин абсорбцион калонка (28) га берилади. У ерда аралашма насадкалардан ўтиб, эритувчи буғлари абсорбентда тутиб қолинади. Ҳаво эса буғ қолдиқлари билан бирга вентилятор (27) ёрдамида атмосферага чиқарилиб юборилади. Вентилятор (27) ёрдамида хар доим вакуум ушлаб турилади. (20-50 Па) Бу эса эритувчи буғларини экстракция цехига тарқаб кетишига йўл қўймайди. Атмосферага чиқарилиб юборилаётган эритувчи буғларининг миқдори $20 \text{ мг}/\text{м}^3$ дан кўп бўлмаслиги керак.

Абсорбент эритувчи билан бирга абсорбцион калонна (28) дан насос (20) ва иситгичлар (24,25) орқали калонна дисорбер (23) га берилади. Эритувчи ва сув буғлари дисорбердан оралиқ идиш (22) берилади ва насос (27) ва иситгич (25) орқали ўтиб, совутгич (26) га тушади. Совутгич (26) дан эритувчи ва сув буғлари абсорберга қайтарилади.

«Таянч» сўз ва иборалар.

1. Эритувчи

2. Кунжара
3. Шрот
4. Мисцелла
5. Конденсат
6. Буғ (очиқ, ёпик)
7. Дистилляция

Такрорлаш учун саволлар

1. НД-1250 м линясининг технологик схемаси баёни
2. Т1-МЭМ экстракцион линияси технологик схемаси баёни.
3. Экстехник линияиси технологик схемаси баёни.

24-МАЪРУЗА

ЎСИМЛИК МОЙЛАРИНИ БИРЛАМЧИ ТОЗАЛАШ

Экстракциялаш ёки преслаш усули билан олинган мойлар кўп компонентли мураккаб системалардир. Уларнинг таркиби глицириидлардан ташқари механиқ аралашмалар ва бир қатор қўшимча моддалар киради.

Механиқ аралашмалар мойга уни олиш жараёнида қўшилади. Улар қаттиқ ва таркибida мой бўлган заррачалардир. Улар мойнинг сифатини бўзади ва кейинги қайта ишлашларда қийинчилик туғдиради.

Юқори сифатли мойларни олиш учун уларни яхшилаб тозалаш, яъни бирлами чи тозалаш ва чуқур тозалаш рафинациялаш керак.

Юирламчи тозалаш жараёни мойларни механиқ аралашмалардан тозалашдан иборат.

Ўсимлик мойларини бирламчи тозалаш технологияси ва техникаси.

Мойларни механиқ қўшимчалардан тозалаш, суспензияларни ажратиш муаммолардан биридир. Ўсимлик мойларини тозалаш учун қўлланиладиган схема ва ускуналарни танлашдан ажратилаётган суспензиянинг хусусиятларини хисобга олиш керак. Шунинг учун бирламчи тозалаш икки кетма кет босқичдан иборат бўлиб ҳажми 2 м ни ташкил қиласи.

- биринчи босқич – дастлабки тозалаш, яъни йирик заррачалардан тозалаш.
- Иккинчи босқич – чуқур тозалаш, яъни майда заррачалардан тозалаш.

Суспензияларни ажратиш учун қуйидаги усуллардан фойдаланилади.

- 1) тиндириш
- 2) центрафугалаш
- 3) фильтрлаш

1) **ТИНДИРИШ.** – бу усулни дастлабки тозалашда қўллаш мақсадга мувофиқ, жараённи тезлатиш учун суспензия қиздирилади. Мойларни тиндириш учун саноатда икки камерали қуйқа ажратгич ишлатилади. Уни унимдорлиги 8-10 тонна/соат.

2) **ФИЛЬТРЛАШ** – майда дисперс заррачаларни мойдан ажратища кенг қўлланиладиган усулдир. Бу усулни мохияти шундан иборатки тозаланаётган мой майда ғоввакли тўсиқдан ўтказилади. Тўсиқда ушланиб қолинган заррачалар ҳам фильтровчи материал сифатида хизмат қиласи. Ажратиб олинган механиқ заррача таркибида фасфатидлар, оксилилар ва бошқа моддалар бўлади.

Фильтровчи материал сифатида фильтргазламабелтинг, миткаль, синтетик толали газлама (лавсан, капрон) ишлатилади.

Фильтрлаш жараёни доимий босим остида ёки ўзгармас тезлиқда олиб боириш мумкин. Одатда фильтрлаш ўзгармас тезлиқда ва ўзгарувчан босимда олиб борилади.

Босимни катталиги фильтрланаётган мой таркибидаги чуўкмани миқдорига мойни температураси ва фильтровчи тўсиқни турига боғлиқ бўлади. Чўкма миқдори куўп температура паст ва фильтровчи тўсиқ зичлиги юқори бўлганда ҳам босим $0,15 - 0,2$ МПа дан юқори бўлмаслиги керак.

Саноатда мойларни фильтрлаш учун горизонтал ёки вертикал тўсиқли ҳосил бўлган чўкмани қўл кучи билан ёки механиқ усулда бўшатувчи фильтрлар ишлатилади.

Мойларни фильтрлаш учун кетма-кет жойлаштирилган бир қатор рама ва плиталардан иборат бўлган фильтр преслар кенг қўлланилади. Фильтр пересда иккита фильтровчи казлама қопланган плита ва ичи бўш рама

мустақил фильтрлайдиган ячейкани ташкил қиласы. Плита ва рамалар йиғилганда фильтрланадиган мой кирадиган канал ҳосил бўлади. Бу канал орқали насос ёрдамида мой кириб, рамани тўлдиради ва фильтрлайдиган газлама орқали ўтиб, плитадан тарам-тарам оқиб тушиб, ускунани пастки қисмида каналча орқали новга йиғилади. Фильтрлаш жараёнини бошланишида мой тиник бўлмайди. У маҳсус идишда йиғилиб, қайтадан фильтрлашга юборилади.

3. ЦЕНТРАФУГАЛАШ. –бу усул мойлардаги майда дисперс заррачаларни ажратиб олишнинг энг самарали усулидир. Центрафугалар, сепараторлар ҳам деб аталади. Хозирги мой экстракция заводларида горизонтал ва ўзлуксиз ишлайдиган центрафугалар ишлатилади.

Ўсимлик мойларини бирламчи тозалаш учун ишлатиладиган технологик схемалар

Ўсимлик мойларини дастлабки тозалаш учун қуйидаги технологик схемалар ишлатилиши мумкин.

1. Мкки босқмчли тиндиркичда тозалаш ва фильтр пресда фильтрлаш (икки босқичли).
2. Икки босқичли тиндиргичда тозалаш – НОГШ центрафугасида ва сепараторларда тозалаш. (уч босқичли.)
3. Икки босқичли тиндиргичда – дискали механизациялашган фильтр ФГДС да тозалаш (икки босқичли)

Фильтрпресс ёрдамида ўсимлик мойларини бирламчи тозалаш технологик схемаси.

Форпресс мойи қуйқатутгич (1) га йирик заррачалардан дастлабки тозалаш усули келиб тушади. Тозаланган мой оралиқ идиш (2) дан насос (3) ёрдамида фильтрпрес (4) га юборилади. Фильтрланган мой бак олдида йиғилади. Мойни биринчи хира қисм бак (5) га оқиб тушиб, сүнгра қайта фильтрлашга юборилади. Қуйқатутгич ва фильтрпресдан чиққан чўқмалар шнек (7) орқали прес агрегатдаги қовушқоққа юборилади.

Бу схеманинг камчиликлари: фильтрпрессларни қўлда тозаланиши, самарадорлиги паст ва хаказо.

Центрафуга НОГШ ва сепараторлар ёрдамида ўсимлик мойларини тозалаш технологик схемаси

Мой йирик заррачалардан дастлабки тозалаш учун қуйқатутгич (1) орқали оралиқ сифим (2) дан насос (3) ёрдамида центрафуга НОГШ (4) га юборилади. Тозаланган мой бак (6) га оқиб тушади. Кейин насос (3) ёрдамида сепаратор (5) да майда заррачалардан тозаланади. Қуйқа тутгич (1), центрафуга НОГШ (4) ва сепаратор (5) дан ажралиб чиқкан қуйқалар шнек (7) орқали қовиргичга юборилади.

Кўриб чиқилган технологик схемалар хар хил ўсимлик мойларини тозалаш учун қўлланилади. Лекин бу схемаларнинг камчиликларидан бири тозаланган мойдаги қуйқа қолдиқларининг миқдорини кўплигидир. Шунинг учун бу усулларни такомиллаштириш даркор.

«Таянч» сўз ва иборалар.

1. Экстракцияланган мой.
2. Пресланган мой.
3. Механиқ аралашма
4. Центрафугалаш
5. Тиндириш
6. Фильтрлаш

Такрорлаш учун саволлар.

1. Мойларни бирламчи тозалашдан мақсад
2. Ўсимлик мойларини тозалаш усуллари

3. Ўсимлик мойларини бирламчи тозалаш учун ишлатиладиган технологик схемалар.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ.

АСОСИЙ

1. Копейковский В.М. и др. «Технология производство растительных масел»
М. Легкая и пищ. промышленность. 1982 г.
2. Голдовский А.М. «Теоретические основы производство растительных масел» М. Пищепромиздат. 1958 г.
3. ВНИИЖ Руководство по технологии получения и переработки
растительных масел и жиров, том 1 кн 1, Л. 1975. кн. Л.
1974. с. 591
4. Халимова У.Х. «Ўсимлик ёғлари ишлаб чиқариш технологияси» Т.
Ўқитувчи. 1982, с. 246

ҚЎШИМЧА.

Леонтьевский К.Е. «Производство растительных масел» М. Пищепромиздат 1956.

Гавриленко И.В. «Маслоэкстракционное производства» М. Пищепромиздат 1960. с. 244

Щербаков В.Г. «Биохимия и товароведение масличного сырья» М. Пищепромиздат 1963.

Белобородов В.В. «Основные процессы производства растительных масел»
М. Пиш. пром. 1966 с. 478

Гавриленко И.В. «Оборудования для производства растительных масел» М.
Пишепромиздат 1972. с. 312

МУНДАРИЖА.

1. 1-маъруза. Кириш.....	3
2. 2,3-маърузалар. Мойли уруғларни сақлаш	7
3. 4,5-маърузалар. Мойли уруғларни тозалаш.....	16
4. 6-маъруза. Мойли уруғларни намлик бўйича кондициялаш.....	26
5. 7,8-маърузалар. Мойли уруғларни чақиш ва қобиғини мағзидан ажратиш.....	33
6. 9-маъруза. Мойли уруғларни ва уларни мағизини янчиш.....	38
7. 10,11-маърузалар. Қовурма тайёрлаш.....	40
8. 12,13-маърузалар. Преслаш усули билан мой олиш.....	47
9. 14-маъруза. Ўсимлик мойлари ишлаб чиқаришнинг экстракция усули.	51
10. 15,16-маърузалар. Экстракция жараёнининг назарий асослари.	57
11. 17,18-маърузалар. Мисцеллани қайта ишлаш. Мисцеллани тозалаш...	65
12. 19,20-маърузалар. Шротни қайта ишлаш.....	74
13. 21,22 -маъруза. Эритувчининг регенерацияси ва рекўперацияси.....	80
14. 23-маъруза. Технологик схемаларнинг баёни.....	86
15. 24-маъруза. Ўсимлик мойларини бирламчи тозалаш.....	99
16. Адабиётлар рўйхати.....	103